

O'ZBEKISTON

TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

4/2019



МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- А. Атаходжаев** ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудури, т.ф.д.
Ф. Джуманиязова ЎзР ФА Шарқшунослик кичик илмий ходими, PhD
Г. Богомолов ЎзР ФА археологик тадқиқотлар маркази катта илмий ходими, т.ф.н.
О. Ирискулов СамДУ катта ўқитувчиси, PhD
У. Куранбаева ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, т.ф.н.
Н. Махкамова Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ “Гуманитар фанлар” кафедраси мудури, т.ф.д., профессор
О. Муҳаммадиев Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашрлар бўлими бошлиғи
А. Назаров ЎзМУ таянч докторанти
М. Примов ЎзМУ таянч докторанти
В. Фурньё Ижтимоий фанлар тадқиқотлари Франсуа Фурньё олий мактаби директори, профессор. Париж
С. Эшонкулова ЎзР ФА Шарқшунослик институти бўлим мудури, фил.ф.н.
А. Тоғаева ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
А. Аширов ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудури, т.ф.д., профессор

Муқовада: Жангчининг боши тасвири. Монументал деворий суратдан лавҳа. Афросиёб, Самарқанд. VII аср

На обложке: Голова воина. Фрагмент монументальной росписи. Афросиаб, Самарқанд. VII в.



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

4

2019

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

- А. Атаходжаев.** Марказий Осиё халқлари маданияти ва давлатчилиги ривожда суғдий тил ва ёзувининг роли 3
Ф. Джуманиязова. Илк ўрта асрларда Бухоро, Кашмир ва Гандхарадаги *Элтегин / ye-li t'e-le / ve-li-te-le* идентиклиги: янгича ёндашувлар 14
Г. Богомолов. Банокат-Шохрухия-Шарқия 25
О. Ирискулов. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд пахта тажриба плантациясининг фаолиятдан 40

Тарихиунослик ва манбашунослик

- У. Куранбаева.** Абу Райхон Беруний асарларида Суғд тарихи 48
Н. Махкамова. Ўзбекистонда халқ таълими муаммоларининг XX аср 20–30-йиллар адабиётларида ёритилиши 56

Тарихда шахслар

- О. Муҳаммадиев.** Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий – мотуридийлик мактабининг йирик намояндаси 67

Ёш тадқиқотчи минбари

- А. Назаров.** Ўзбекистон Миллий архивининг Туркистон археология хаваскорлари тўғараги (И-71) фонди таснифи 78
М. Примов. XX асрнинг 60–70 йилларида Ўзбекистонда ўқув карталари ва тармоқ атласларининг яратилишига доир 89

Тарихчи кутубхонасига

- В. Фурньё.** Ягона тарихий кенгликда. Китоб ҳақида мулоҳазалар 96

Илмий ҳаёт

- “Кўкон ўқишлари” Республика илмий анжумани ҳақида. **С. Эшонқулова** 100
Ўзбекистонда интеллектуал мероснинг ўрганилиши масалалари. **А. Тогаева** 103
Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммоларига бағишланган илмий анжуман. **А. Аширов** 106

СОДЕРЖАНИЕ

- А. Атаходжаев.** Роль согдийского языка и согдийской письменности в развитии культуры и государственности народов Центральной Азии 3
- Ф. Джуманиязова.** Идентичность *Элтегин /ye-li t'e-le/ ve-li-te-le* в раннем средневековье в Бухаре, Кашмире и Гандхаре: новые подходы 14
- Г. Богомолов.** Бенакет-Шахрухия-Шаркия 25
- О. Ирискулов.** Из истории деятельности Самаркандской хлопковой испытательной плантации в конце XIX – начале XX веков 40

Историография и источниковедение

- У. Куранбаева.** История Согда в трудах Абу Райхана Беруни 48
- Н. Махкамова.** Отражение проблем народного образования в Узбекистане в литературе 20–30-х гг. XX века 56

Личности в истории

- О. Мухаммадиев.** Алауддин аль-Усманди ас-Самарканди – великий представитель Матуридитской школы 67

Трибуна молодого исследователя

- А. Назаров.** Характеристика фонда (И-71) Туркестанского кружка любителей археологии Национального архива Узбекистана 78
- М. Примов.** О создании учебных карт и сетевых атласов в 60-е – 70-е годы XX века в Узбекистане 89

В библиотеку историка

- В. Фурньё.** В едином научном пространстве. Мысли о книге 96

Научная жизнь

- О республиканском научном семинаре «Кокандские чтения». *С. Эшонкулова* 100
- Вопросы изучения интеллектуального наследия в Узбекистане. *А. Тогаева* 103
- Научная конференция, посвященная теоретико-методологическим проблемам этнологии Узбекистана. *А. Аширов* 106

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Сурайё Каримова
(бош мухаррир ўринбосари)
Равшан Абдуллаев
Бахром Абдухалимов
Мирурт Абусентова
(Қозоғистон)
Адхам Аширов
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Доннёров
Азамат Зиё
Доно Зияева
Мирсодиқ Исоқов
Марианна Камп (АҚШ)
Татьяна Котюкова
(Россия)
Шаин Мустафаев
(Озарбайжон)
Нодира Мустафаева
Азимхўжа Отахўжаев
Катрин Пужоль
(Франция)
Мирзохид Рахимов
Эдвард Ртвеладзе
Валерий Хан
(бош мухаррир ўринбосари)
Нозим Ҳабибуллаев
Флориан Шварц
(Австрия)
Темур Ширинов
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувохнома № 0051

Теришга берилди
20.02.2020.

Босишга рухсат этилди
06.03.2020.

Қоғоз бичими 70x100^{1/16},
Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 5,25.

Шартли босма т. 5,0.
160 нуска.

Буюртма № 183.
Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет
ООО “MEDIA LAND” нашриёт
уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Ш. Рашидова, 40.
“NISO-POLIGRAF” MCHJ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент в., Машғал маҳалласи,
Марказий кўчаси, 1-уй.

А. АТАХОДЖАЕВ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ
ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИДА СУҒДИЙ ТИЛ
ВА ЁЗУВИНИНГ РОЛИ

Марказий Осиё халқлари тарихининг илк ўрта асрлар даври (V–VIII аср биринчи ярми)да Суғд ва суғдликлар (суғдча ва туркча сўзлашувчи қавмлар уюшмаси)нинг минтақа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни ўзига хос аҳамият касб этган¹. Шу даврда суғдий тил ва ёзув халқаро мақом даражасига кўтарилиб, минтақадаги давлатчиликнинг тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатган.

Хусусан, антик ва илк ўрта асрларда суғдийларнинг минтақага таъсири Хитой тарихчиси Бян Цзи қайд этган: “*Суёб шаҳридан Цзе-шуанна (Суғднинг дастлабки пойтахти – Кеш)гача бўлган мамлакат Сули (суғдий) деб номланган*”², каби сўзларда ҳам ўз изоҳини топади. Қолаверса, “Сўнгги Хан сулоласи (25–220) тарихида” ва Вэй сулоласи (220–265 йй.) солномаси “Вэй шу”да Канго / Канг-куэк – Самарқанд давлати ёки Суйиго – Суғд давлатига тўрт юздан ортиқ шаҳар (мулк)лар, жумладан Ми, Ши, Цао, Хэ, Кичик Ан, Нашебо, Унахэ ва Му қабилар бўйсуниб, уларни бир неча аср давомида чжаову хонадони вакиллари бошқаргани қайд этилган. “Суй шу” солномасига кўра, Турк хоқонлиги даври, яъни VII асрдан сўнг Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари бўлмиш чжаовулар ўрнини туркий “ўн ўк” сулоласи вакиллари эгаллаган³.

Бундан ташқари, милодий III–IV асрлардан ерга мулккий муносабат ўзгариб, зодагон – хвабу (*γωβω*)лар, эркин деҳқон – азат (*'z'it (k'r)*)-

¹ Отахўжаев А. Суғд ва суғдликлар (тарихий географик ва этник номлашга оид айрим мулоҳазалар) // *O‘zbekiston tarixi*. 2006, № 1. 3–10-бетлар.

² Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // *Мозийдан садо*. 2002. № 2 (14) 43-бет; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы: Дайк-пресс, 2002. 164-б.; Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. Новосибирск, 1989. 304-б.

³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. 27-б.; Бабаяр Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент – Самарқанд, 2007. 216–221-бетлар.

лар, деҳкон жамоаси – кашоварз (*kšw'rz*)лар, мулкий қарам – кадивар (*k'dw'r*)лар шаклланган. Зардуштий кохинлари ва ибодатхоналарининг “вағнзе” (*βγνζ'yh*) мулклари таркиб топган. Бу тоифанинг бошқарув тизимидаги ўрни мустаҳкамланган⁴.

Айни пайтда Суғд ҳукмдорлари – ихшид (*xšaydiya*)лар ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар Оқсоқоллар Кенгаши томонидан тартибга солинган. Ихшидлар бу Кенгаш олдида ҳисобот берувчи чекланган ҳокимиятга эга бўлган. Шунингдек, ҳар бир мулкнинг ўз ҳарбийлари – чокарлари бўлиб, улар тан кўрикчи, аскар, карвон соқчилари вазифасини бажаришган⁵. Умуман, бу давр давлатчилигида расмий ҳужжатларни юритиш анъаналари Аҳамонийлар давридан сақланган меъёрлар замирига қурилган.

VII аср биринчи ярмида Ғарбий Турк хоқони Тўн ябғу (618–630) ўтказган ислохотлари Суғд маъмурий бошқарувини такомиллаштирган бўлса-да, у ўзининг рузие (юэчжи), хионий, кидарий ва эфгалийлар давридан маълум бўлган жиҳатларини сақлаб қолди.

Аҳамонийлар даври (мил. авв. VI–V аср)да кириб келиб, антик давр (мил. авв. IV – мил. IV аср)да такомиллашган оромий ёзуви асосидаги суғдий ёзув минтақада яшаган кўплаб қавмлар учун расмийлик мақомига эга бўлган. Чунки Буюк ипак йўли доирасида суғдий тил минтақага кенг тарқалиб, илк ўрта асрларда халқаро мулоқот тили – *lingua franca* мақомини ола бошлаган эди. Суғдликларнинг тили Уструшона, Чоч, қисман Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистонда амал қилиб, Биринчи Турк хоқонлиги (552–603), Ғарбий Турк хоқонлиги (603–742) ва Тургаш хоқонлигида (699–766) туркий тил билан бир қаторда давлатнинг расмий тили даражасига эришган. Суғдий ёзув эса қадимги турк, уйғур, мўғул, манҷур ва ҳатто корейс ёзувлари тизимини вужудга келтирган⁶. Бу нафақат минтақавий, балки қитъа миқёсидаги маданий ва интеграцион жараёнларга⁷, турли тилли этнослар манфаатларига хизмат қилган.

Сиёсий маънода минтақавий яқдиллик Шарқда Хитой, Ғарбда Эрон манфаатларига қарши тура оладиган Суғд, Уструшона, Чоч,

⁴ Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: O'zbekiston, 2015. 354–357-бетлар.

⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLEX, 2010. 64–72-бетлар.

⁶ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. Москва: Наука, 1981. 347–514-бетлар.

⁷ Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культура Центральной Азии. Ташкент, 2005. 196, 233-бетлар.

Фарғонадан иборат “савдо иттифоқи”ни вужудга келтирган⁸. Ҳатто Хитой маъмурлари бу иттифоқ билан мурасага бориб, Гансудаги Хеси коридорини “уруш ва ҳарбий ҳаракатлардан холи зона” деб эълон қилган⁹. Натижада Турк хоқонлиги даврида суғдликлар хоқонларнинг содиқ иттифоқчисига айланган¹⁰.

Чочдан Ганьсугача тармоқланган манзилгоҳлар тизими – кент (*k'nd*)ларда турли маданиятларнинг интеграцияси ва синтези рўй берган¹¹. Айниқса, суғдликлар ва туркийлар ўртасидаги қалин муносабатлар минтақа ривожининг умумий тенденциясини белгилаб берган¹².

Суғдликлар минтақада нафақат сиёсий, иқтисодий ёки маданий етакчига айланган, балки тили ва ёзуви билан “ягона макон”даги маънавий муҳитни ҳам барқарорлаштирган. Жумладан, ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар “контакт макони” Суғд ва Чоч таъсиридаги уструшоналиклар¹³ савдода ҳамда маънавиятда суғдликларга эргашган. “Тан-шу” солномасига кўра, 618–627 йилларда Су-дуй-ша-на (Уструшона) ҳукмдорлари Бухоро ва Самарқанд билан бирга Хитойга ўз элчилиги ва савдо карвонларини юборган¹⁴. Гарчи, Сюань Цзан (VII аср), сутулисен (уструшона)ликларнинг урф-одатлари чочликларга ўхшаш деса-да, уларнинг тили суғдий тил негизида шаклланганлигини В.А. Лившиц Чилхужрадан топилган суғдий ёзувли ёғоч тахтачадаги битик орқали исботлашга ҳаракат қилган¹⁵. Бу эса Уструшона давлатчилигида суғдий тил ва ёзув амал қилганлигини тасдиқлайди.

⁸ Ртвеладзе Э.В. Самарқанд на Великом шелковом пути // Самарқанд шаҳрининг умум-башарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент – Самарқанд, 2007. 109-6.

⁹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. 66–70-бетлар.

¹⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. 39-б.

¹¹ Отахўжаев А. Суғд-турк карвон йўллари-сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик // Великий шелковый путь. Культура и традиция. Прошлое и настоящее. Материалы научно-теоретической конференции. Ташкент, 2006. 145–150-бетлар.

¹² Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический сборник. 1972. Москва: Наука, 1973. 258-б.

¹³ Ҳозирги Сирдарё вилояти, Жиззах вилоятларининг бир қисми ва Тожикистоннинг Суғд вилояти шимоли-ғарбий қисмини қамраб олган тарихий-маданий вилоят.

¹⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том. II. М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1950. 138-б.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. 83-б.

¹⁵ Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. Москва: ИВЛ, 1962. 71–74-бетлар. (далее СДГМ II).

Тарихан суғдликлар Чочга мил. авв. VI–IV асрлардан то VIII–IX асрларга қадар кириб келиб, Чочнинг шаҳарлари, тоғли ва тоғ олди худудларига ўрнашган¹⁶. Ўзаро муносабатлар шу даражада яқин бўлганки, бу икки юрт савдогарлари хориждаги манзилгоҳларда ҳам бир жамоа бўлиб яшашган¹⁷. Қолаверса, алоқаларни Афросиёб деворидаги Самарқандга ихшид Вархуман (Авархуман) (650 / 655–675) хузурига келган Чоч элчиси ҳақида маълумот ҳам исботлайди¹⁸. Ўз навбатида Чочда суғдчадан ташқари маҳаллий ҳайтал (эфталиий) ва туркий тиллар ҳам амал қилган. Қанҳа шаҳри харобасидан топилган сопол идишдаги турк-руний битикдаги ва II–III аср биринчи ярмига оид Култепа харобасидан топилган ғишт юзасида Чоч – *c'c'*¹⁹ атамаларининг икки хил ёзувда қайд этилиши шундан далолат беради.

Суғдий тил ва ёзув Фарғона водийсида ҳам ўз изини қолдирган. Ҳатто хитой манбалари Даван (Полона (мил. авв. V), Бохань (VI–VII) ёки Ниньюань (VII–VIII))ни худудий жиҳатдан Суғднинг бир қисми деб тушунган²⁰. Буни Э. Пуллейблэнк икки худуд аҳолисининг тили, антропологияси, урф-одати ва эътиқодидаги яқинлик²¹ билан изоҳлаган. Қолаверса, А.Н. Бернштам Сюань Цзан ва Хой Чаоларга суяниб, “/ Фей-хан мамлакати аҳолиси / тили бошқа мамлакатларникидан фарқли”, деб изоҳлайди²². В.А. Лившиц ҳам Фарғонада шарқий эроний тиллар гуруҳига мансуб маҳаллий тил ҳамда суғдий, хоразмий ва парфиён

¹⁶ Буряков Ю.Ф. Археологические материалы к этнической истории бассейна средней Сырдарьи в древности и средневековье // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент: Фан, 1986. 50–51-бетлар.

¹⁷ Кызласов Л.Р. Городская цивилизация срединной и северной Азии. Москва: Восточная литература, 2006. 340-б.

¹⁸ Альбаум Л.И. Новые росписи Афрасиаба // Страны и народы Востока. Выпуск X. Москва: Наука, 1971. 88–89-бетлар.

¹⁹ Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. 2002. № 3. 11-б.; Sims Williams N., Grenet F. The Sogdian Inscriptions of Kultoba // Shygys. 2006. № 1. P. 95–111; Исхаков М.М., Камолиддин Ш.С., Бабаяров Г.Б. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VIII вв.) // Серия рабочие документы ИФЕАК. Ташкент, 2007. Выпуск 26. 7–26-бетлар.

²⁰ Pulleblank E.G. Chines and Indoeuropean // Journal of Royal Asiatic of Great Britain and Irland. London, 1966. P. 25–30; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент: Akademiya, 2008. 137-б.

²¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... . Том. II. 161–162-бетлар.

²² Бернштам А.Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). Ташкент: АН УзССР, 1951. 16–17-бетлар; Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. 356-б.

ёзувларидан фаркли “махсус ёзув”²³ бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Айни пайтда, Ю.А. Заднепровскийнинг Исфарадан топган сополдаги турк-руний ёзув намунаси ва С.Г. Кляшторний ўқиган узукдаги руник ёзувли “*упанч*” сўзи, Қува ва Лўмбитепа ёдгорликлари VI–VIII асрларда Фарғонада баъзи жиҳатлари билан илк суғд ёзувига ўхшаш руний ёзуви бўлганлигини тасдиқлайди²⁴.

Фарғона ва Суғд иттифоқи Муғ архивининг А-14 хужжатида акс этган. Панч вилояти ҳокими Деваштич ўз элчиси Фатуфарни бежизга “*Фарғона подшосига мўлжасалланган мактубни Фарғона тутуги орқали Фарғона ҳукмдори (Bry’nk MLK’)*”²⁵ – ихшидга топшириш учун юбормаган. Бу алоқалар XIX аср муаррихи Ибратнинг: “...Косонда Муғний кўрғони ва ўрдаси деб машҳурдир... Ихшид деб зикр қиладурғон Суғд подшолари ҳам бул ерда ҳукмронлик қилган”²⁶, – деб ёзганида ўз ифодасини топган.

Суғд ва Тохаристон мулки Чағониён муносабатлари элчилик даражаси кўтарилгани VII аср 2-ярмига оид Афросиёб деворий тасвирларида “*Суғд ихшиди Вархуман (Авархуман) ҳузурига Чағониённинг туркий ҳукмдори Турантош номидан сарой дапирпати – мирзоси Букарзатнинг таширфи*”²⁷ орқали акс эттирилган. Мазкур элчи эғнидаги чопон этагида 16 қатор суғдий тилда элчилик номаси битилиб, унга кўра Букарзат: “*Ва \сен\ (Вархуман) менга нисбатан ҳеч қандай шубҳага бормагин – Самарқанд (Суғд) худолари ҳақида ҳамда \суғд\ ёзуви ҳақида менинг яхши хабарим бор*” каби фикрларни билдирган²⁸. Бу сатрлар расмий хужжатчилик анъанасининг бир намунаси, муншоот жанрининг ўзига хос кўриниши саналади. Элчининг “*суғдий ёзувдан бохабарлиги*” суғдча тилнинг минтақавий ва халқаро мақомини яна

²³ Лившиц В.А. Письменность древней Ферганы (?) // Народы Азии и Африки. 1968. № 6. 229; СДГМ II. 51, 84–85-бетлар.

²⁴ Бернштам А.Н. Древнетюркские рунические надписи из Ферганы // Эпиграфика Востока. 1956. Выпуск IX. 54–58-бетлар; Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы / История и культура народов Средней Азии (древность и средние века). Москва: Наука, 1976. 56–57-бетлар; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. Тошкент: Фан. 2006. 16–44, 55-бетлар.

²⁵ Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. Тошкент: Фан, 1990. 25-б.

²⁶ Ибрат, Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли. Фарғона тарихи // Мерос туркуми. Тошкент: Камалак, 1991. 277-б.

²⁷ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975. 55-б.; Ўша муаллиф. Росписи Афрасиаба. Иллюстрации. Ташкент: Фан, 1976. табл. X. Западная стена. Деталь 1.

²⁸ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... . Том. II. 321-б.

бир карра исботлайди. Чағониён эса Суғд орқали Хитой билан боғланган. Жумладан, 660 йилда Чағониёндан қизил ва зумрад рангли шиша буюмлар Хитойга юборилган²⁹. Қолаверса, Суғд карвонлари Тохаристон орқали Ҳиндистонга чиқишган. Хусусан, Германия – Покистон экспедицияси Шатиал ва Чилос йўлидан топган мил.авв. I аср ва мил. VI–VII асрларга оид бир ярим мингдан ортиқ 17 тилда битилган ёдгорликдан 250 таси суғдча эканлиги³⁰, суғдча тил тарқалган ҳудудлар кўламини кенгайтиради.

Суғдий тил ва ёзув Еттисувдаги³¹ савдо, ҳунармандчилик манзилгоҳлари: Ҳамукат (Жамукент), Шалжикат, Жувикат, Навикат, Нузкат каби ўнлаб шаҳар ва кўрғонлардаги турли тилли аҳолининг мулоқот тилига айланган³². Кейинчалик эса суғдийларнинг ўзлари туркий муҳит кўлами таъсирида ассимиляцияга учраб туркийлашган. Жумладан, Махмуд Кошғарий: *“Баласогундаги суғдаклар Бухоро ва Самарқанд орасидаги Суғддан бўлиб, улар туркларнинг кийим ва одатларини қабул қилганлиги”* ҳақида ёзган³³. Қолаверса, Еттисувдаги туркий давлатларда туркча билан бирга суғдча тил ва ёзув маъмурий бошқарув ва ҳужжатчиликда қўлланилган. Жумладан, Фарбий Турк (603–745) ва Туркаш хоқонлари (699–766) суғдча тилдан ва ёзувдан фойдаланишдан ташқари, шу тилда тангаларга рисоалар зарб қилдиришган³⁴.

Савдо йўллари орқали мил. авв. III асрдан³⁵ суғдийлар Шарқий Туркистон воҳалари ва Хитойнинг ички ҳудудларигага кириб бориш-

²⁹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. 153-б.

³⁰ Буряков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). Ташкент, 2000. 161–162-бетлар.

³¹ Еттисув – Ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисми. Шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Жунғор Алатови, жанубда Тангритоғ (Тяньшан) тоғлари орасидаги тарихий маданий ҳудуд. Еттисув номи Балхаш кўлига қуядиган Или, Қоратол, Оксу, Биён, Лепса, Баскан ва Сарканд каби еттита дарё ва сойлар умумлашмасидан келиб чиққан жой номи саналади.

³² Кляшторный С.Г. Согдийцы в Центральной Азии (по руническим текстам) // Эпиграфика Востока. 1961. Вып. XIV. 29–31-бетлар.

³³ Махмуд Кошғарий. Девону луғатит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. 1-жилд. Тошкент: ЎзФАН, 1960. 65-б.; Махмуд Кошғарий. Девону луғати-Турк (Туркий сўзлар девони). Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2017. 187-б.

³⁴ Смирнова О.И. О классификации и легендах тюргешских монет // Ученые записки Института востоковедения Академии наук СССР. 1958. Выпуск XVI. 531-б.

³⁵ Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // Страны и народы Востока. Москва: Наука, 1971. Выпуск X. 147-б.

ган. II–IV асрларга оид “Кўхна хатлар”, яъни мухожир суғдийларнинг 313 (314) йилларда ёзилиб, Самарқандга етиб келмаган мактубларининг биринчиси Минайнинг онаси Чатисга номаси, иккинчиси Нанай Канакнинг Варзакка номаси, учинчиси Нанайдотга Шайон исмли кизнинг номаси ва бешинчиси савдогар Аспандотнинг Фрихватавга ёзган хати бўлган³⁶. 639 йилга оид яна бир мактубда Турфондаги Чинончанд бозорида самарқандлик савдогар Вахшубирт Тўдак ўғли хитойлик роҳиб Йон-Сийон Ута ўғлига Упачаҳ исмли чўрини сотгани ва Упачаҳнинг ватани – Туркистон эканлиги таъкидланган³⁷.

Тахминан 581–587 йилларда Биринчи Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан бири Махан тегин шарафига ўрнатилган эпиграфик манба – “Бугут ёдгорлиги” хоқонликдаги суғдийлар ўрнини, суғдий тил ва ёзувининг туркий давлатчиликдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Унда 30–32 қаторли ёзувдан ташқари, ҳукмдорлар мақбараларига хос лавҳа остида тошбақа ҳайкали ўрнатилган. Бу ёзув кейинги даврга хос туркий ва уйғур хоқонлари шарафига ўрнатилган қабртош ёзувлардан ҳам фарқланган³⁸.

Қолаверса, Ганьсу, Ордос³⁹ ва Хами вилоятларининг нозирлари суғдликлар бўлишган. Самарқандлик Кан Су-ми Ордоснинг Бэй-ан округи губернатори (духуфуси) бўлган. 630 йилда “улуғ сардор” номини олган бухоролик Ан Ту-хан 5 минг суғдликни шимолий Хитойга жойлаштириб, Вэйчжоу округига ҳоким бўлган⁴⁰. VII асрнинг 2-яр-

³⁶ Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // *Probegomena to the History of Preislamic Central Asia*. Budapest, 1972. Pp. 152–165; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы: Дайк-пресс, 2002. 158-б.; Vaissière de la É. Histoire des marchands sogdiens. Paris: Collège de France, 2004. Vol. XXXII. P. 43–67; Sims Williams N. The Sogdian Ancient Letters: 1, 2, 3 and 5. *Schol of Oriental and African Studies University of London*. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>.; Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. *Transition Periods in Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgau, Studia Iranica. Cahier – Leuven*, 1987. Vol. 5. P. 101–122.

³⁷ Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1993. 20 май. 1, 5-б.

³⁸ “Бугут ёдгорлиги” 1956 йилда мўғул археологи Ц. Доржсурэн томонидан топилган. Қаранг: Кляшторный С.Г. Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // *Страны и народы Востока Москва: Наука*, 1971. Вып. X. 121–146-бетлар; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. 29–35, 49-бетлар.

³⁹ Vaissière de la É. Histoire des marchands sogdiens. 112–125-бетлар.

⁴⁰ Камалов А. Китайские источники по истории кочевых уйгуров // *Исследования по уйгуроведению*. Алматы, 2002. 109–126-бетлар.

мида самарқандлик Кан Ян-тян гурухи Лоб Нор кўли атрофида учта қишлоқ бунёд этган⁴¹. Бунинг натижасида мазкур худудда суғдий тил ва ёзувнинг қўлланиш кўлами янада ортган. Шунингдек, Култегин битигининг 24 қаторидаги: *sekiz jegirmi jashima alti chub sogdaq... tara suladim* – “ўн саккизинчи йилда мен олти суғд ўлкасига юрдим”⁴², – деган сатрлар суғдликларга қарашли “олти вилоят” ҳақида маълумот беради.

Хитой тарихчилари (Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ): “Хитой ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда ... суғдийлар мил. авв. V асрдан то мил. X асргача, тахминан бир ярим минг йил давомида Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшганлар”⁴³, – деб эътироф этишган. Чунки илк ўрта асрдаги Хитой пойтахтларидан бири Чанъандаги бир миллион аҳолининг 50 мингтаси суғдийда сўзлашувчи “*чжаоу жю шин ху*” – “*тўққиз ўлка хулари*” бўлган⁴⁴. Суғдийлар Хэси худуди, Турфон ва Дунгуан – Друанда ҳам салмоқли ўрин тутган. Буни Дунгуандан топилган суғдий тилли ҳужжатлар тасдиқлайди⁴⁵. Уларда суғдийлар яшаган аҳоли манзиллари кўрсатиб ўтилган.

Буддавий матнларни, сутраларни⁴⁶ Таспар хоқон ва буддавий жамоа учун суғдийлар туркий тилга таржима қилишда уйғурлар билан бирга иштирок этишган. VIII–XI асрларда Шарқий Туркистоннинг суғдий манзилгоҳларда суғдий-буддавий фалсафий-ахлоқий асарлари таржимаси пайдо бўлган⁴⁷. Ҳатто суғдий “*Важрачхидика*” – “*Vajracchidika*” матнини Қутлуғ – Qutlug исми турк котиби кўчирган⁴⁸. Бунда жамиятдаги билингивизм – икки тиллилик анъаналари муҳим ўрин тутган.

⁴¹ Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // T'ong Pao. 1952. Vol. 41. 317–354-бетлар.

⁴² Древнетюркский словарь / Под ред. В.М. Наделяева, Д.М. Насилова, Э.Р. Тенишева, А.М. Щербака). Ленинград: Наука, 1969. 39-б.

⁴³ Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. 41–43-бетлар.

⁴⁴ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 216-б.

⁴⁵ Кызласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI–XIII вв. (язык, письменность, религия) // Этнографический обзор. Москва, 2004. № 6. 3–4-бетлар.

⁴⁶ Сутра (санскр.: sutra) – Будда сўзларининг узвийлик, фикрлар тизимидан иборат матни.

⁴⁷ Gabain A. von. Buddhistische Turkenmission // Asratia Festschrift F. Weller. Leipzig, 1954. S. 196; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. 354–358-бетлар.

⁴⁸ Müller F.W.K. Soghdische Texte I // Abhandlungen der Preussischen Akademie der Wissenschaften. Berlin. 1913. S. 32–106.

VII–VIII асрларда Шарқий Туркистон ҳамда Хитойдаги суғдий ва туркий христиан (настариан оқими) жамоаларининг диний адабиётлари сурёний ёзувида суғдча тилга кўчирилган. Хусусан, Турфон воҳаси ва Булойикдан топилган диний матн намуналари VI (576 йил) – X асрларга оид бўлиб, улар суғдликларнинг жонли мулоқот тилида ёзилган⁴⁹.

Илк ўрта асрлар минтақа маънавиятида ўз ўрнига эга Моний таълимотининг суғдий ва туркий қўлёзмалари катта ўрин тутган. VII асрда шарқий монийлик черковининг расмий тили суғдий тил бўлиб, барча каноник – қатъий тизимга солинган асарлар шу тилга таржима қилиниб, Моний яратган алифбода кўчирилган. Улар орасида 825–832 йилларга оид “Mahnamag” (“Қуёшнома”), “Nafname” (“Халкнома”) ва суғдий асосдаги уйғур ёзуви тавбаномаси – “Хуастуанифт” асарлари ўзига хос ёдгорликлар ҳисобланади⁵⁰.

Турк хоқонлигининг Византия билан муносабатида 568 йилда хоқон элчилиги “раҳбари” Маниахнинг катта ўрни бор. У “Кавказ ипак йўли” орқали Византия пойтахти Константинополга бориб, ябғу-хоқоннинг элчиси сифатида базилевс Юстиниан II (565–578) га Истами ябғу-хоқоннинг “скиф” хатидаги мактубини топширган. Л.Р. Кизласов фикрича, “скиф хати” илк ўрта асрлардан то XIII асргача минтақадаги туркий давлатларда қўлланилган суғдча тил ва ёзувдаги нома бўлган⁵¹. Бу фикр ҳам суғдий тил ва ёзув мақоми доирасини яна бир қарра исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё ва унга туташ мамлакатлар тарихида Суғд ва суғдликлар, уларнинг тили ҳамда ёзуви илк ўрта

⁴⁹ Пигулевская Н.В. Сирийские и сиро-тюркские фрагменты из Харо-Хото и Турфана // Советская Востоковедение. 1940. № 1. 213–234-бетлар; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика / Источниковедение Кыргызстана (с древности до XIX в.). Бишкек: Илим, 2004. 132-б.

⁵⁰ Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней согдийской письменности Бухары // Вестник древней истории. 1954. № 1. 154-б.; Дмитриева Л.В. Хуастуанифт. Введение, текст, перевод // Тюркологические исследования. М.–Л., 1963. 214–232-бетлар; Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан / Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент: Ёзувчи, 2000. 135–139-бетлар.

⁵¹ Пигулевская Н.В. Византия по пути в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV–VI вв. М.–Л.: 1951. 203–215-бетлар; Harmatta J. Byzantinoturcica // Magyar tudományok Akademia. Acta antiquae Academiae scientiarum Hungaricae. T. 10. Budapest, 1962. P. 131–150; Иерусалимская А.А. К вопросу о связях Согды с Византией и Египтом // Народы Азии и Африки. Москва: Наука, 1967. № 3. 118–126-бетлар. Кизласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI–XIII вв. 3–13-бетлар.

асрлар даври учун халқаро мақом даражасига кўтарилди. Бу тилда расмий ҳужжатлар юритилиб, тангаларга рисоалар битилди. Шунингдек, суғдликлар тили турли этносларнинг мулоқот тили сифатида ўз даврининг халқаро тилига айланди. Суғдча ёзув эса минтақадаги кўплаб халқларда ёзув маданиятининг шаклланишига замин яратди.

А. АТАХОДЖАЕВ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИДА СУҒДИЙ ТИЛ ВА ЁЗУВИНИНГ РОЛИ

Мазкур мақолада суғдликларнинг тили ва ёзуви антик ҳамда илк ўрта асрларда минтақа доирасидан чиқиб, халқаро мақом даражасига кўтарилгани қайд этилган. Бу тилда расмий ҳужжатлар юритилиб, мазмунан диний-ахлоқий ва бадиий қийматга эга асарлар яратилгани хусусида фикрлар билдирилган. Туркий давлатчилик рамзлари – тангалардаги рисоалар суғдий тил ва ёзувда битилгани, шунингдек, суғдча ёзув шакли минтақадаги кўплаб халқлар (кадимги турк-руний, уйғур, мўғул, манжур, бурят ва ҳатто корейслар)нинг ёзув маданияти шаклланишига замин яратгани таъкидланган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Суғд, суғдликлар, илк ўрта асрлар, ёзув маданияти, расмий ҳужжатлар, халқаро тил мақоми, диний, фалсафий-ахлоқий адабиётлар, туркий тангалардаги суғдий рисоалар.

А. АТАХОДЖАЕВ

РОЛЬ СОГДИЙСКОГО ЯЗЫКА И ПИСЬМЕННОСТИ В РАЗВИТИИ КУЛЬТУРЫ И ГОСУДАРСТВЕННОСТИ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

В данной статье изучены место и роль согдийского языка и согдийской письменности в античный период и раннем средневековье за пределами центральноазиатского региона, а также его распространение в качестве международного языка. На согдийском языке велись официальные документы, а также были созданы сочинения, имеющие религиозно-нравственный и художественный характер по содержанию.

В статье, исследованы легенды на монетах, которые являются образцом письменности тюркской государственности и написанные на согдийском языке и согдийской письменности, что доказывает согдийская форма письменности стала основой для развития письменной культуры многих народов (турко-рунического, уйгурского, монгольского, маньчжурского, бурятского и даже корейского письма) региона.

Ключевые слова: Центральная Азия, Согд, согдийцы, раннее средневековье, письменная культура, официальные документы, статус международного языка, религиозная и философско-этическая литература, согдийские легенды на тюркских монетах.

A. ATAKHODJAYEV

THE ROLE OF THE SOGDIAN LANGUAGE AND SOGDIAN SCRIPT IN THE DEVELOPMENT OF THE CULTURE AND STATEHOOD OF CENTRAL ASIAN PEOPLES

The article explores place and role of the Sogdian language and Sogdian script in Ancient period and Early Middle Ages outside the Central Asian region, as well as its distribution as an international language. Official documents were composed in Sogdian, and were created works in religious, moral and artistic content. In particular, it explores the legends on coins, which are an example of Turkic statehood in Sogdian language and script, which proves that the Sogdian form of writing became a basis for the development of the written culture of many peoples (Turkish-Runic, Uyghur, Mongolian, Manchu, Buryat and even Korean letters) of the region.

Keywords: Central Asia, Sogd, Sogdians, early Middle Ages, written culture, official documents, lingua franca, religious and philosophical-ethical literature, Sogdian legends on Turkic coins.

Ф. ДЖУМАНИЯЗОВА

ИДЕНТИЧНОСТЬ ЭЛТЕГИН / YE-LI T'E-LE / VE-LI-TE-LE
В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ В БУХАРЕ, КАШМИРЕ
И ГАНДХАРЕ: НОВЫЕ ПОДХОДЫ

Илк ўрта асрларда Тохаристон Ябғулиги тарихига оид мунозарали мавзулардан бири бу Илтегин / Элтегин (хитой манбаларида Йели-тегин, бошқа манбаларда Пармуда, Нилихон?) масаласи бўлиб, у бугунгача очик қолмоқда. Маълумки, араб муаллифлари ат-Табарий ва Диноварий асарларида келтирилган “Элтегин” ёки “Эртегин” сифатида VI асрда сосонийларга қарши курашган ушбу шахс хитой манбаларида “Турк хоқонининг ўғли Йе-ли тегин” билан идентификация қилинади¹. Йил-такин (يل تكين) ёки Эл-тегин (ایل تكين) хитой манбаларида Нили, форсий тилдаги манбаларда эса Пармуда ёки Нармуд деб эслатилган². Элтегиннинг форсча иккинчи исми “Пармуда” буддавий унвон *pratikha*дан келиб чикқани айрим тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган³.

Манбалардаги маълумотларга қараганда, Ғарбий Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорларидан бири Эл Арслон⁴дан кейин (Шери Кишвар, Сава-шоҳ) Бухорода унинг ўғли Ил-такин (Илтегин / Элтегин

¹ Esin E. Butan-I Halaç (M. VIII. – X. yüzyillarda Halaç kültürünün sanat eserlerinde akisleri) // *Türkiyat Mecmuası*. Cild XVII. İstanbul: Edebiyat fakültesi basımevi, 1972. S. 45; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri / Çevri M. Koç. İstanbul: Selenge, 2007. S. 257.

² Камалиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана в IX–X вв. – Saarbrücken, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2012. 12-б. Бухорода буддавийликнинг тарқалиши ва Кашмирда будда ибодатхонасининг тарқалиши ҳам шу шахс (Элтегин – Ф. Дж.) номи билан боғлиқлиги тахмин қилинган.

³ Камалиддин Ш.С. Происхождение Саманидов. Ташкент: Рабочие документы ИФЕАК. 31-й выпуск, август 2008. 36-б.; Harmatta J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // *History of Civilizations of Central Asia*. Vol. 3. Paris 1996. P. 371.

⁴ Ушбу ҳукмдор Абу Бакр Муҳаммад ибн Жа‘фар ан-Наршахийнинг “Та’рих-и Бухоро” (“Бухоро тарихи”) асарида келтирилган “улуғлиги сабаб Биёғу (Ябғу – Ф. Дж.) лакаби берилган Қарожурин (Қорачўрин) туркнинг ўғли Шери кишвар” билан идентификация қилинади.

/ Йелтегин)⁵ Буйурук хукмронлик қилган. Тадқиқотчи Ш.С. Камолиддинов фикрича, унинг хукмронлиги тахминан 587 йилдан 603 йилгача давом этган⁶. Элтегинни Л.Н. Гумилев ўзининг “Қадимги турклар” асарида хитой манбаларидаги Янг Соух-Тегин билан тенглаштирган⁷. Тадқиқотчи Ш. Адиллов эса Янг Соух-Тегинни Шери Кишвар билан айнанлаштирган⁸. Турколог Л.Н. Гумилевда эса бу фикрнинг аксинчасини кўриш мумкин⁹. Тадқиқотчи Пармуда исми туркийчадаги “буйурук” буюрувчи сўзининг форсча таржимасидир, дея фикр билдирган¹⁰, бироқ бунда етарли далил бўлмагани учун бошқа тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланмаган. Элтегиннинг Нилихон билан айнанлаштирилиши эса асоссиз кўринади.

Элтегин хусусида мусулмон муаллифларидан ат-Табарий ва Диноварийнинг асарларида жуда кам бўлса-да маълумотлар учрайди. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жа‘фар ан-Наршахийнинг “Та’рих-и Бухоро” (“Бухоро тарихи”) асарида унинг исми аниқ келтирилмаган, бироқ Абрўй қўзғолони билан боғлиқ маълумотлар орасида Эл Арслон (Шери Кишвар)нинг Элтегин деб тахмин қилинган ўғли хусусида куйидаги маълумотлар мавжуд: “Ундан (Эл Арслон / Шери Кишвар – Ф. Дж.) кейин бўлган бошқа подшоҳ Искажкат, Шарф ва Ромтин кишлокларини бино қилди, сўнгра Фарахший кишлоғига асос солди. Хитой подшоҳининг қизини келин қилиб Бухорога олиб келганларида унинг жиҳозлари орасида Хитойдан бир бутхона олиб келдилар ва уни Ромтинга ўрнатдилар”¹¹. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айрим тадқиқотчилар Бухоро воҳасида, хусусан Ромитанда буддавийлик

⁵ Nöldeke Th. Geschichte der perser und araber zur zeit der sasaniden. Aus der arabischen chronik des Tabari. Leyden: Brill, 1879. S. 272. Шу ўринда XIX асрнинг охирига мансуб тадқиқотларда Элтегиннинг Шаванинг ўғли Пармуда билан идентификация қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

⁶ Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа‘фар ан-Наршахи. Та’рих-и Бухара. История Бухары. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археолого-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. Ташкент: SMIA-SIA, 2011. 144-б.

⁷ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва: Наука, 1967. 130-б.

⁸ Адиллов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда (в свете проблемы «тирании Абрью» и тюрко-сасанидского конфликта) // Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихи. Самарқанд: 2012. № 34. 106-б.

⁹ Гумилев Л.Н. Древние тюрки... . 131-б.

¹⁰ Гумилев Л.Н. Древние тюрки... . 148-б.

¹¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жа‘фар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. Форс-тожик тилидан тарж. А. Расуловники. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. 17-б.

динининг ёйилишини шу шахс билан боғлашади¹². Нишопурий ва Абу Бакр Мухаммад ибн Жа'фар ан-Наршахийнинг асарларида келтирилган Абрўй кўзғолони тарихшуносликда гарчи ярим афсонавий баҳоланса-да, ўтган асрнинг бошларида эроншунос олим Я. Маркварт ушбу маълумотлар ортида аниқ тарихий шахслар тарихи яширинганини ёзган¹³. Шери Кишварни Эл Арслон билан айнанлаштириш эса Э. Шефер ва С.П. Толстов томонидан илгари сурилган¹⁴.

Француз хитойшуноси Э. Шаванн ҳам ўзининг “Хитой манбаларига кўра Фарбий турклар” деб номланган йирик тадқиқотининг Кашмирга ажратилган қисмида 759–762 йилларда буддавий сайёҳи У-Куннинг Турк хоконининг ўғли Ye-li t'e-le (Yel-tegin) томонидан қурилган будда ибодатхонасини кўрганини келтириб ўтади¹⁵. Кейинчалик ушбу ҳолат Бухородаги Элтегин билан Кашмирдаги Ye-li t'e-le (Yel-tegin) ни айнанлаштиришга сабаб бўлди. Бу фикрлар туркиялик тадқиқотчи Э. Эсиннинг мақолаларида янада кучайтирилган¹⁶. Унинг фикрича, Гандхара ва Каписада эфталий тегинларининг ҳукмронлиги тугагач, ҳокимият бошқаруви Yeli-teginга ўтган. Шунингдек, нумизмат Р. Гёбл томонидан аниқланган VI асрда Балхда зарб қилинган бир гуруҳ тангалардаги (Em. 287) “Yelme Kagan” (KM 97) калимасини ҳам Элтегин билан боғлаш ҳолатларига ҳам дуч келиш мумкин. Натижада тарихшуносликда *Элтегин / Ye-li t'e-le / Ye-li-te-le* идентиклиги вужудга келди ва “қатъий” ўрнашиб қолди.

Элтегин / Йелтегин ҳақида Э. Шаваннинг тадқиқотлари диққатга сазовордир: “Сосонийлар саркардаси Баҳром Чубин Шаба (Сава-шоҳ) ни бир ўқ билан ўлдирганидан сўнг Пойкандда Шабанинг ўғли Пармудага қарши ҳужум бошлади¹⁷ ва уни асир олиб бошқа асирлар

¹² Esin E. *Butan-i Halaç*... S. 45; Абу Бакр Мухаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. История Бухара... 144-б.

¹³ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. Москва: Издания МГУ, 1948. 250-б.

¹⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм... 252-б.

¹⁵ Chavannes E. *Çin yıllıklarına göre*... S. 222. Я. Маркварт ҳам бу масалага эътибор қаратган. Marquart J. *Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci*. Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901. S. 291.

¹⁶ Esin E. “Butān-i Halaç” ... S. 45; Ўша муаллиф. Tös and Moncuk. Notes on Turkish flag-pole finials // *Central Asiatic Journal*. Vol. XI. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1972. S. 21.

¹⁷ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. 2-е изд. Душанбе: Ирфон, 1989. 278-б.; История Узбекской ССР. Том I. Книга первая. Ташкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1955. 121-б.

билан Хурмаздга жўнатди¹⁸. Фирдавсий Пармуда яширинган ва турк хукмдорларининг хазиначиси сақланган қалъани Аваза (Awaza) деб атаган эди¹⁹. Ас-Саолибийнинг ёзишича: “Баҳром Чубин қалъага кириб, хазиначиси очтирганда сонсиз миқдорда кумуш, қийматли ашё, мухташам қуроллар ва анжомлар бор эди. Буларнинг орасида Афросиёб ва Аржасбнинг хазиначиси, Сиёвушнинг тожи, камари ва сирғалари бор эди”. Бу маълумотлар Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам келтирилган²⁰. “Баҳром Чубин ушбу бойликларни рўйхат қилгандан кейин мингларча туяларга юклатиб, ишончли муҳофизлар гуруҳини унга бириктириб, Хурмазднинг саройига жўнатади”. Ушбу маълумотлар бироз муболағали бўлса-да муҳим ҳисобланиб, Бухоро яқинидаги Пойканд Шабанинг энг қийматли бойликлари сақланган сарой бўлганидан дарак беради. Ромитан шаҳри айнан Элтегин даврида Бухородаги туркий ноибларнинг қароргоҳи сифатида танланган²¹. Сосонийлар хукмдори Хурмазд ҳузурига жўнатилган Пармуданинг тақдири нима билан тугани ҳам қизиқ. Л.Н. Гумилевнинг таъкидлашича, онаси туркийлардан бўлгани учун “Туркзода”²² лақабли сосонийлар шаҳаншоҳи Хурмазд Пармудани она томондан қариндоши бўлгани учун илиқ кутиб олган. Элтегин эса Хурмазднинг ҳузуридан қайтиб келиб, то умрининг охиригача 603 йилгача ўзига тегишли ҳудудда хукмронлик қилган²³. Шаҳаншоҳ уни “Шоҳнома”даги Чин юрти – турклар мамлакатига қайтишига изн берган²⁴. Шундан бўлса керак, араб манбаларида Элтегин “Йал тегин” озод қилинган шаҳзода деб беҳудага номланмаган²⁵. Элтегиннинг хукмронлиги Бухорода 15–16 йил давом этган бўлса керак. Чунки хитой манбаларига кўра у тахминан 603 / 604 йилларда рўй берган ўзаро урушларда ҳалок бўлган²⁶.

¹⁸ Nöldeke Th. Geschichte der perser... S. 273.

¹⁹ Marquart J. Eranshahr nach der... S. 82–83; Гумилев Л.Н. Древние тюрки... 147–148-бетлар; Адылов Ш.Т. Из политической истории... 107-б.

²⁰ Фирдоуси. Шахнаме. Т. 6. От начала царствования Йездгерда, сына Бахрама Гура, до конца книги. Том VI. Перевод Ц.Б. Бану-Лахути и В.Г. Берзнева. Москва: Наука, 1989. 293-б.

²¹ Адылов Ш.Т. Из политической истории... 107-б.

²² Отаси Хусрав I Анушервон Истемининг кизи Асна (Ашина ёки арман манбаларидаги Кайэн)га уйланган. Ушбу никоҳдан Хурмазд туғилган эди.

²³ Гумилев Л.Н. Древние тюрки... . 147-б.

²⁴ Фирдоуси. Шахнаме. Т. 6. От начала царствования Йездгерда... 289-б.

²⁵ Адылов Ш.Т. Из политической истории... 107-б.; Гумилев Л. Н. Древние тюрки... . 147-б.

²⁶ Адылов Ш.Т. Из политической истории... 107-б.

Диноварийнинг ёзишича, кейинчалик сосонийларга қарши кўзғолон кўтарган Баҳром Чубин Ўрта Осиёдаги турклар томон чекинади. У Туркистонда Элтегиннинг дўсти ва маслакдошига айланиб, Элтегин Баҳром Чубин ва унинг одамларига сарой куриб беради. Элтегиннинг акаси Баҳром Чубинга хайрихоҳ эмасди, кейинчалик у Баҳром Чубин томонидан ўлдирилади. Элтегин унинг мартабасини янада кўтариб, ўзининг кизини унга хотинликка беради²⁷. Фирдавсийнинг маълумот беришича, Баҳром Каппий шери (афсонавий ёввойи махлук)ни ўлдириб, Пармуданинг кизини кутқаргач, эвазига ҳокон уни ўзига куёв қилиб олган²⁸. Пармуданинг манбалардаги Нилихон билан бир шахс деб Л.Н. Гумилев томонидан таърифланиши ҳам бироз шубҳалироқ. Ас-Саолибий Нилихонни Пармуданинг ўғли Сава-шоҳнинг невараси эканини ёзган.

Умуман олганда, Ш.С. Камалиддинов таъкидлаганидек, Бухоро воҳаси бир муддат туркийларнинг Етгисувдан кейинги маъмурий маркази бўлган. Жумладан, *rwu'r uwβ k'v'* – “Бухоро хукмдори подшо” жумлалари акс этган Бухорхудотлар сулоласига тегишли кумуш тангалардан ташқари воҳада яна бир неча турдаги мис тангалар зарб этилгани бундан дарак беради. Улар орасида \mathfrak{K} (вариант. \mathfrak{X} , \mathfrak{Z}) шаклли тамғали тангада, қисик кўзли, кенг юмалоқ юзли туркий қиёфадаги хукмдор тасвири учрайди. Бу эса ўша даврда воҳа бошқарувида ҳоконлик билан алоқадор вакиллар турганлиги билан боғлиқ бўлса керак, деган тахминга имкон яратади. Бироқ бу узун сўрмаган. Бу даврда воҳадаги бошқарувда суғдий-туркий аъёнларнинг ўзаро омихталашганини кўриш мумкин. Хотун, Туғшода, Арслон каби туркий исм ва унвонларга дуч келиш мумкинки, бу эса юқорида айтиб ўтилганидек, Бухородаги туркий-суғдий бошқарув аъёнлари синтездан дарак беради.

VI асрнинг охирида Элтегиннинг отаси Қорачурин Турк Ўрта Осиёда мустахкам ҳокимиятга эга бўлган, Бухоро воҳасида эса унинг ўғиллари ва невараси олий хукмдорлар бўлган. Яна бир мунозарали фикр мавжуд бўлиб, Э. Шаванн “ат-Табарий ва Диноварий Шаба ҳамда Элтегин исмли Пармуда ҳақда нима деса десин, у туркларнинг улуғ хокони эмасди, улар туркларнинг вассали бўлган суғдий хонадонлардан бирининг хукмдорлари эдилар”²⁹ дея таъкидлайди. Унинг бундай

²⁷ Камалиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана в IX–X вв. – Saarbrücken, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2012. 24–6.

²⁸ Фирдоуси. Шахнаме. Т. 6. От начала царствования Йездгерда... 426–427-бетлар.

²⁹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 306–307.

фикрга келишига Шава / Шаба номининг одатда суғдийлар деб тахмин қилинадиган хитой манбаларидаги “чжао-ву” этнонимига ўхшашлиги сабаб бўлган³⁰. С.П. Толстов фикрича, 590–600 йилларда Ғарбий Турк хоқонлиги сулоласи Қорачўрин (Чуло билан айнан)дан бошланган бўлиб, унинг ўғли Пойканднинг ҳукмдори Эл Арслон Тегиннинг ўғли Нили бу линиядан бўлган биринчи ғарбий хоқон эди³¹.

Шунингдек, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам Савашох ҳамда Пармуда исмли ҳукмдорлар ҳам туркий хоқонлар бўлмасдан Балхнинг эфталий ҳукмдорлари бўлган деган фикрлар ҳам бор. Чунки уларни эфталийларга мансуб “ҳукмдор” маъносини берувчи *šawa* ҳамда бармоқийларнинг Навбахор ибодатхонаси вакилларига бериладиган буддавий унвони *pariowk* билан уларни боғлашади³². Бироқ араб-форс муаллифлари (хусусан Фирдавсий) асарларида келтирилган Сава-шоҳ билан унинг ўғли Пармуда Эл Арслон ва Элтегин билан айнанлаштириш тўғрироқ бўлади. Чунки Пармуданинг отаси Сава-шоҳнинг турклар ҳукмдори бўлгани “Шоҳнома” матнида сезилиб туради. Шунингдек, Пармуда ва Сава-шоҳнинг она томондан “Туркзода” Хурмазд IV нинг (у Хусрав I Анушервон ва хоқон Истемининг қизи Аснадан туғилган) қариндошлиги учун ҳам Элтегинни озод қилгани маълум.

Шу билан бирга Элтегиннинг бунёдкорлик ишлари хусусида ҳам фикрлар мавжуд бўлиб, Форобрдан жануби-шарқда Қизқир тепалигида қоровулхона минораси сақланган бўлиб, халқ орасида Арслонхон Динги номи билан машхур, у VI асрнинг охири – VII асрнинг биринчи ярмида Элтегин томонидан қурилган деб тахмин қилинади³³. Шунингдек, у Искижкот, Шарғ, Фарахша ва Ромтин (Ромитан) шаҳарларига ҳам асос солган. Ромитанда унинг ёзги қароргоҳи жойлашган. Хитойшунос Н.Я. Бичурин (Иакинф) 588 йилда олдин Цян-гин, кейинчалик Да-и исми билан танилган бир маликанинг Ғарбий турк хоқони Нилихон билан алоқа ўрнатгани ҳамда Хитойга қарши ҳаракатни биргаликда мустаҳкамламочки бўлгани ҳақида маълумотни келтиради³⁴. Бироқ

³⁰ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 307.

³¹ Толстов С.П. Древний Хорезм... 279-б.

³² Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris 1996. P. 371.

³³ Камолитдин Ш.С. К вопросу о происхождении... P. 42.

³⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва–Ленинград: Изд. АН СССР. Том I. 1950. 240-б.; Гумилев Л.Н. Древние тюрки... 152-б.

ушбу маликанинг Нилхонга, яъни тахмин қилинаётган Элтегинга турмушга чиққани ҳақда маълумот учрамайди. Хитой маликасининг Бухорога келгани хусусида ҳам хитой манбаларида эслатилмаган.

Шунингдек, Ш.С. Камолиддинов хитой манбаси маълумотиغا асосланиб, Элтегиннинг 588 йилда Тохаристон ва Гандхарага ноиб қилиб тайинланганини таъкидлайди, бироқ тадқиқотчи таянган Э. Шаваннинг “Хитой манбаларига кўра Ғарбий турклар” асарида бу маълумот учрамайди. Шунингдек, Тохаристон Ябғулигининг илк туркий хукмдорлари шажараси мана шу шахсдан бошланади, деган фикр ҳам бор³⁵. 580-йиллардан кейин Тохаристонни бошқариш учун Истемининг ўғли Тарду хоқоннинг (576–603 й.) *тегин* унвонли ўғли юборилган, бироқ бу маълумот жуда аниқ бўлмагани учун уни илк Тохаристон Ябғуси сифатида баҳолаш қийин. Чунки 620–630 йилларда Тун ябғу-хоқоннинг ўғли Тарду шад (Да-ту-ше *Тарду шад* (Ta-t'ou-che, Тун ябғунинг ўғли, 620?–630 й³⁶.) исми биринчи Тохар Ябғуси хитой манбаларида намоён бўлади. Бироқ, ушбу *Тегин* (T'ele; VI асрнинг охиригача) у илк Тохар Ябғуси бўлмасдан, ноиб сифатида фаолият олиб борган бўлиши мумкин. Бу шахс номи тангаларда ҳам учрайди. Хусусан, нумизматлар VI асрга тегишли бўлган Балхда зарб этирилган (Эм. 287) бир гуруҳ тангаларда бу хукмдор исмини ўқишган³⁷. Элтегин шахси билан мунозарали масала борки, у ҳам бўлса, 759–764 йилларда хитойлик роҳиб У-кун хабар берган Кашмир ва Гандхарадаги будда ибодатхонаси барпо этилишининг бу шахсга нисбат берилишидир³⁸. Яъни У-кун Кашмирда туркий сулола вакиллари томонидан қурилган “Хотун ибодатхонаси” билан биргаликда Турк хукмдорининг ўғли Элтегин (Ve-li-te-gin / Ve-li-te-le) ибодатхонасини кўрганлигини айтди³⁹. Аммо мазкур Элтегин (Ve-li-te-le) исми хукмдорнинг 588 йилда Тохаристон ноиб бўлган Элтегин билан айнанлаштирилиши шубҳа уйғотади. Наҳотки, бу шахс VI аср охириларида нафақат Тохаристон, балки Кашмир ва Гандхарага қадар бўлган ҳудудда ноиблик қилган

³⁵ Бобоёров Ф. Тохаристон ябгулари тарихига... 6-б.; Камолиддин Ш.С. К вопросу о происхождении... Р. 55.

³⁶ Бу шахснинг хукмронлик санасини 618–630 йиллар билан ҳам белгиланади. Камолиддин Ш.С. К вопросу о происхождении... 55-б.

³⁷ Esin E. “Butān-i Halaç”... S. 45.

³⁸ Камалиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Тошкент: Шарк, 2006. 98-б.; Камолиддин Ш.С. К вопросу о происхождении... 48-б.

³⁹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 257; Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И. Аджи-на-тепа. Архитектура. Живопись. Скульптура. Москва: Искусство, 1971. 48-б.

бўлса? Ахир турклар бошқаруви мазкур даврда Тохаристон худудидагина мавжудлиги манбаларда маълум бўлса-да, Кашмир ва Гандхарага қадар уларнинг ҳокимияти чўзилиши Тун ябғу-хоқон даври ва ундан кейинги замонларга, яъни VII асрнинг биринчи чорагидан кейинги даврга тўғри келади ва бу Кобул Тегиншоҳларининг сиёсий фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис, маълумот етарли эмаслигидан келиб чиқиб, юқоридаги идентификацияни тўғри деб бўлмайди. Фикримизча, дастлабки Тохаристон ноиби Илтегин билан Кашмирдаги Элтегин (Ve-li-te-le) ибодатхона қурдирган шахс алоҳида иккита туркий хукмдор бўлса керак. Маълумки, Турк хоқонлиги томонидан бошқаруви остидаги ўлкаларга *эл/ил* эпитетли ёки *элтегин* (“ўз элига эга” маъносида) унвонли шахзодалар юборилган. Улар хитой йилномаларига кўра, Кашмирда *йе-ли дэ-лэ*, араб манбаларига кўра Бухорода *يل نكين / يرتكين йел-тегин*⁴⁰, суғдий тилда танга ёзувида *'ur thyn* (Чочда) шаклида келтирилган бўлиб, бу ҳолат тадқиқотчилар орасида турли ҳудудларда хукмдорлик қилган битта шахс бўлса керак, деб тушунилишига олиб келган⁴¹. Масалан, Ш.С. Камолиддиновнинг ёзишича, “турк хоқони Элтегин (Пармуда⁴²) Баҳром Чубиннинг қайнотаси бўлиб, буддавийлик динига ихлоси баланд бўлган. 588 йилда у Турк хоқонлиги таркибига кирган Тохаристон ва Гандхаранинг ноиби эди⁴³. Кашмирда барпо этилган будда ибодатхонаси ва Бухорода буддавийликнинг ёйилиши шу шахс билан боғлиқ”⁴⁴. Аммо мазкур фикр шу даврда юз берган тарихий воқелик билан мос келмайди. Биринчидан, Турк хоқонлиги давлатчилик анъанасига кўра, шахзода хоқонлик тахтига ўтиргач, у

⁴⁰ Nöldeke Th. Geschichte der perser und araber... P. 503.

⁴¹ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... S. 257; Marquart J. Eranshahr nach der... P. 257.

⁴² Шава исми (ёки Савэ) ва унинг ўғли Пармуда сосонийларга қарши курашган турклар муносабати билан эслатиб ўтилган. Бу исмлар Шаук ва Париовк шаклида VII асрга тегишли арман манбаларида учраб, 590-йилларда кушонларга оид исмни ташиган туркий хукмдорлар сифатида келтирилади. Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara ... P. 369. Шуни таъкидлаш керакки, арман манбаларида турклар баъзан эфталийлар билан чалкаштириб юборилган. Я. Харматта фикрича, Балхнинг эфталий хукмдори бактрийча *šāva* “хукмдор” унвонига эга бўлган. Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara ... P. 369, 371. Шу ўринда Пармуданинг Элтегин билан айнанлаштирилиши ҳам қай даражада ўринли эканлиги ҳақида савол келиб чиқади. Ҳарҳолда бу ҳолат араб-форс манбаларидаги анахронизм натижаси бўлса керак.

⁴³ Бироқ бу ҳақда аниқ маълумот хитой манбасида учрамайди. Гандхарада 588 йилда туркларнинг бошқаруви ўрнатилганлиги бизнингча ҳақиқатдан анча йироқ. Чунки ушбу фикрни тасдиқлайдиган аниқ бир аргумент йўқ.

⁴⁴ Камолиддин Ш.С. К вопросу о происхождении Саманидов... 48-б.

хукмдор исми ва ҳокон ёки *ябгу*-ҳокон унвонини олган ва эски унвони билан эслатилмаган. *Элтегин* масаласига келсак, у қадимги туркий унвонлар поғонавий кетма-кетлиги – иерархиясига тўғри келмайди. Иккинчидан, тарихшуносликда Элтегин / Пармуданинг гарчи шубҳали бўлса-да, Бухорога жўнатилган шахзода экани ҳақидаги фикр устувордир. У бир вақтнинг ўзида ҳам Бухоро ва Тохаристонни ҳамда Кашмир ва Гандхарани биргаликда қўшиб бошқарган бўлиши эҳтимолдан анча йироқ. Кашмир ва Гандхара худуди эса бу шахс фаолиятидан анча кейин Фарбий Турк ҳоконлигига қўшиб олинган. Шундай қилиб, Элтегин унвонли / исмли бу шахс ёки Шимолий Ҳиндистондаги эфталий шахзодаларидан бири ёки бир унвоннинг турли худудларда ишлатилаётган шакли бўлса керак.

Шунингдек, Фарбий турк ҳоконлигининг давлат тузумини тадқиқ қилган олим Ф.Б. Бобоёров ҳам Тохаристон, Кобул ва Гандхарадаги туркий хукмдорлар билан боғлиқ воқеликлар чалкаштириб юборилгани, яъни аслида ҳоконликда бир неча шахзодалар эга бўлган элтегин унвонини ягона шахс билан боғлаш каби янглиш фикрлар учрашини таъкидлаган⁴⁵. Турк ҳоконлигининг унвонлар тизими ҳамда унинг генезисини чуқур таҳлил қилиб шундай фикр юритиш мумкинки, Ашина хонадонидан бўлган шахзодаларнинг *kül-tegin*, **inäl-tegin*, *toŋa-tegin*, *el-tegin*, **čabiš-tegin* каби қўшалок унвонлар билан унвонлантирилган ҳамда барча шахзодалар умумий *tegin* унвони билан номланган, бироқ уларнинг бошқарувдаги даражаси ва мартабасидаги фарқларини кўрсатиш учун махсус унвонлари ҳам бўлган, яъни *tegin* унвонидан олдинги қисм шундай вазифани бажарган. Шулар орасида *kül-tegin* ва **inäl-tegin* бўлажак тахт ворисига бериладиган унвон бўлган.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, Бухородаги Элтегиннинг Кашмир ва Гандхарадаги *Ve-le-te-le* билан айнанлаштирилиши ва *Элтегин* / *Ye-li t'e-le* / *Ve-li-te-le* идентиклиги мувофиқ эмас, комплекс тадқиқотни талаб қилади. Чунки, ўрганилаётган даврда Бухоро ва Гандхара ҳамда Кашмир худуди айна пайтда бир хукмдорга бўйсунгани ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Шу ўринда Элтегинни шахс номи эмас, балки унвон деб тушуниш тўғрироқ бўлади. Ҳоконликдаги бир неча шахзодалар эга бўлган *el-tegin* унвонини ягона шахс билан боғлаш эса янглиш бўлиши мумкин.

⁴⁵ Бобоёров Ф. Фарбий Турк ҳоконлигининг давлат тизими. Тарих фанлари доктори. ... дис. Тошкент, 2012. 47-б.

Ф. ДЖУМАНИЯЗОВА

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРО, КАШМИР ВА ГАНДХАРАДАГИ
ЭЛТЕГИН / YE-LI T'E-LE / VE-LI-TE-LE ИДЕНТИКЛИГИ:
ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ушбу мақолада Бухородаги Элтегиннинг Кашмир ва Гандхарадаги *Ve-le-te-le* билан айнанлаштирилиши ва *Элтегин / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le* идентиклиги хусусидаги янгича ёндашувлар илгари сурилади. Бухородаги Элтегиннинг Кашмир ва Гандхарадаги *Ve-le-te-le* билан айнанлаштирилиши ва *Элтегин / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le* идентиклиги комплекс тадқиқотни талаб қилади. Чунки ўрганилаётган даврда Бухоро ва Гандхара ҳамда Кашмир худуди бир хукмдорга биргаликда бўйсунгани ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Шу ўринда Элтегинни шахс номи эмас, балки унвон деб тушуниш тўғрироқ бўлади. Хоқонликдаги бир неча шахзодалар эга бўлган *el-tegin* унвонини ягона шахс билан боғлаш эса янглиш бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: *el-tegin*, Пармуда, *pramukha*, Бухоро, Кашмир ва Гандхара, Сава-шоҳ.

Ф. ДЖУМАНИЯЗОВА

ИДЕНТИЧНОСТЬ ЭЛТЕГИН / YE-LI T'E-LE / VE-LI-TE-LE
В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ В БУХАРЕ, КАШМИРЕ
И ГАНДХАРЕ: НОВЫЕ ПОДХОДЫ

В данной статье выдвинуты новые подходы относительно отождествления Эльтегина Бухары с *Ve-le-te-le* Кашмира и Гандхара и идентичности *Элтегин / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le*. Отождествление Эльтегина Бухары с *Ve-le-te-le* Кашмира и Гандхара и идентичность *Элтегин / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le* требует комплексного исследования. В источниках нет точных сведений о том, что в изучаемый период территории Бухары, Гандхара и Кашмира подчинялись одному правителю. Под термином Эльтегин более верно подразумевать не личное имя, а титул. Считать несколько царевичей каганата, имевших титул *el-tegin*, одной и той же личностью, может быть неверным.

Ключевые слова: *el-tegin*, Пармуда, *pramukha*, Бухара, Кашмир и Гандхар, Сава-шах.

F. DJUMANIYAZOVA

**IDENTITY ELTEGIN / YE-LI T'E-LE / VE-LI-TE-LE IN BUKHARA
KASHMIR AND GANDHAR IN THE EARLY MIDDLE AGES:
NEW APPROACHES**

This article has put forward new approaches regarding the identification of Eltegin Bukhara with Ve-le-te-le Kashmir and Gandhara and the identity of *Eltegin / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le*. The identification of Eltegin Bukhara with Ve-le-te-le Kashmir and Gandhara and the identity of *Eltegin / Ye-li t'e-le / Ve-li-te-le* requires a comprehensive study. Since, in the sources there is no exact information that in the observed period the territory of Bukhara, Gandhara and Kashmir subordinated to one ruler. The term Eltegin is more correct considering not as a personal name, but the title. To consider several princes of the Kaganate, who had the title of *el-tegin*, as the same person, might be wrong.

Key words: *el-tegin*, Parmuda, *pramukha*, Bukhara, Kashmir and Gandhara, Sava-shah.

Г. БОГОМОЛОВ

БЕНАКЕТ-ШАХРУХИЯ-ШАРКИЯ

Бенакет-Шахрухия-Шаркия – все это названия одного и того же городища, крупного археологического памятника Ташкентского оазиса, тесно связанного с историей края и многими историческими деятелями (Амиром Темуром, Халилом Султаном, Улугбеком, Ходжа Ахраром, Мухаммадам Шейбаниханом, Кельды Мухаммадом, Зайнидином Васифи и др.), которые не только посещали, но даже некоторое время жили здесь. Городище Шахрухия и археологические работы по его изучению широко известны мировой научной общественности.

Это уникальное городище расположено в 80 км к юго-западу от Ташкента, на правом возвышенном берегу реки Сырдарьи у впадения в нее Карасу (одного из древних русел р. Ахангаран)¹. На протяжении нескольких веков город был военным и торгово-экономическим центром, тесно связанным с караванной торговлей. Город существовал до начала XVIII века, отождествляется с Бенакетом-Шахрухией² и под этими названиями неоднократно упоминается в дорожниках, географических сочинениях и исторических хрониках.

Город с поступления первых сведений о нем был окружен легендами и невероятными слухами. Одна из них рассказывает о том, что здесь был большой город, где дома стояли так плотно, что козел, запрыгнув на крышу одного дома, добежал до Тойтепа (по другой версии до Аблыка). Причем на месте дома, на крышу которого запрыгнул козел, позже возникли святое место и роща Шаморкари-авлия. Другая легенда повествует о долгой осаде города от бесчисленных отрядов завоевателей. Когда же они, наконец, врываются в город, то видят, как последние защитники скрываются в подземельях под берегом Сырдарьи. В легендах эти подземелья тянутся на большие расстояния, проходят под Сырдарьей на другой берег. Лабиринты подземелий действительно существуют, и они причудливо сплетаются с городскими коммуникациями. Первые исследователи даже пытались проследить их направление.

¹ Географические координаты 40°43'03.10" с.ш. и 68°56'50.55" в.д..

² Буряков Ю.Ф., Богомолов Г.И. Городище Шаркия // Археология Ташкентского оазиса. Ташкент, 2009. С. 82–84.

В других легендах рассказывается о том, что подземные ходы и пещеры вырыли тигры, либо говорится о громадных сокровищах, которые собрали горожане, но утопили их в реке во время опасности. Еще цикл легенд связан со святым местом и рощей карагачей на северной окраине городища³.

Происхождение названия. Название раннего города не известно, но в тюркских источниках времен каганата упоминается местность Кангу Тарбан, которая отмечается как граница каганата⁴. Не исключено, что речь идет именно об этом городище. Так как Сырдарья в это время была известна еще под названием река Канг (т.е. Кангюя), а Тарбан(д) – означает «ворота», «проход» (отсюда же знаменитый Дербент), в данном случае Кангу Тарбан – «проход через реку Канг». Именно с трансформацией этого названия связано его другое наименование в раннеарабских дорожниках и географических сочинениях – Бенакет. Правда, по мнению российского ученого П.Б. Лурье, *bināka*θ омонимичен *Binkat*, где его первая часть восходит к согдийскому «руп» – «открывать» или согдийско-христианскому «bn» – «длинный». То есть его название, по мнению П.В. Лурье, переводится как «открытый» или «длинный город»⁵. Однако Шахрухию вряд ли можно назвать «открытым» городом, его территория была охвачена крепостной стеной, да и «длинным» его тоже нельзя было назвать, т.к. форма его не была вытя-

³ В одной из них даже действует русский князь, родственник царя. Однажды местные дехкане увидели князя, праздно прогуливающегося по берегу реки. Они спросили у него, почему он гуляет, а не работает. Тот ответил, что вот пришел сюда, хочет купить у них ветер. Дехкане посмеялись, посоветовались и решили продать (ветер ведь все равно от бога). Князь тут же вытащил деньги и расплатился. Осенью, собрав урожай, свезли пшеницу на ток и стали ее просеивать. Но тут появился князь и заявил, что ветер его, хотите просеивать – тогда платите. Поняли люди, что просчитались, пришлось платить. А князь, чтобы его не обманывали, поселил своих людей выше Шахрухии, у моста (Шевяков А. Культурный фольклор на Шелковом пути // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. Ташкент, Фан, 1990. С. 138).

⁴ Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., Наука, 1964. С. 155–161, 199. Правда, С.Г. Кляшторный предложил отождествить Тарбанд с Отраром, опираясь на сообщение Якута (XIII в.) о Турарбанде, городе за Сейхуном, который «местные жители называют Турар или Отрар». К.М. Байпаков пошел еще дальше и Кангу Тарбан превратился в политическое образование – государство (Байпаков К.М. По следам древних городов Казахстана: Отрарский оазис. Алма-Ата, Наука, 1990. С. 15). Однако этимология топонимов Турарбанда и Тарбана разная.

⁵ Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимики. Диссертация на соискание кандидата филологических наук. СПб, 2004. С. 96.

нута, а представляла собой почти квадрат. Скорее, здесь можно видеть обычное явление, когда при использовании того или иного топонима со временем часть его названия опускается, то есть «Бен» это усеченное «тарбан» – «тарбент» – «проход», «переправа», а «кет»-«кат» – «город», т.е. «город у переправы»⁶.

Не менее интересен вопрос о его втором названии. Считается, что название городища Шахрухия связано с собственным именем Шахруха, сына Амира Темура. В год обезьяны (в 1392 году) Амир Темур, возвращаясь из похода, оценил его стратегическое расположение, восстановил город и отдал его младшему сыну Шахруху⁷, откуда и произошло название «Шахрух-шаар», т.е. «город Шахруха» или Шахрухия.

Впоследствии, когда город перешел к Шейбанидам, он стал называться еще Шаракия или Шаркия (т.е. «Восточное»)⁸.

Городище, как все крупные средневековые города, состоит из традиционных частей – цитадели, шахристана и рабада, территория

⁶ О жизненности этой этимологии, с одной стороны, может свидетельствовать название другого средневекового города Арсубаникета, столице округа Кенджида, располагавшегося в двух дневных переходах от Испиджаба-Сайрама (к северо-западу от современного Шимкента). Первая часть топонима Арсубаникет (Арсу+бан-и-кет) связана с рекой Арысь (Арсу), вторая указывает на место переправы, т.е. его общее значение – «город [у] прохода [переправы через] Арсу» – Арысь (Богомолов Г.И., Мусакаева А.А. К вопросу о локализации Тарбанды и его названии // Тошкент: кеча ва бугун (илмий мақолалар тўплами). Тошкент, 2007. С. 68–69). С другой стороны, важно то, что здесь около Шахрухии длительное время вплоть до 40–50-х годов XX века существовала переправа.

⁷ Все это переплетается с легендой об Амуре Темуре, который играл в шахматы, когда ему сообщили о рождении сына. В этот момент он сделал победный ход и объявил «шах рух». Так и называли младенца. Однако в реальности имя Шахрух означает «Царственный дух», «Дух царства». Примеры существования имен с подобными составляющими компонентами хорошо известны в ономастике Средней Азии – Рухобад («Обитель духа», мавзолей в Самарканде, возведенный Амиром Темуром над могилой Бурхан ад-Дина Сагарджи); Рухулла («дух божий», эпитет пророка Исы); Рухольмин («дух Доверенного» [т.е. пророка Мухаммада]. Правда, известный востоковед Алим Гафуров предложил еще одну версию перевода имени Шахрух как «Победоносный» и соотнес его с названием хода в шахматной игре, который представлял собой ход конем (вилку), ставивший одновременно под удар короля и ладью противника, т.е. букв. «шах» и «ладья» (Гафуров А. Имя и история: Об именах арабов, персов, таджиков и тюрков. Словарь. М., 1987. С. 183; 211). «Рух» объясняется тем, что ладья в средневековых восточных шахматах нередко изображалась в виде мифической птицы Рух.

⁸ Буряков Ю.Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса. Ташкент, 1978. С. 11; Кастанье И.А. Отчет о поездке в Шахрухию и местность «Канка». Ташкент, топография ТуркВО, 1913.

которых разделена древними каналами, рвами и естественными саями, впадавшими в Сырдарью с севера и юго-востока. Ядро первоначально-го города было возведено в античных традициях в виде почти правильного четырехугольника (600х600 м) на высоких холмах у излучины реки. Его границы очерчены крепостными стенами шахристана, который возвышался над рекой более чем на 25 м (Рис. 1). В его юго-западной части располагалась цитадель. Ближе к северо-восточному углу шахристана видны следы ворот.

Изучение показало, что первоначальное поселение возникло здесь не ранее II–III вв. н.э., прежде всего как пункт у переправы через Сырдарью (Яксарт) на одной из складывавшихся стационарных трасс Великого шелкового пути. В дальнейшем поселение выросло до достаточно большого городского и ремесленного центра. В V–VIII вв. его площадь составляла 36 га. Крепостные стены имели внутрискладчатый коридор. В юго-западном углу шахристана возвышалась небольшая цитадель, окруженная рвом. Археологические раскопки в шахристане выявили наличие жилой застройки этого времени и следы ремесленной деятельности (в виде бракованных гончарных изделий, отходов медного литья и железоделательного производства).

Стратиграфический раскоп, заложенный вдоль берега реки, в шахристане вскрыл культурные слои мощностью более 15 м. В нижних слоях открыты остатки жилых строений из кирпича крупного прямоугольного стандарта. В заполнении – комплекс материальной культуры с лепными плоскодонными сосудами, украшенными потеками черной краски, с ручками в виде фигурок животных, с крупными хумами, зернотерками. Сосуды эти характерны для каунчинской культуры I в. до н.э. – III в. н.э. Выше выявлены жилые постройки III–V вв. н.э. с керамикой несколько иного облика и монетами древнего чачского чекана. Над ними – следы крупных перестроек – платформы с мощными строениями поры раннего средневековья. Их перекрывают жилые дома с наборами прекрасной глазурованной посуды IX–X вв. Выше – мощные слои XI–XII вв. К этому времени относится открытый в западной части шахристана I магистральный водопровод, снабжавший центр города водой. Туннель водопровода арочной формы был выложен из жженого кирпича, а по уровню пола проходили две параллельные нитки крупных кубуров (керамических труб). Через определенные промежутки в него были опущены колодцы-люки⁹. Здесь же вскры-

⁹ Анарбаев А.А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. Ташкент, 1978.

вались небольшие участки городской застройки. Город этого времени отождествляется исследователями с Бенакетом, городским центром, известным по арабо-персидским дорожникам и географическим сочинениям. Верхние слои шахристана связаны с обживанием города в XV–XVI вв.

Видимо, уже на ранних этапах городу отводилась важная роль как крепости, охранявшей переправу и караваны, следовавшие вдоль речного пути в Согд или Приаралье и дальше на запад. Кроме того, город служил как перевалочный пункт и ремесленный центр. Другая дорога из города вела к Харашкету, столичному центру оазиса (городищу Канка). Китайские хроники эпохи Старшего дома Хань сообщают о «северном торговом пути», отмечая, что он шел по реке Йоша (Сырдарье) в кочевые владения Янцзы и Янцай¹⁰, которые локализуются исследователями в Приаралье.

Быстрый рост города отмечается для поры раннего средневековья, когда город последовательно входил в состав эфталитского государства, затем Тюркского каганата. Река Сырдарья, тюрки называли ее Гульдариюн, некоторое время служила границей между каганатом и эфталитами. Но в середине VI века ситуация изменилась, в битве под Бухарой эфталиты потерпели сокрушительное поражение. Тем не менее тюркские каганы, заинтересованные в развитии торговли шелком, искали торговые пути в обход Сасанидского Ирана и поэтому придавали особое значение северному пути вдоль Сырдарьи и, соответственно, стремились к укреплению и развитию городских центров, как пунктов, обеспечивавших безопасность вдоль этих трасс. Все это стало стимулирующим фактором в развитии Шахрухии. Но наибольший расцвет города приходится на IX–XIII вв., тогда же отмечается интенсивный рост городской территории, прежде всего, за счет рабада.

Рабад охватывал город подковой с трех сторон, но в разные периоды разрастался то в северном, то в восточном направлении. Общая площадь рабада более 300 га (оценка Ю.Ф. Бурякова). Территория его пересекалась каналами и сетью уличных магистралей. Здесь располагались жилые кварталы, мастерские ремесленников и базары. Южная часть рабада была обнесена линией крепостных стен с башнями, опоясывавших полукругом территорию в 65 га и упирающихся на западе в стены шахристана, на юге в обрыв Сырдарьи. Вдоль этих стен

¹⁰ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. М.–Л., 1950. С. 170.

прослеживаются глубокие рвы, а за их пределами крупный некрополь с обломками мраморных надгробий-сагона.

Прямо под стенами шахристана, к востоку от него, в IX–XII вв. располагался громадный квартал керамистов, отделенный дорогой и небольшим каналом. Здесь открыты мастерские гончаров в виде небольших дворики с производственными площадками, с установками для гончарного круга, ванночками для подготовленной глиняной массы, айванами для просушки полуфабрикатов, а также однокамерные и двухъярусные печи для обжига керамики. В верхнем ярусе печей были сделаны ряды глубоких ячеек, в которые вставлялись керамические стержни-штыри (Рис. 1, 3). На них подвешивались за ручки кувшины, а на специальных коромыслах – мелкие сосудики. В нижней части горна на уступе полки ставились стопки открытых сосудов: чаш, пиал, ляганов, разделявшиеся специальными прокладками – трехножками-сепоя. В этих печах обжигалась прекрасная глазурованная посуда, сосуды хозяйственного и технического назначения. Найдены были печной припас, инструменты керамистов, продукция. Ассортимент этой продукции был очень широким: здесь и глазурованные чаши, кувшины, светильники, и неполивная столовая посуда разных форм, и тарные сосуды (хумы, хумчи, тагора), и такие специальные сосуды, как сфероконусы (симабкузача) (Рис. 1, 2).

Работы на восточной окраине рабада выявили квартал и мастерские стеклодувов. Предполагается, что он занимал площадь не менее 2 га и разрастался от Сырдарьи вплоть до восточной границы рабада. Здесь впервые в Ташкентской области были открыты небольшие прямоугольные печи для варки стекла, рядом с которыми были найдены куски стеклянных полуфабрикатов прозрачного, синего, зеленого цвета, а также множество обломков и заготовок стеклянной посуды, ручек к ним и даже заготовок нитей для выведения на стенках сосудов рельефного декора¹¹.

Следы ремесленного производства (отдельные кузнечные и стеклодувные мастерские, крупная тагхона – полуподземное купольное сооружение для хранения плодов и овощей) были выявлены на территории рабада к северу и востоку от шахристана. В северной части рабада на месте предполагаемой рыночной площади были открыты

¹¹ Буряков Ю.Ф. Шахрухия – крупный торгово-ремесленный центр средневекового Мавераннахра (по археологическим источникам) / Узбекистан в средние века: история и культура (доклады международной конференции). Ташкент, 2003. С. 102–103.

мастерские ювелиров с печками лункообразной формы для разогрева металла.

В это же время интенсивно осваивается северо-западная часть рабада. Его огромная селетейная площадь ввела в заблуждение И.А. Кастанье, который даже предположил, что именно здесь располагался средневековый Бенакет, а город Темура (Шахрухия) был возведен южнее¹². Многочисленные находки пряслиц и грузиков свидетельствуют о широком развитии ткацкого производства. Неслучайно источники отмечают, что среди товаров Мавераннахра из Бенакета вывозились прекрасные туркестанские ткани. Основные базары располагались тоже в рабаде. По словам автора X века Мухара ал-Макдиси, близ базара находилась пятничная мечеть.

Об активной торговой деятельности города можно судить по большому количеству находок медных и серебряных монет с территории городища. В юго-западной части базара был найден клад из 800 монет конца X – начала XI вв.

Временами в городе даже функционировал свой монетный двор. Известна эмиссия собственных монет для начала XIII века, когда прекратился выпуск монет даже столицей ташкентского владения, Бинкетом. Во внешнеторговых связях трасса через Бенакет продолжает активно использоваться в домонгольский период, хотя считалась более длинной, но и более удобной. О длительности ее функционирования прямо свидетельствует тот факт, что восточные географы IX–X вв. называют ее «старой бенакетской дорогой». Примечательно и то, что город неоднократно упоминается не только как пункт на торговой трассе, по которому караваны шли в глубь оазиса и дальше на север или в Семиречье и Фергану, но и как центр производства товаров. В частности, особенно славилась красные шерстяные «бенакетские ткани» и мужская одежда из них, которые пользовались большим спросом у кочевников и на восточных рынках.

Во время борьбы Хорезмшаха Мухаммеда с каракитаями, а затем с найманами Бенакет оставался крупным военно-стратегическим объектом, охранявшим переправу и торговый путь. Поэтому в 1219 году Чингисхан, направил специальный отряд вверх по Сырдарье на Бенакет и Ходжент. Отряд из 5 тысяч воинов, составлявший левое крыло

¹² Кастанье И.А. Отчет о поездке в Шахрухию и местность Канка. Ташкент, типография ТуркВО, 1913. С. 7. Но уже в это время этот участок интенсивно распахивался под пашни.

армии Чингисхана, двинулся на Шаш из-под Отрара под начальством Алак-нойона из племени барин. Другими предводителями отряда, по словам В.В. Бартольда, были тысячник правого крыла Сукету-Черби из племени Хонгхотан и Тургай. Тюркский гарнизон города под предводительством Илетгу-малика сопротивлялся три дня. Затем город сдался. Монголы перебили гарнизон, из жителей отобрали ремесленников, а молодых людей угнали для осадных работ к Ходженту.

С этим временем связан еще один знаменитый эпизод. У Бенакета монголы натянули через реку железные цепи, чтобы остановить лодки каравана Темур Малика, вырвавшегося из осады Ходжента. Но его воины прорвали железные цепи и уплыли дальше.

Хотя большая часть города лежала в руинах, жизнь в нем все же продолжалась. Об этом свидетельствуют археологические материалы и тот факт, что здесь жил Абу Сулейман Фахраддин Али ал-Бенакети, крупный поэт и историк конца XIII – нач. XIV вв., оставивший известный труд по всеобщей истории «Тарих-и Бенакети». Отсюда происходил другой известный ученый и каллиграф Али ибн Ахмед ибн Мухаммед Бенакети. Амир Темур оценил значение этого пункта и превратил его в 1392 г. в мощную крепость, контролировавшую сухопутную и водную торговые трассы. В 1404 г. в Шахрухие зимовало правое крыло войска Темура в готовящемся походе на Китай. Через шахрухинскую переправу возвращался траурный кортеж с телом Амира Темура.

В самом конце XIV века часть территории к северо-востоку и востоку от шахристана была обнесена крепостной стеной, на линии стены выделяются 26 всхолмлений – башен (Рис. 2, 2–3). В процессе раскопок выяснилось, что башни – двухъярусные, полукруглой формы, выступающие за линию стены¹³. В северной части, где в это время проходила основная дорога к городу, исследовались ворота, которые контролировались специальным бастионом округлой формы (25x30 м). Окруженная стенами территория в темуридское время носила название **хисар**.

После смерти Амира Темура Шахрухию захватил Халил Султан. В 1416 г. в окрестностях города стоял Улугбек. А в 1425 г., готовясь к походу на Моголистан, он сам зимовал здесь вместе с войском. О возрастающем экономическом потенциале и стратегическом значении

¹³ Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака). Т., Фан, 1975. С. 23–25; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Т., Фан, 1990. С. 90–93.

города свидетельствует тот факт, что именно сюда бежал Улугбек после поражения, нанесенного ему Абдуллатифом в сентябре 1449 г. у селения Димишк под Самаркандом, после чего наместник Самарканда Мираншах Кучин закрыл городские ворота перед Улугбеком. Тогда последней надеждой для него и его свиты оставалась Шахрухия. Именно здесь Улугбек вместе с сыном Абдулазизом и несколькими верными эмирами надеялся собрать новые силы. Однако через три дня, когда он вместе с сыном и свитой неосторожно выехал отдохнуть и поохотиться в окрестностях города, городские ворота по возвращении оказались закрытыми по приказу наместника Шахрухии Ибрахима бен Пулата. Это окончательно надломило Улугбека и вынудило его сдаться Абдуллатифу.

С 1502 г. Шахрухия вошла в состав владений Шейбанихана, превратившись во вторую столицу Ташкентского удела. В 1518 г. сюда к Кельды Мухаммаду был вызван Зайниддин Васифи.

Из культурных слоев средневекового жилого дома в восточной части хисара был извлечен доспех тяжеловооруженного воина, состоявший из сотни крупных пластин, приваренных друг к другу, объединявшихся в несколько блоков (Рис. 2, 4). Самая крупная – из толстых прямоугольных пластин (11x8 см), защищала грудь воина, и могла противостоять даже стрелам с бронебойными наконечниками, выдержать удар копья. Удвоенные блоки из мелких пластин защищали бока воина. Прямоугольные, подквадратные, ромбовидные пластины были деталями налокотников и наколенников. Рядом с панцирем лежал и шлем сфероконической формы. Уникальный по своей сохранности доспех был на вооружении знатных воинов средневековой эпохи, включая время правления Амира Темура.

Интересным фактом по социальной истории, связанным с Шахрухией, является грамота узбекского хана Науруз Ахмада, жаловавшая старшине цеха изготовления одежды Хусейну Портному должность главного портного удела Шахрухии. Указ, с одной стороны, свидетельствует о наличии цеховых организаций на Шахрухие, с другой – указывает на юридические реалии того времени, он наделял старшину широкими правами в корпорации, которому должны подчиняться не только мастера города, но и других населенных пунктов, связанных с ремеслом¹⁴.

¹⁴ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в. Ташкент, Фан, 1976. С. 14, 170.

На этой же территории найдены обжигательные печи XVI–XVII вв. иного типа – крупные, двухкамерные, диаметром от 2 до 2,5 м и высотой до 3 м. Топочная камера отделена от рабочей перекрытием-подом со специальными жаропроводящими отверстиями, через которые раскаленный воздух поступал из топочной камеры в обжигательную. Керамическая посуда – изящные тонкостенные чаши, пиалы открытых форм часто изготовлялись из белой кашинной массы в подражание фарфору и украшались голубой росписью по белому фону, под бесцветной глазурью. В северо-восточной части рабада, вдоль дороги, складывается крупный мемориальный комплекс, известный сейчас под именем Шаморкори-авлия, и обширное староузбекское кладбище, функционировавшее до последних столетий.

В XVI–XVII вв. Шахрухия считалась сильной крепостью и вторым по значению городским центром ташкентского владения, местом пребывания наследника. Здесь даже время от времени функционировал монетный двор, где печаталась медные монеты. О значении города говорит тот факт, что Сырдарья в XVII в. называлась «рекой Шахрухии». Однако в первой половине XVIII в. в результате опустошительных набегов джунгар и глубокого кризиса город опустел и был заброшен. По мнению Е.Т. Смирнова, окончательный заброс городища связан с тем, что воды арыка Шаракия, взятого из р. Ахангаран, были отвернуты вправо, к возникшим зимовкам узбеков-кураминцев.

Городище Шахрухия – памятник, который оставил заметный след в местном фольклоре. В 1876 г. памятник впервые посетили, собрали некоторые сведения о нем Д.К. Зацепин и Н. Пантусов. По словам И.А. Кастанье, потом здесь побывали мулла Алим, Андреев, Е.Т. Смирнов, И.А. Беляев, члены Туркестанского кружка любителей археологии. И.А. Беляевым впервые были сняты виды городища. Отождествление его с Шахрухией проведено в конце XIX¹⁵. В 1913 г. городище посетил и даже сделал схематический план И.А. Кастанье¹⁶. Затем на долгие годы памятник оказался в забвении.

Зайн ад-дин Васифи. Бадаи «ал-вакаи». Критический текст, введение и указатели А.Н. Болдырева. Том. II, Москва, 1961. С. 1332.

¹⁵ Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях г. Ташкента. // Средняя Азия, научно-популярный сборник статей по Средней Азии. Ташкент, 1896.

¹⁶ Кастанье И.А. Отчет о поездке в Шахрухию и местность Канка. Ташкент, типография ТуркВО, 1913.

В 1966 г. он был включен в археологическую карту Ташкентского оазиса¹⁷. Однако первые раскопки были проведены в 1973–1974 гг., а затем продолжены в 1978–1998 гг. Институтом археологии АН РУз¹⁸. В 2002 г. проводились совместные раскопки Института археологии АН РУз. и кафедры «Ватан тарихи» Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами. В 2004–2006 г. небольшие работы проводились Государственным Музеем истории Темуридов.

К сожалению, городище интенсивно подмывается Сырдарьей: в настоящее время почти полностью смыта цитадель (сейчас от нее сохранился лишь небольшой участок), и по диагонали срезана половина шахристана, отдельные территории рабада используются для хозяйственных нужд. Но городище все равно остается одним самых интересных историко-культурных объектов Ташкентской области.

¹⁷ Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. Ташкент, 1973. С. 106.

¹⁸ Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака). Т., 1975. С. 14–30; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1982. С. 43–44; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Ташкент: Фан, 1990. С. 78–99; Буряков Ю.Ф., Богомолов Г.И. Городище Шаркия // Археология Ташкентского оазиса. Ташкент, 2009.




Рис. 1. Шахрухия и предметы керамического производства: 1 – топографический план городища с указанием его частей и основных раскопок; 2 – сфероконусы (симабкузача); 3 – гончарная печь XI века; 4 – чаша с изображением козерога; 5–6 – позднесредневековые глазурованные чаши с Шахрухии.




Рис. 2. Шахрухия: 1 – топографический план городища с указанием его частей и основных раскопок; 2 – вид на раскопки башни и участка крепостной стены темуридского хисара; 3 – план башни темуридского времени; 4 – воинский доспех XV–XVI вв.

Г. БОГОМОЛОВ

БЕНАКЕТ-ШАХРУХИЯ-ШАРКИЯ

Настоящая статья посвящена одному из крупнейших городских центров Ташкентского оазиса – городищу Шахрухия. В статье рассматривается топография городища, происхождение его названий, история города по историческим источникам и его роль в истории Ташкентского оазиса в отдельные периоды. Кратко приводятся основные результаты археологических исследований, рассматривается динамика развития города, периоды его расцвета и причины упадка. Отдельное внимание уделяется истории изучения городища и перспективам его дальнейших исследований.

Ключевые слова: городище, Сырдарья, Бенакет, Шахрухия, каунчинская культура, хисар, шахристан, рабад, ремесла, кубур, сепоя.

Г. БОГОМОЛОВ

БАНОКАТ-ШОХРУХИЯ-ШАРКИЯ

Ушбу мақола Тошкент воҳасининг энг йирик шаҳар марказларидан бири – Шоҳруҳия кўҳна шаҳрига бағишланган. Мақолада аҳоли манзилгоҳининг топографияси, номларининг келиб чиқиши, тарихий манбаларга кўра шаҳар тарихи ва унинг маълум даврларда Тошкент воҳаси тарихидаги ўрни муҳокама қилинади. Археологик тадқиқотларнинг асосий натижалари қисқача баён қилинади, шаҳарнинг динамикаси, ободлик даврлари ва пасайиш сабаблари муҳокама қилинади. Тарихшунослик ва уни келгусида тадқиқ қилиш истиқболларига алоҳида эътибор берилади.

Калит сўзлар: кўҳна шаҳар, Сирдарё, Банокат, Қовунчи маданияти, Ҳисор, Шахристон, рабад, хунармандчилик, кубур, сепоя.

G. BOGOMOLOV

BENAKET-SHAHRUKHIYA-SHARQIYA

This article is devoted to one of the largest urban centers of the Tashkent oasis of the Middle Ages – the site Shahrukhiya. The article discusses the topography of the site, the origin of its names, the history of the city according to historical sources and its role in the history of the Tashkent oasis in certain periods. The main results of archaeological research are briefly presented. The dynamics of the development of the city, the periods of its heyday and the causes of decline are considered. Special attention is paid to the history of the study of the site and the prospects for its further research.

Key words: ancient settlement, site, Syr Darya, Benaket, Shahrukhiya, Kaunchi culture, hisar, shakhristan, abid, crafts, cubur, sepoya.

О. ИРИСКУЛОВ

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ПАХТА
ТАЖРИБА ПЛАНТАЦИЯСИНИНГ ФАОЛИЯТИДАН

Пахтачиликни ривожлантириш борасидаги масалалар империянинг юқори доира маъмурият ва саноат вакиллари ўртасида муҳокама этилаётган бир пайтда, Зарафшон округи маҳаллий бошқарув амалдорлари ва ҳарбийлар ҳам округда пахтачиликни ривожлантириш учун Самарқанд шаҳрида тажриба пахта плантациясини барпо этиш юзасидан таклифлар билдира бошлади. Бу борадаги дастлабки ташаббус ва таклифлар округ бошлиғи Абрамов ва Туркистон линияси батальони подполковниги Раевскийлар томонидан кўтарилди.

Жумладан подполковник Раевский 1870-йил 24-сентябрда округ бошлиғи Абрамовга мурожаат қилиб, округда пахтачиликни ривожлантириш ишига ўз хиссасини қўшиш мақсади борлигини билдиради. Пахтачиликни ривожлантириш борасидаги таклифларида у округда махсус қўмита тузиш ҳамда унинг зиммасига пахта навини яхшилаш ва аҳоли орасида кенг ёйиш вазифаларини юклаш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, зарурий чора-тадбирлар сифатида давлат томонидан тажриба плантациялари учун текин ер майдонлари ажратиш, қўмита ихтиёрига уруғ, пахта тозалаш машиналари ва тойлаш жиҳозлари учун беш минг рубль маблағ ажратиш, тажриба пахта плантацияларини солиқлардан озод этиш каби фикрлар мавжуд эди. Раевский мурожаати сўнгида унинг бу борадаги таклифларини Туркистон генерал-губернаторига билдириш ва билдирилган таклифни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан губернатор рухсатини олиш илтимос қилинади¹.

Абрамов 1871-йил 25-ноябрда Туркистон генерал-губернаторига ёзган хатида округ дароматларининг асосини ташкил этувчи кишлок-хўжалигининг ҳолати, соҳани ривожлантиришда мавжуд камчиликлар ва унинг ечими, тармоқдаги пахтачиликни ривожлантиришнинг жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда империя иқтисоди ва саноати учун қанчалик фойдали эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Мактубда кўзланган тадбирларни амалга ошириш учун мавжуд 8 таноб ер майдонлари камлиги ва унга қўшимча тарзда яна 20 таноб

¹ ЎзМА Ф-И 5. 1-рўйхат. 60-иш. 11-12-в.

ер майдони ажратиш зарурлигини таъкидлаш билан бирга, плантация фаолияти ва сарф-харажатлари борасида талаблар ҳам санаб ўтилади².

Округ маҳаллий маъмурлар режасида пахтачилик билан бирга қишлоқ-хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш мақсади мавжуд эди. Мазкур мақсад йўлида Самарқанд шаҳрида деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзовотчиликни ривожлантириш учун тажриба фирма барпо этиш кўзланган эди. Тажриба фирма зиммасига иқтисодий томондан муҳим ҳисобланган маҳаллий ва чет эл ўсимликларини маданийлаштириш, етиштириш ҳамда округ аҳолисининг зироатчилик борасидаги тажрибасини ошириш вазифаларини юклатиш кўзланган эди³.

Абрамовнинг пахта плантациясини барпо этиш борасидаги таклифи Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан тез орада қаноатлантирилди. 1871-йил 12-декабрда Туркистон генерал-губернаторининг округ бошлиғи Абрамов номига йўллаган мактубида губернаторнинг пахта плантациясини барпо этиш ҳақидаги таклифига рози эканлиги билдирилади. Шунингдек, Абрамовнинг сарф-харажатлар борасидаги талаби ҳам инобатга олиниб, бунда қўшимча ер майдонлари, пахта тозалаш машиналари ҳамда сарой, омбор ва қўшимча бинолар қуриш учун сўралган 3400 рубль тўлиқ ажратилганлиги айтиб ўтилади. Плантация иш жараёнини ташкиллаштириш ва бинолар таъмири учун зарур бўлган йиллик сарф-харажатлар, яъни 1602 рубль миқдоридаги маблағ кейинги йилда округ даромадлари жамғармасидан тўланиши белгилаб қўйилган эди. Генерал-губернатор пахта плантациясини барпо этиш борасидаги таклифлар юзасидан ўз мулоҳазаларини ҳам билдириб, маҳаллий ҳудудда америка навли пахтани етиштириш ишини изчил давом эттириш зарур эканлигини уқтириб ўтади. Шу билан бирга генерал-губернатор пахта плантацияси иш юритувчиси шахсий сифатларига алоҳида эътибор бериш кераклиги, плантация иш юритувчиси билимли ва тажрибали бўлиш билан бирга, ўзида етарли куч заҳираси ва идора қила олиш сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлиши кераклигини таъкидлайди⁴.

Тажриба пахта плантациясида ишларни ташкиллаштириш дастлаб поручик Султоновга юклатилди. Султонов томонидан дастлабки тажриба синов йилида маъмуриятга пахта плантациясида иш жараёни-

² ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 1-4-в.

³ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 5-6-в.

⁴ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 13-14-в.

ни ташкиллаштириш, асосан ер майдонларини тайёрлаш ва экин учун уруғларнинг зарурий миқдори ҳамда экиш усуллари, олинадиган пахта уруғи миқдори, сарф харажатлар ҳажми борасида хулосалар тақдим этиб борилган.

Зарафшон округи бошлиғи тез орада Туркистон генерал-губернаторининг плантация иш бошқарувчисининг шахсий сифатлари тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, 1872-йил 3 апрелдан пахта плантацияси иш бошқарувчиси лавозимига нафақадаги штабс-капитан В. Михайловни тайинлайди⁵.

Пахтачиликни ривожлантириш масаласида империя ҳукумати ҳар қандай сарф-харажатларга тайёр эди. Плантация ташкилотчиси Абрамов ва унинг қарамоғидаги иш юритувчининг плантация эҳтиёжлари учун зарур бўлган маблағлар билан боғлиқ ҳар қандай талаби дарҳол қондирилган.

Султонов бошчилигида олиб борилган ишлар вақтида пахта плантациясида ишларни ташкиллаштириш учун йиллик харажатлар жами 330 рублни ташкил этиб, унда ерга ишлов беришга 200 рубль, иш юритувчига 10 ойга 80 рубль, унинг ёрдамчисига 50 рубль сарфланган⁶.

1872-йил учун режалаштирилган ишлар сметасида ер миқдорининг ошиши билан сарф-харажатлар миқдори ҳам ошганлиги кўрилади. Жумладан, 28 таноб ерга ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқа харажатлар, 1 танобга 20 рублдан 1 йил учун 560 рубль, плантация иш бошқарувчисига 25 рублдан йилига 300 рубль, унинг ёрдамчиларига 10 ва 6 рублдан, йилига 192 рубль, пахтани тозалаш учун 200 рубль, бино ва мавжуд машина-жиҳозлар таъмири учун 350 рубль, жами 1602 рубль ажратиш кўрсатилган⁷. Умуман плантация фаолиятида биргина плантация иш юритувчиси ва унинг ёрдамчиларига маош ажратиш миқдори 1872-1882 йиллар мобайнида 41 рублдан 65 рублга ошган⁸.

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадидаги чора-тадбирлар шаҳар плантацияси асосида пахта саноати билан боғлиқ дастлабки бирламчи саноатлашув жараёнига ҳам асос солди. Абрамовнинг сайи ҳаракатлари натижасида Туркистон генерал-губернатори девонхонаси иш юритувчиси, князь Урусов пахта тозалаш машиналарини

⁵ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 18-в.

⁶ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 7-9-в.

⁷ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 10-в.

⁸ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 25-33-в.; ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 1226-иш, 2-в.

сотиб олиш вазифаларини ўз зиммасига олади. Абрамовнинг 14-август 1872-йилдаги округ ғазначилигига берган кўрсатмалари орқали пахта тозалаш машиналари учун ажратилган 1200 рубль маблағ Урусовга берилди. Пахтачиликни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай талабнинг қондирилишини яхши англаган Абрамов Урусовга пахта тозалаш машиналарини сотиб олиш борасидаги музокараларни уларни сотиб олишга маблағ етмаган тақдирда ҳам тўхтатмасликни ва етишмаётган маблағ тўғрисида дарҳол хабардор этишни сўрайди⁹.

Урусов 1872-йилнинг 20-октябрида Абрамовга йўллаган мактубида Американинг жанубий штатларидаги пахта тозалаш машиналари ишлаб чиқарувчи бир нечта заводларга мурожаат қилганлигини маълум қилади ва сотиб олиниши кўзланаётган машиналарга қўйиладиган талаблар ҳақида ўз фикрларини билдиради. Жумладан, унинг фикрига кўра пахта тозалаш машиналари кўлда юргизиладиган, оддий, лекин сифатли, мураккаб бўлмаган механизмли, деталлар носозлиги ҳолатида оддий темирчи томонидан таъмирланиши ва қисмларга ажратмасдан бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имконига эга бўлиши керак эди. Машина ҳар қандай турдаги пахтани тозалай олиши билан бирга, маҳаллий аҳоли орасида кенг ёйиш учун аҳолининг харид қобилиятига мос даражада арзон нархда бўлиши, шу билан бирга замонавий ва Қўшма Штатлар ҳудудида фойдаланилаётган бўлиши зарур эди.

Урусов музокаралар ва машиналарни Самарқандга етказиш учун сарфланадиган тахминий муддатни ҳисобга олиб, машиналар келаси йилнинг июнь-июль ойларида манзилига етиб бориши мумкинлигини таъкидлайди¹⁰.

Лекин Самарқанд пахта плантацияси ўз пахта тозалаш машиналарига эга бўлиши муддати кутилганидан анча кечикиб кетади. 1874-йилнинг 16-январида иктисодиёт вазирлигининг савдо ва маанифактура департаменти Зарафшон округи бошлиғи номига ёзган мурожаатномасида, Урусовнинг машиналари масаласида Россиянинг Қўшма Штатлардаги консули Бодискога мурожаат қилганлиги ҳамда Бодисконинг завод маъмуриятига йўллаган илтимоси ижобий қондилганлиги айтиб ўтилади. Масаланинг яна бир ижобий томони шунда эдики, завод Россия ҳукуматига бир нечта пахта тозалаш машиналарини совға қилади. Санкт-Петербург шахрига етиб келган машиналарни Самарқанд шахрига етказиш вазифасини департамент ака-ука Камен-

⁹ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 34–35-в.

¹⁰ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 70-иш, 67- в.

скийлар ширкатига юклайди. Пахта тозалаш машиналари 1874 йил март ойи бошларида Самарқанд шаҳрига олиб келинади¹¹.

Плантацияда етиштирилган маҳсулотларни аҳоли ўртасида ташкил этилган аукционлар орқали сотиш йўлга қўйилади. Жумладан 1883 йил 19 февралда пахта плантацияси бошқарувчиси Зарафшон округи бошлиғига мурожаат қилиб, плантация ҳисобидаги мавжуд маҳсулотларни ким ошди савдосини ташкил қилган ҳолда сотиш таклифини билдиради¹².

Плантация иш юритувчиси томонидан аукционда сотилиши мўлжалланган маҳсулотлар номи ва миқдори кўрсатилган рўйхат тузилиб, мазкур маҳсулотларни баҳолаш учун полиция амалдори ва баҳоловчилар иштирокида комиссия таркиби тузилган. Аукцион ҳақида аҳолини хабардор этиш учун етарли тартибда эълон тайёрланиб, аҳоли ўртасида тарқатилган. Жумладан, шаҳарнинг рус аҳоли қисмидаги йирик ишбилармонлар 21 апрель куни аукциондан хабардор этилган бўлиб, улар орасида Родионов, Фабри, Понамарев, Шнайдерман, Шарапов, Грановский ва бошқа кўплаб шу каби йирик ишбилармонлар мавжуд эди. Аукцион ҳақидаги эълон билан бирга унда сотиладиган маҳсулотлар номи ва уларнинг миқдори ҳамда бошланғич нархи борасидаги маълумотлар ҳам тақдим этилган¹³.

Аукционга мусулмон аҳоли вакиллариини жалб этиш мақсадида маҳсулотларни баҳоловчи комиссия таркиби тўлиқ маҳаллий аҳоли вакилларииндан тузилган эди. 1883 йилдаги аукционга қўйилган маҳсулотларни баҳолаш комиссияси таркиби шаҳар оқсоқоли Шодибек, савдогарлар Хидирбой, Гиёсиддин, Раимбой ва Хусаинбойлардан иборат бўлган.

Ким ошди савдосига қўйилган маҳсулотлар ичида пахта маҳсулотларидан ташқари, бир неча турдаги дон маҳсулотлари ва бошқа маҳаллий ҳамда чет эл маҳсулотлари мавжуд эди. Масалан савдога чиқарилган сули маҳсулотлари ичида америка, француз ва потато навлари, жавдар, буғдойнинг кишки ва баҳорги кизилбошоқ, сандомир, авлиёта, протитейер навлари, тарикнинг бир неча тури, француз қалампири, псков зиғири, хитой сояси ва мош маҳсулотлари мавжуд эди.

Плантация ўз ихтиёридаги мавжуд маҳсулотларни тўлиқ савдога чиқармаган. Маҳсулотларнинг бир қисми плантация эҳтиёжлари ва

¹¹ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 60-иш, 68-69; 72- в.

¹² ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 1252-иш, 1- в.

¹³ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 1252-иш, 2-2-о.в; 5-в.; 13-16-в.

аҳоли ўртасида тарқатиш учун олиб қолинган. Жумладан, плантация ихтиёридаги 26 пуд 7 қадоқ пахта уруғи, 210 пуд 4 қадоқ кам сув талаб қилувчи шоли уруғи, 10 қадоқ попукли тарик уруғининг ҳаммасини плантацияга экиш ва аҳоли ўртасида тарқатиш учун олиб қолган. Баҳорги икки қаторли арпа уруғининг 6 пуд 25 қадоқдан 5 пудини, француз қалампирининг 6 пуддан 3 пудини, псков зиғирининг 12 пуддан 2 пуди кейинги йилги экин ва аҳоли ўртасида уруғлик сифатида тарқатиш учун олиб қолинган¹⁴.

1883 йилнинг 26 апрелида бўлиб ўтган аукционда Г. Шумарский, Т. Сахаров, Г. Жижимский, А. Кольцов каби рус ишбилармонлари қаторида Имомназар, Бобобек номли маҳаллий савдогарлар ҳам қатнашган. Савдога чиқарилган маҳсулотларнинг барчаси жами 358 рубль 53 тийинлик баҳода сотилган¹⁵.

Умуман Самарқанд тажриба пахта плантациясининг Туркистон ўлкасидаги пахтачиликнинг ривожлантиришдаги ҳиссасини М. Вирский ҳамда И.М. Слуцкийларнинг¹⁶ вилоятдаги пахтачилик ва унинг саноати ривожини тўғрисидаги мақолаларидаги хулосалар орқали ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Тажриба плантацияси фаолиятининг йўлга қўйилиши билан шаҳар аҳолиси хўжалигида пахтачилик билан боғлиқ бирламчи саноат тармоғининг шаклланиши жараёнига асос солинди. Самарқанд шаҳар тажриба пахта плантацияси нафақат ўлкада, балки бутун империя ҳудудида ҳам бу борадаги тажрибаларини тўплаш ишига ўз ҳиссасини қўшди. Чунки империя саноат ишлаб чиқариш доиралари шу вақтгача пахтачилик саноатида асосан ярим тайёр маҳсулотга ишлов бериш жараёнлари юзасидан тажриба тўпланган бўлиб, пахта етиштириш ва олинган ҳосилга дастлабки бирламчи ишлов бериш борасида тажрибалари мавжуд эмас эди. Бу хусусиятлар Урусовнинг пахта тозалаш машиналари борасида Абрамовга йўллаган мактубида сотиб олиниши

¹⁴ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 1252-иш, 12, 15–18-о.в.

¹⁵ ЎзМА Ф-И 5, 1-рўйхат, 1252-иш, 19–20; 24–25-в.

¹⁶ Вирский М. Обзор хлопководства в Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области на 1894 год. Вып. II. Самарканд, 1894 г. 2–19-бетлар; Вирский М. “Хлопководство и хлопковая промышленность в Самаркандской области”. Справочная книжка Самаркандской области 1897 год. Вып. V. Самарканд, 1897 г. 63–92-бетлар; Слуцкий И.М. “Очерки хлопководства в Самаркандской области” // Справочная книжка Самаркандской области 1897 год. Вып. V. Самарканд, 1897 г. 50–62-бетлар; Слуцкий И.М. “Хлопкоочистительные заводы” // Справочная книжка Самаркандской области 1897 год. Вып. V. Самарканд, 1897 г. 93–109-бетлар.

режалаштирилаётган машиналарга қўйиладиган талаблар юзасидан билдирган фикрларида ҳам кўринади.

Пахта плантацияси пахтачиликни ривожлантириш борасидаги фаолият билан бирга аҳоли ўртасида бошқа турдаги кишлоқ-хўжалиги экинларини етиштириш тажрибасини ошириш, уларни уруғлар билан таъминлаш ишларини ҳам олиб борган. Бунинг натижасида аҳоли хўжалик иқтисодида селекция тармоғининг пайдо бўлиши каби трансформацион жараёнлар шаклланди.

Шу билан бир қаторда плантация аҳоли ўртасида янги савдо-иқтисодий муносабатлари ва тартибларини жорий этилишида ҳам ўзига хос марказ вазифасини ўтаган. Плантация томонидан ташкил этилаётган ким ошди савдоси шу каби янги савдо-иқтисодий тартиблар турига кириш билан бирга, турли доирадаги маҳаллий ва рус ишбилармонлари ўртасида ўзаро мулоқот учун асос яратган.

Самарқанд шаҳар тажриба пахта плантациясининг барпо этилиши бир қатор ижобий хусусиятларга эга бўлганлигини таъкидлаган ҳолда, бу жараёнлар империянинг мустамлакачилик манфаатлари доирасидаги тадбирлардан бири эканлиги, унинг замирида ўлкани бир томонлама хом-ашё базасига айлантириш мақсадлари ётганлигини унутмаслик лозим.

О. ИРИСҚУЛОВ

ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ПАХТА ТАЖРИБА ПЛАНТАЦИЯСИНING ФАОЛИЯТИДАН

Ушбу мақолада ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Самарқандда тажриба пахта плантациясининг шакллантирилиши ва унинг фаолияти архив ҳужжатлари асосида ёритилди. Метрополия ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантиришдан кўзланган мақсади ҳам ўрганилган. Тажриба плантациясида пахтачилик, сабзавотчилик, маданий ўсимликлар турлари билан шуғулланувчи селекция тармоғи вужудга келганлиги ва унинг фаолияти ёритилган. Самарқанд тажриба пахта плантациясининг империя саноат ишлаб чиқаришидаги ўрни ва кишлоқ хўжалиги соҳасидаги трансформация жараёнлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: пахта, плантация, аукцион, пахтачилик, зироатчилик, маҳаллий савдогар, селекция, метрополия, картошка, империя, Самарқанд.

О. ИРИСКУЛОВ

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ САМАРКАНДСКОЙ
ХЛОПКОВОЙ ИСПЫТАТЕЛЬНОЙ ПЛАНТАЦИИ
В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

В данной статье освещаются формирование и деятельность экспериментальных плантаций хлопка в Самарканде в конце XIX – начале XX веков на основе архивных документов. Была также изучена цель столичного правительства для развития производства хлопка. Экспериментальная плантация выявила существование и активность селекционной сети для выращивания хлопка, видов растений и овощеводства. Была проанализирована роль хлопковых плантаций Самаркандского завода в контексте имперского промышленного производства и сельскохозяйственной трансформации.

Ключевые слова: хлопок, плантация, аукцион, хлопководство, землевладение, местные купцы, селекция, метрополия, картофель, империя, Самарканд.

O. IRISQULOV

FROM ACTIVITY OF THE TEST COTTON PLANTATION IN
SAMARKAND LATE XIX BEGINNING OF XX CENTURY

This article describes the formation and its activity process of experimental cotton plantations in Samarkand in the late 19th and early 20th centuries based on archival documents. The purpose of the metropolitan government for the development of cotton production was also explored. The experimental plantation revealed the existence and activity of a selection network for cotton growing, vegetable growing, and plant species cultivation. The role of Samarkand plant cotton plantation in imperial industrial production and agricultural transformation processes was analyzed.

Keywords: Cotton plantation, auction, cotton, land tenure, local merchants.

Тарихишунослик ва манбашунослик

У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА СУҒД ТАРИХИ

Ҳозирги кунда араблар фатҳигача бўлган Суғд тарихини ўрганишда Абу Райхон Беруний (973–1048) асарлари муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Абу Райхон Беруний асарларидаги Суғд аҳолисининг тарихи ижтимоий-этнографик тарихдир. “Суғд” худуди тўғрисида тўхталадиган бўлсак, Й. Маркварт Юнон-Рим манбаларига таянган ҳолда, Айранам-Вайжау мамлакати Аҳамонийларгача мавжуд бўлган Ўрта Осиёдаги йирик давлат бўлиб, унинг маркази Хоразм эканлиги тахминини илгари сурган¹, В.Б. Хеннинг ва И. Гершевич, рус тарихшуноси С.П. Толстовлар тадқиқотларида ҳам бу фаразлар ўз ифодасини топган². Суғд худуди Хоразмдан жанубда жойлашган ва марказида Марв ҳамда Ҳирот шаҳарлари бўлган. Геродот асарларида берилган бу фараз аслида, Акес³ дарёсидаги тўғон хоразмликларга қараганлиги, Хоразм, Парфия, Ария ва Суғдиёна Аҳамонийларнинг бир сатраплиги бўлганлигини кўрсатади⁴. “Суғдиёнанинг бош шаҳри – Самарқанд, кейин эса Кеш, сўнгра Насаф, ундан кейин эса Кушония”⁵ бўлганлиги манбаларда келтирилган. Демак, Суғд худуди, тарихий асарларда Суғдиёна деб тилга олинган ҳудуд бўлиб, ҳозирги Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган. Табиий-географик чегараларга кўра Марказий, Ғарбий ва Жанубий Суғдга бўлинган⁶ ва Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб воҳаларидан иборат худудни ташкил этган.

¹ Marquart J. Die Chronologie der altturkischen Inschriften. – Leipzig, 1898. P. 59–72.

² Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. – vol. 12. P. 3–4. 176; Gershevich I. The Avestan Hymn to Mitra / Cambridge: 1959. P. 21.

³ Парфия билан чегарадош бўлган ҳозирги Тажан-Херируд воҳаси.

⁴ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. Москва: Наука, 1985. 31-б.

⁵ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De. Goeje. I–III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore... Al-Mokaddasi, 1967. P. 269.

⁶ Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: O'zbekiston, 2015. 661–662-бетлар.

Абу Райхон Беруний асарларида ушбу географик ҳудудда яшаган суғдликларнинг ой номлари ва бу ойларда ўтказиладиган байрамлар ҳамда машҳур кунларнинг номлари келтирилган. Муаллифнинг “Ал-Осор ал-боқия мин ал-қурун ал-ҳолийа” (“Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар” 1000/3 й⁷.) асарида Мовароуннаҳр мажусий суғдларининг ойлари эронликлариникига ўхшаш ўн икки ой, ўттиз кун ва ортиқча (ўғирланган) беш кундан иборатлиги келтирилган. Бироқ, суғдликлар ва эронликларда бу ортиқча кунларни ишлатишда тафовут бор, жумладан, эронликларда бу ортиқча беш кун саккизинчи ва тўққизинчи ойларнинг оралиғига қўшилган бўлса, суғдликларда ортиқча беш кун ўн иккинчи ойнинг охирига қўшилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу асарда, суғдликларнинг йил боши форсларнинг *фарвардин* моҳининг олтинчи кунига тўғри келиши берилган⁸. Суғдликлар давлати ташкил топаётган пайтда ҳафталар ишлатилмаган, чунки ҳафталарни ишлатиш ғарбий ҳудуд аҳолисидан бошқа миллатларга тарқалган, жумладан Суғдга ҳам. Суғдликлар ишлатадиган кунлар номлари бизгача айнан муаллифнинг “Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар” асари орқали етиб келган бўлиб, бу кунларнинг номлари шундай берилган: *Хурмурид, Жаҳинар, Ардахушт, Хасишвар, Сибандармаз, Ридад, Мридад, Даст, Атас, Анжун, Хавир, Мах, Тиш, Фуш, Даст, Махаш, Сараиш, Рушан, Фарваз, Вахаишгар, Ромун, Воз, Даст, Дин, Арзах, Астоз, Симан, Ромжид, Нушинад, Нузар*. Ортиқча қўшиладиган беш куннинг номлари икки хил тарзда берилган, жумладан: *Ж-и-в-рд, Н-б-в-рд, С-р-д-рд, Мо-х-рд, М-и-р-з-д-х ёки Ховтаст, Наханд, Рахшан, Ванозун, Ардамбиш*⁹. Абу Райхон Беруний асарларидан “Китоб ат-тафҳим ли авоил синаът ат-танжим” (“Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби” 1029 й.) асарида суғдликларники билан бир қаторда бошқа халкларнинг ҳам кун ва ой номлари ҳамда байрамлари келтирилган¹⁰. Бу иккала асарнинг олдинги ва ҳозирги нашрларида ёритилган ой номлари жадвали ва 1261 йилда кўчирилган “Тафҳим” (“Астрология”) асарида келтилган айнан ўша ой номларини кўришингиз ва муқояса қилишингиз учун “ЎзР ФА ШИДа сақланаётган № 3423 қўлёзamani келтираман.

⁷ Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. Т. I. Ташкент: Фан, 2015. 36-б.

⁸ Абу Райхон Беруний. Тафҳим. Танланган асарлар. Т. VI. Тошкент: Фан, 2006. 119-б.

⁹ Абу Райхон Беруний. Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, Т. I. Тошкент: Фан, 1968. 83-б.

¹⁰ Куранбаева У. Қадимги ойлари Беруний таснифида // Мозийдан садо. 2018. № 3. 29–32-бетлар.

Абу Райхон Беруний асарларида суғд ой номларининг ифодаси

№	“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ¹¹ (1968 й., 2015 й.)		“Тафҳим” ¹² (1975 й., 2006 й.)	
1	Н-а-в-с-р-д (ёз боши)	Навсад	Наусард	Навсард
2	Ж-р-ж-н	Жиржин	Хуржан	Жиржин
3	Найсанж	Нисан	Нисан	Нисан
4	Н-со-к-н-ж	Басок	Вис’як	Басак
5	А-ш-но-х-н-д-ах	Ашнаханда	Ашнаханда	Ашноҳанда
6	М-р-х-нд-о	Мажиханда	Мажиханда	Мазиханда
7	Н-ғ-кон	Фағоз	Фагакан	Фағакон
8	Абанж	Лабанах	Абанж	Обонч
9	Фуғ	Фуғ	Фуғ	Фуғ
10	М-со-фуғ	Масофуғ	Масафуғ	Масофуғ
11	Жим-даниж	Жимда	Жимад	Зимад
12	Х-т-в-м	Хашум	Хшум	Хшум

¹¹ Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. Избранные произведения. Т. I. Ташкент: Фан, 2015. 139-б.

¹² Абу Райхон Беруний. Тафҳим. Танланган асарлар. Т. VI. Тошкент: Фан, 1975. 130-б.
Абу Райхон Беруний. Тафҳим. Танланган асарлар. Т. VI. Тошкент: Фан, 2006. 118-б.

Наусард ойининг биринчи куни суғдийлар наврўзи бўлиб, катта наврўз (иккинчи Наврўз) ҳисобланади ва ёз ойининг бошига тўғри келади¹². Бу ойининг йигирманчи кунда *ромуш огом*¹³ байрамини нишонлашган, бу байрам уларнинг энг азиз байрами ҳисобланган ва ҳамма қишлоқда кетма-кетликда нишонланган.

Жиржин ойидаги байрамлар ҳақида ҳеч нима берилмаган.

Нисанч ойининг иккинчи куни *моҳиржининг* биринчи кунидир.

Басаканч ойининг еттинчи куни *накаҳ огом* байрами бўлиб, бунда Пойкантида¹⁴ байрам қилинган. Бу ойининг ўн иккинчи куни *моҳиржин* дир. Ўн бешинчи куни эса *амсахвора* байрами нишонланган.

Ашноханада ойининг ўн саккизинчи куни *бобахвора* ёки *бомихвора* куни нишонланади. Йигирма олтинчи *гарм хвора* куни.

Мажиханда ойининг учинчи кундаги *кишимин* байрами Кумужкат қишлоғидаги бозор бўлди. Бу ойининг ўн бешинчи куни эса етти кун бозор Тавовис¹⁵ шаҳрида бўлган.

Фагакон ойининг биринчи куни *ним сарда* яъни “йил ярми” дейилган. Иккинчи кунда ўтказиладиган байрам *ийдихвора* бўлган. Бу ойининг тўққизинчи кунда *тасис огом*, йигирма бешинчи кунда *гарм хворанинг* боши ҳисобланган.

Обонж ойининг тўққизинчи куни *гарм хворанинг* охири ҳисобланган.

Масафуг ойининг бешинчисидан то ўн бешинчисигача байрам бўлиб, кейинги етти кун Шарф шаҳрида мусулмонлар бозори бўлган.

Жомданж ойининг йигирма тўртинчи куни *бод амком* байрами ўтказилган.

Хашивам ойининг охирида Суғд аҳли қадимдан, ўлганларга аза тутиб, форсларнинг *фарвардижонда* қилгани каби ноз-неъматлар тайёрлашадилар ва “ўғирланган”¹⁶ кунлар ёки ортиқча кунларни мана шу ойининг охирига қўшадилар.

¹² Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т. I. Тошкент: Фан, 1968. 279-б.

¹³ Ҳозирги Ромитан бўлиши мумкин. Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. Избранные произведения. Т. I. Ташкент: Фан, 2015. 478-б.

¹⁴ Ўша жойда. Пойканти – илк ўрта асрларда Бухородан 20 км ғарбдаги шаҳар; араб истилосигача у жой савдогарлар шаҳари бўлган. Ҳозирда бу шаҳарнинг харобалари Яккатут қишлоғи ёнида.

¹⁵ *Бамижкас* Бухоро яқинидаги шаҳар. Ибн Хурдадбех. Книга путей и стран. Баку: Элм, 1986. 64-б.

¹⁶ Арабларда “андаржоҳ” – ўғирланган, ўғирлик. 365 бутун ва чорак кунни тўлдириш мақсадида қўшилган кунлар.

Қадимдан Суғд ойларидаги номлари бир хил бўлган кунларда, барча қишлоқларда бозорлар уюштирилган. Бундай бозорлар Бухоро ва Суғд қишлоқларида барпо этилган экан¹⁷.

Абу Райхон Беруний берган маълумотга кўра суғдликлар узок умр кўрувчи халқлардан бири бўлиб, муаллиф бундай хабарни солиқ тўловчиларнинг ҳикоялари ва ахборотларидан олган.

“Тафҳим” асарида келтирилган Суғд мажусийларининг машҳур кунлари қуйидагилар:

Агомалар – деб номланувчи миллий байрамлари бор, лекин у ҳақида маълумот йўқ. Бухоро аҳли Суғд ойларига мос ҳолда биринчи ва иккинчи деб аташган. Кейинги икки ойда биринчи ва иккинчи *махизаж* деб аталувчи бозор уюштирилган. Беруний йиғган маълумотларга кўра, бу бозорларда ўғирланган буюмлар сотилган ва тартибсиз бозор бўлган экан. Ушбу бозорлар *нисон* ва *вискан* (*басок*) ойларининг ўн учинчисида уюштирилган экан. Тавовисда *мажиханда* ойининг ўн бешинчисида уюштирилган бозор ҳам катта ва одамлари гавжум бўлиб, етти кун давом этган. Шарфдаги бозор *масофуг* ойининг ярмисидан бошланган¹⁸.

Хазон русумини суғдликлар ишлатишса ҳам аслида бу тохарликларники бўлиб, хазондан ҳаво совийди деб билишган. Билимли кишилар учун хазон *шаҳривар-моҳ* (форсларнинг олтинчи ойи)нинг ўн саккизинчисида, оддий одамлар учун эса *меҳр-моҳ* (форсларнинг еттинчи ойи)нинг иккинчи кунда рўй берган. Бу иккала байрам ҳам узумдан шарбат олишга бағишланади¹⁹.

Абу Райхон Берунийнинг иккала асарида келтирилган ушбу байрам ва машҳур кунлар бир-бирини такрорламасдан, балки бир-бирини тўлдириб келади. Аллома ўзигача етиб келган асарлар, халқларнинг хабарлари ва ривоятларидан кенг фойдаланган, таҳлил қилган, тўлдирган ҳамда уларнинг кўпчилигидан ўз асарларида ҳаволалар келтирган²⁰. Жумладан, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида 63 та муаллифнинг асарларини тилга олган ва улардан ҳаволалар келтирганлигини кўришимиз мумкин²¹. Беруний ёзишича, суғд халқи йил

¹⁷ Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. Избранные произведения. Т. I. Ташкент: Фан, 2015. 236-б.

¹⁸ Абу Райхон Беруний. Тафҳим. Танланган асарлар. Т. VI. Тошкент: Фан, 2006. 119-б.

¹⁹ Абу Райхон Беруний. Тафҳим. Танланган асарлар. Т. VI. Тошкент: Фан, 2006. 131-б.

²⁰ Беруний ва ижтимоий фанлар. Тошкент: Фан, 1973. 130-б.

²¹ Куранбаева У. Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий асарлари ва уларда фойдаланилган манбалар (“Осор ал-бокия” мисолида) / Ёш олимлар ахборотномаси. 2019. № 2. 63–68-бетлар.

давонида юкорида келтирилган байрамлардан ташқари яна бир қанча бошқа байрамларни ҳам нишонлаган экан. Байрам кунлари билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ва маросимлари бу ҳудуднинг Ўрта Осиёни қадимий зироатчилик марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Айниқса, олимнинг исломгача бўлган даврдаги суғд аҳлининг қадимий динлардан бирига эътиқоди²², ой ва кун номлари, байрам-у маросимлари тўғрисидаги маълумотлари қимматлидир. Бу эса ўз навбатида, Суғд қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Беруний асарлари илк ўрта аср халқларининг, жумладан, Суғд давлатининг ижтимоий тарихини ўрганиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА СУҒД ТАРИХИ

Ушбу мақолада Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Тафҳим” асарлари Суғд тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўташи унда мужассамлашган маълумотлар тахлили асосида ёритилган. Бунда Беруний асарларида келтирилган суғдликларнинг ой ва кун номлари, шу кунларда ўтказиладиган байрамлар ҳамда машҳур кунлар солиштирилиб, ўрганилган.

Калит сўзлар: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Тафҳим”, Суғд, зардуштийлик, машҳур кунлар, байрамлар, цивилизация.

У. КУРАНБАЕВА

ИСТОРИЯ СОГДА В ТРУДАХ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ

Данная статья посвящена рассмотрению истории Согда в трудах Абу Райхана Беруни «Памятники минувших поколений» и «Тафхим». Здесь сравниваются и анализируются названия месяцев и дней, а также отмечаемые праздники и знаменательные дни согдийцев, приведенные в трудах Беруни.

²² Розенфельд Б.А., Рожанская М.М., Соколовская З.К. Абу-р-Райхан ал-Бируни. Москва: Наука, 1973. 245–246-бетлар.

Ключевые слова: «Памятники минувших поколений», «Тафхим», Согд, зороастризм, знаменательные дни, праздник, очаг, цивилизация.

U. KURANBAYEVA

THE HISTORY OF SUGHD IN THE WORKS OF ABU RAYHAN BERUNI

This article is devoted to the consideration of the history of Sughda described in the works of Abu Rayhan Beruni "Monuments of past generations" and "Tafhim" as primary sources. Here the names of months and days are compared and analyzed, as well as the holidays and significant days of the Sugdians given in the works of Beruni.

Keywords: "Monuments of past generations", "Tafhim" Sughd, Zoroastrianism, significant days and holidays, hearth of civilization.

Н. МАХКАМОВА

ОТРАЖЕНИЕ ПРОБЛЕМ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ЛИТЕРАТУРЕ 20–30-х гг. XX ВЕКА

Историографический анализ работ, освещающих проблемы народного образования в 20–30-е годы XX века, показывает, что их спектр достаточно широк. Методологической основой литературы этого периода, впрочем, как и всего советского периода, была марксистско-ленинская классовая теория, а отличительной чертой – ярко выраженная апологетика советского строя. «Именно в советский период, – пишет профессор Д.А. Алимова, – история в наибольшей степени стала инструментом политики... Фактически произошло стирание граней между исторической наукой и политической пропагандой. В результате сформировалось ложное историческое сознание общества, усвоенное под влиянием пропаганды и использования ее в учебном процессе, особенно в школе»¹.

В соответствии с идеологической конъюнктурой, в трудах советских историков изучался «опыт борьбы коммунистической партии за построение социалистического общества» в республике, рассматривались вопросы формирования и созидательной деятельности только рабочего класса, колхозников и «рабоче-дехканской» интеллигенции. Все эти процессы излагались только в позитивной динамике. При этом доказывалось, что в первые 20 лет новой власти все другие группы населения были явными (духовенство, национальная интеллигенция) или потенциальными (ремесленники, кустари, торговцы) врагами советского строя².

Однако трудам, изданным в советский период, нельзя давать однозначную оценку. С нашей точки зрения, исследования периода 20–30-х годов XX века следовало бы выделить в отдельную группу.

¹ Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008. С. 97.

² См.: Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917–1937 гг.). Ташкент, 1960. 382 с.; История народного хозяйства Узбекистана. Ташкент, 1962. Т. I. 250 с.; История Узбекской ССР. Ташкент, 1967. Т. II. 707 с.; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, 1974. 768 с.

Этот период был переломным в жизни Туркестана, а затем и Узбекистана, когда решались сложные социально-экономические проблемы, в гигантских масштабах ломались самые глубокие основы старой жизни, шел процесс становления и развития системы школьного и высшего образования. В советской историографии о характере и качестве этой литературы, особенно по рассматриваемой проблеме, утвердилось в целом отрицательное мнение. Ее критиковали за узость проблематики, декларативный характер, поверхностное освещение отдельных текущих вопросов, шаткость методологических позиций. Считалось, что для исследователей проблем народного образования литература 20–30-х годов не представляет особой научной ценности, поскольку в основном представлена статьями практических партийных и хозяйственных работников больше публицистического, чем исследовательского характера и основана на слабой источниковой базе. Ее значение для исторической науки оценивалось только как «определенный вклад в накопление исторических знаний общего характера» по этому периоду. Что же касается крупных работ, которые были изданы в эти годы и о которых никак нельзя было умолчать, то они просто отвергались, поскольку были написаны, как говорилось в историографических обзорах последующих лет, с чуждых марксизму-ленинизму меньшевистских позиций, в них ошибочно трактовались принципиальные вопросы политики советского государства в области культурного строительства, в том числе народного образования, а их авторы, еще не овладевшие ленинской концепцией истории октябрьской революции и рожденного ею советского общества, находились в плену буржуазного объективизма. Такая оценка этой литературы была, по нашему мнению, абсолютно ошибочна, особенно по отношению к литературе 20-х годов.

По нашему мнению, при историографическом анализе проблемы нельзя оценивать научный вклад литературы 20-х и 30-х годов одинаково, так как их характер, методологические принципы, объем информации были далеко не однозначны. Ученые, работавшие в 20-е годы, еще не были поставлены в условия, обязывающие их исследовать несуществующие явления. Именно в эти годы был создан целый ряд серьезных аналитических работ историков, статистиков, экономистов, образованных (а не из выдвиженцев) крупных партийных работников, в которых рассматривались самые острые и животрепещущие проблемы, существующие в сфере народного образования того периода и делались далеко не марксистские выводы. Издание таких работ было возможно потому, что, во-первых, имелись высококвалифицированные

специалисты, привлекавшие для работы обширные статистические и документальные материалы, и, во-вторых, потому, что в 20-е годы в республике еще допускались в научных работах определенный плюрализм мнений и объективная подача материала вне зависимости от политической конъюнктуры, поскольку в науке еще не утвердился методологический классовый подход, допускались нестандартные выводы, обращалось внимание на достоверность фактов, а не на их политическую оценку. Все это, безусловно, положительно сказывалось на научном уровне этих работ и качестве представляемой ими богатой и объективной информации.

Но именно из-за поданных материалов и сделанных по ним выводов, работы историков, равно, как и статистические, и экономические разработки 20-х годов не вписывались в сложившуюся в последующее время в исторической науке марксистскую идеологическую концепцию. Поэтому они и были отвергнуты советской историографией и просто преданы забвению.

Среди работ, изданных по рассматриваемой проблематике в 20-е годы XX в., следует выделить, прежде всего, публикации крупных партийных и государственных деятелей, таких, как А. Икрамов, Ф. Ходжаев, И.А. Зеленский³, в которых уделялось большое внимание проблемам образования в республике. Например, А. Икрамов в докладе на республиканском партийном совещании по народному образованию говорил: «Дальнейшее усиление обороны нашего социалистического отечества, дальнейший рост нашего народного хозяйства, индустриализация Советского Союза невозможны без подъема культуры в стране... Все важнейшие задачи: индустриализация страны, реконструкция ее сельского хозяйства и весь комплекс вопросов социалистического строительства... упираются в вопрос культурной революции, в работу по народному образованию. Этот участок – самое узкое место»⁴. Важность проблемы отмечал и глава правительства республики Ф. Ходжаев. Выступая с отчетным докладом правительства УзССР на II съезде Советов республики 30 марта 1927 г., он подчеркнул, что «разрыв между развертыванием хозяйства и делом культуры с каждым годом

³ Икрамов А. О задачах культурного строительства. Избр. труды. Т. I. Ташкент, 1972; Ходжаев Ф. 10 лет борьбы и строительства. Избранные труды. Ташкент: Фан, 1972. Т. II.; Зеленский И.А. Об итогах проведения национальной политики в Средней Азии. Самарканд, 1927; Его же. В борьбе за культуру // За партию. 1928 г.

⁴ Икрамов А. О задачах культурной революции. Избранные труды. Т. I. С. 411.

ощущается все болезненнее»⁵. В его публикациях 20-х годов делался акцент на необходимости постоянного увеличения ассигнований на народное образование. В своих выступлениях и статьях Ф. Ходжаев приводил данные, свидетельствующие о том, что «...динамика ассигнований на народное просвещение идет в развивающемся темпе с перенесением центра тяжести на местный бюджет»⁶.

Но надо отметить, что публикации крупных партийных и государственных деятелей в 20-х годах представляли собой тексты их выступлений, докладов на крупных партийных совещаниях и разного рода советских форумах. Это, безусловно, накладывало отпечаток на содержание и подачу фактического материала. Но они ценны тем, что их авторы были современниками и непосредственными участниками описываемых событий, а пребывание их на ведущих должностях в партийном и советском руководстве давало возможность работать непосредственно с первоисточниками.

Целый ряд общественных деятелей и представителей национальной интеллигенции в своих работах 20-х годов отвергали тезис о крайне низком образовательном уровне местного населения, осуждали развернувшиеся особенно в первые годы советской власти гонения против религиозных школ и мусульманского духовенства, подчеркивали необходимость повсеместного учета национальных традиций и обычаев в процессе проведения реформ в системе народного образования⁷. Они считали, что к вопросу привлечения детей представителей коренных национальностей к обучению в новой советской школе следует относиться очень осторожно. По свидетельству Ш. Рахими, коренное население еще не было столь развито, чтобы понимать значение новой советской школы, а потому предпочитало традиционную старую школу⁸.

В первые годы советской власти очень остро стоял вопрос нехватки кадров для системы народного образования. Патриотически настроенные национальные лидеры, работавшие в правительстве рес-

⁵ Ходжаев Ф. Отчет правительства УзССР на II съезде Советов республики 30 марта 1927 г. Избр. Труды. Т. II. С. 214.

⁶ Там же. С. 262.

⁷ Чулпон А. Булоқлар. Ташкент, 1922; Фитрат А. Темур соғанасию. – Ташкент, 1922; Рахимий Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922. № 2; Его же. Состояние узбекского просвещения в прошлом и теперь. Ташкент, 1928; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Ташкент, 1925 и др.

⁸ Рахими Ш. Указ. статья. С. 43.

публики, Т. Рыскулов, К. Атабаев, С. Турсунходжаев, И. Хидыралиев, А. Рахимбаев, Н. Тюракулов, Ф. Ходжаев, А. Фитрат и др., несмотря на негативное отношение большевиков-европейцев, активно выступали за привлечение национальной интеллигенции к строительству новой жизни. Это они подчеркивали в своих работах и выступлениях и именно благодаря их стараниям национальные кадры специалистов получали возможность служить своему народу, работая в системе народного образования, культурно-просветительных учреждениях, органах печати.

Именно в эти годы начали издаваться на узбекском языке интересные журналы и газеты – «Илм ва маориф», «НАҚИҚАТ», «Ишчилар дунъёси», «Болалар дунъёси», «Инқилоб», «Билим учоғи», «Ўзгариш ёшлар», «Иштракцион», «Ишчилар калкони», «Озод Бухоро», «Озод Фарғона» и др. В журналистском корпусе этого периода, наряду с такими известными авторами, как М. Бехбуди, А. Фитрат, А. Чулпон, А. Авлони, А. Кодир, Ш. Рахими, Х. Ниёзи и др., появляются молодые журналисты – Усмонхон Эшонходжаев, Косим Сорокин, Наим Соип, Мирмухсин Шермухамедов, Зиё Саид, Комилжон Олимов, Маннон Рамзи, Рахим Иномов, Абдулхай Тожиев, Али Исмоилзода, Ходжи Муин Шукрулаев и др. На страницах газет и журналов, а также в специальных работах они поднимали такие животрепещущие вопросы, как развитие и реформирование языка, проблемы молодежи, перспективы развития народного образования, узбекской культуры⁹ и др.

В целом как исторический источник по проблеме становления и развития народного образования в Узбекистане в 20–30-е годы, периодическая печать этих лет представляет большой интерес для исследователей. Характерной чертой публикаций этого периода является качество их информации, поскольку еще не начала в полную силу работать пропагандистская машина идеологических работников, фильтрующая информацию с целью приукрашивания результатов деятельности советской власти.

⁹ Имло хакида биринчи кенгаш ўтириши // Қизил байроқ. 1921, 11 январь; Чулпон А. Тилимизнинг ишланиши // Туркистон. 1923, 11 апрель; Рахимий Ш. Мактаб тузалиши ишида халқнинг ёрдами // Илм ва маориф. 1922. № 2; Его же. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922. № 2; Ниёзий Х. Озод тарбия // Таълим тарбия. 1923. № 21; Уйгур С. Турмуш тузишда мактабнинг роли // Маориф ва ўқитувчи. 1926. № 2; Амрико мактаблари // Маориф ва ўқитувчи. 1925. № 2; Фитрат А. Темур сағанаси. Тошкент, 1922; Чулпон А. Булоқлар. Тошкент, 1922; Зафарий Г. Шарк қуйлари ва чолғулари // Инқилоб. 1922. № 3; Матбуотимиз фидойлари. Тошкент, 1923. С. 30–43.

Наряду с публикациями крупных партийных и советских деятелей, в указанный период были изданы первые монографические исследования, забытые в последующий период, в которых предпринимается попытка обобщить опыт школьного строительства и развития системы высшего образования в республике в эти годы. Например, в работах З.Д. Ефанова, П.И. Сербского и А.Д. Никифорова, К.Е. Бердникова анализируется исходный уровень культурного и образовательного состояния народов региона, рассматриваются отдельные аспекты становления и развития в крае системы народного образования, особо акцентируется внимание на проблеме подготовки педагогических кадров¹⁰.

В указанные годы также появился ряд работ, рассматривающих и проблемы становления высшего образования в республике, которые в 20-е годы XX века имели свою специфику. Прежде всего, в Туркестане до революции не было ни одного высшего учебного заведения, поэтому сеть вузов надо было строить на пустом месте. Этим вопросам уделяли большое внимание в своих исследованиях такие авторы, как Г. Черданцев, К. Овсянников, П.А. Баранов, М.В. Яроцкий. В их работах анализировались многочисленные экстремистские эксперименты новой власти в системе высшего образования, проблемы формирования внутренней структуры создаваемых высших учебных заведений, уделялось большое внимание идеологической направленности преподаваемых дисциплин, подвергалась жесткой критике система набора в вузы, классовая направленность которой закрывала двери высших учебных заведений перед действительно талантливой молодежью. Большое внимание в этих работах уделялось и проблеме национального состава обучающегося студенчества, так как в нем численность представителей коренного населения края была очень низкой, а также крайне остро стоявшему вопросу подготовки кадров преподавателей¹¹.

По мере продвижения вперед процесса строительства социалистического общества в Узбекистане меняется не только экономическая, социальная, политическая, но и идеологическая ситуация. В связи

¹⁰ Ефанов З.Д. На фронте просвещения. Ташкент, 1924; Сербский П.И., Никифоров А.Д. Народное просвещение в Узбекистане. Самарканд – Ташкент, 1927; Бердников К.Е. Очерки народного образования в Туркестане. Москва, 1960.

¹¹ Черданцев Г. К истории первых лет Туркестанского университета (1918–1922 гг.) // Наука и просвещение. 1922. № 2; Овсянников К. Классовая борьба в высшей школе. Москва, 1931; Баранов П.А. Среднеазиатский университет. Исторический очерк. Ташкент, 1927; Яроцкий М.В. Итоги и перспективы Среднеазиатского государственного университета // Бюллетень САГУ. Вып. 20. Ташкент, 1935.

с этим историческая наука становится все более политизированной, окончательно утверждаются идейные позиции марксистско-ленинской концепции классового подхода к изучаемым процессам и явлениям. Был изжит плюрализм мнений, вся политика советской власти стала освещаться исключительно в позитивном плане, история стала приукрашиваться и деформироваться. Поэтому литература 30-х годов довольно резко отличается от литературы предыдущего периода. Она ярко отразила все происходившие в республике перемены. В связи с тем, что уже шел разгром старых научных кадров, а новые молодые ученые только еще входили в науку, аналитические возможности которой были к тому же крайне ограничены идеологическим диктатом власти, в эти годы практически не было создано ни одного крупного исследования по социально-экономической проблематике. Изданные в эти годы работы носили или обзорный характер достижений в строительстве социализма в республике¹², или же были откровенно политизированными, оправдывающими политику «поиска врага» в рядах интеллигенции¹³.

Нагнетание подозрительности и страха, выискивание врага, идеологический прессинг создавали особую атмосферу, которая нашла свое отражение и в публикациях, посвященных проблемам народного образования. Характерны в этом плане названия работ тех лет. Так, В. Нарышкин опубликовал в 1931 г. статью «Борьба с ползучими (национальными) уклонами в вопросах политехнизации школ Узбекистана». В брошюре П. Галузо «О школах», изданной в 1933 г., выделена глава «Классовая борьба за школу и красную чайхану». В этих публикациях подверглось жесткой критике руководство Наркомпроса республики за отсутствие борьбы со «всякого рода чуждыми элементами», якобы

¹² Валиев А.Э. Подготовка национальных пролетарских кадров в Узбекистане. Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1934. 65 с.; Знатные учителя Узбекистана. Сборник статей. Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1937. 75 с.; Народное образование Узбекской ССР за 15 лет (1924–1939). Сборник статей. Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1939. 60 с.; Наука в Узбекистане за 15 лет (1924–1939). Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1939. 70 с. и др.

¹³ Шпедт А.Ф. Чистка советского аппарата в Средней Азии. Москва – Ташкент: Госиздательство Уз ССР, 1931. 47 с.; Катанян Р. Против Касымова – против касымовщины (Речь государственного обвинителя по делу судебных работников Узбекистана). Ташкент: Госиздательство Уз ССР, 1931. 125 с.; Его же. Бадретдиновщина (Речь государственного обвинителя по делу прокурорско-следственных работников Узбекистана). Ташкент – Самарканд: Госиздательство Уз ССР, 1932. 120 с.; Байбулатов Д. Чагатаизм-пантюркизм в узбекской литературе. Москва – Ташкент: Объединенное госиздательство. Среднеазиатское отделение, 1932. 39 с. и др.

проникающими в учебные заведения, подчеркивалась необходимость чистки педагогических кадров¹⁴.

В 30-е годы XX века в культурной жизни республики очень четко проявлялась тенденция русификации, что нашло свое отражение и в литературе периода, где прослеживалось стремление утвердить миф о том, что подлинная культура узбекского народа начала складываться лишь после «победы Великого Октября». И. Штерн в своем исследовании «Социалистическая культура узбекского народа» утверждал, что до революции национальная интеллигенция как таковая в Туркестане отсутствовала, духовная жизнь находилась в «зачаточном состоянии», «живительный импульс ее пробуждению придала октябрьская революция», свершившаяся при «руководящей роли русского пролетариата»¹⁵. В работе И. Штерна была сделана попытка подытожить результаты культурных преобразований в Узбекистане, в том числе развития системы народного образования.

На этом фоне несколько выделялась работа бывшего руководителя Наркомпроса Т. Жургенова, в которой положительно оценивалась просветительская деятельность джадидской интеллигенции, говорилось об авторитете среди местного населения новометодных школ, за что впоследствии автор был обвинен в национализме¹⁶.

Так же можно охарактеризовать изданные в 30-е годы статистические материалы. Они отличаются от изданий 20-х годов резко суженным кругом исследуемых вопросов, качеством и объемом информации. Все они, как правило, несут обобщенную информацию об образовании и культуре в целом¹⁷ и не дают объективного представления о периоде.

Таким образом, проведенный историографический анализ литературы по проблемам народного образования, изданной в 20–30-е годы

¹⁴ Нарышкин В. Борьба с ползучими (национальными) уклонами в вопросах политехнизации школ Узбекистана // За коммунистическое просвещение. 1931. № 3; Галузо П. О школах. Ташкент, 1933.

¹⁵ Штерн И. Социалистическая культура узбекского народа. Ташкент, 1938. С. 68–69.

¹⁶ Жургенов Т. Строительство социализма и культурная революция в Узбекистане. Ташкент, 1932.

¹⁷ Средняя Азия в цифрах. Ташкент, 1931; Труд в Средней Азии между XVI и XVII съездами ВКП (б) Москва – Ташкент, 1934; Краткий статистический справочник Уз ССР. Основные показатели развития хозяйства и культуры Уз ССР за 1913, 1924, 1928, 1932, 1935 гг., Ташкент, 1936; Краткий статистический справочник Уз ССР. Основные показатели развития хозяйства и культуры Уз ССР за 1933, 1934, 1935 гг. и предварительные данные за 1936 г. Ташкент, 1936; Узбекистан за XV лет. Ташкент. 1939.

XX века, позволяет нам сделать вывод о том, что, вопреки сложившемуся мнению, ее нельзя рассматривать как единый историографический комплекс, созданный в переходный период становления советского государства, и нельзя одинаково оценивать ее вклад в развитие исторической науки.

Если работы 20-х годов носят объективный и весьма репрезентативный характер, что позволяет с достаточной полнотой анализировать процессы, происходившие в системе народного образования в республике в этот период, то работы 30-х годов, отражая политическую и идеологическую ситуацию, не только не способствуют этому, а, наоборот, дают искаженное о них представление. Именно в эти годы начала складываться необъективная деформированная историография в советской исторической науке с позиций классового подхода к изучаемым процессам и явлениям.

В целом же в литературе периода 20–30-х годов рассматривались и анализировались такие вопросы, как исходный уровень культуры, трудности и специфика развития системы народного образования в национальных республиках, формирование системы подготовки кадров, что, пожалуй, являлось самой тяжелой проблемой, а также привлечения в светские школы юношей и девушек местных национальностей и т.д.

Н. МАХКАМОВА

ОТРАЖЕНИЕ ПРОБЛЕМ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ЛИТЕРАТУРЕ 20-30-х гг. XX ВЕКА

В данной статье рассматривается оценка в литературе периода проблем народного образования Узбекистана в 20–30-е гг. XX в. В ней рассматривались и анализировались такие вопросы, как исходный уровень культуры, специфические особенности развития системы народного образования в национальных республиках, проблемы с кадрами, состояние светских школ и вопросы привлечения в них молодежи из местных национальностей. Особый акцент в статье делается на том, что литературу 20–30-х гг. нельзя рассматривать как единый историографический комплекс, созданный в переходный период становления советского государства и нельзя одинаково оценивать ее вклад в развитие исторической науки

Ключевые слова: идеология, историография, народное образование, высшее образование, просвещение, интеллигенция, кадры, плюрализм, периодическая печать, русификация.

Н. МАХКАМОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИНГ XX АСР 20–30-ЙИЛЛАР АДАБИЁТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Ушбу мақолада XX асрнинг 20–30-йиллар адабиётларида Ўзбекистонда халқ таълими масалаларининг ифодаси ўрганилган. Бу давр адабиётларида аҳоли маданият даражаси, миллий республикаларда халқ таълими ривожининг ўзига хос хусусиятлари, кадрлар тайёрлашдаги муаммолар, дунёвий мактабларнинг ҳолати ва уларга маҳаллий ёшларнинг жалб қилиниши каби масалаларнинг ёритилиши таҳлил қилинган. Мақолада 20–30-йиллар совет давлатининг шаклланаётган даврида яратилган адабиётларга яхлит тарихшунослик объекти сифатида ёндошмасликка алоҳида урғу берилган, уларнинг тарих фани ривожигаги ўрнини бир хилда баҳолаб бўлмаслиги ҳақидаги хулосага келинган.

Калит сўзлар: мафкура, тарихшунослик, халқ таълими, олий таълим, маориф, зиёлилар, кадрлар, даврий матбуот, руслаштириш.

N. MAKHKAMOVA

**THE REFLECTION OF PROBLEMS OF PUBLIC EDUCATION
OF UZBEKISTAN IN THE 20–30TH OF THE XX CENTURY IN
THE LITERATURE OF THE THAT PERIOD**

This article discusses the assessment in the literature of the period problems of public education in Uzbekistan in the 20–30 of the XX century. It considered and analyzed such issues as the initial level of culture, the specific features of the development of the public education system in national republics, problems with cadres, the condition of secular schools and the issues of attracting young people from local nationalities to the country. Particular emphasis is placed on the fact that the literature of the 20–30 cannot be regarded as a single historiographic complex created during the transitional period of the formation of the Soviet state that is impossible to equally evaluate of its contribution to the development of historical science.

Keywords: ideology, historiography, public education, high school education, enlightenment, intelligentsiya, cadres, pluralism, periodicals, Russification.

*Тарихда шахслар***О. МУҲАММАДИЕВ****АЛОУДДИН АЛ-УСМАНДИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ –
МОТУРИДИЙЛИК МАКТАБИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ**

Мовароуннаҳр Ўрта Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий жиҳатдан тараққий этган маркази ҳисобланган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шош, Термиз каби марказларда бир неча мадрасаларга асос солиниб, илм-фаннинг турли соҳалари ривожланган. Маҳаллий аҳолининг ислом дини ва араб тилини ўрганишга иштиёқи ошиб, бу жараён Куръони Карим илмлари, фикҳ, ҳадис, аниқ ва табиий фанлар тараққиётининг энг юқори чўққисига чиқарган. Бу эса ўз навбатида илмнинг турли соҳаларида ўз ижодий фаолиятларини олиб борган бир қанча фақиҳ, муҳаддис, каломшунос ва қомусий алломаларнинг Шарқ заминида етишиб чиқишига туртки бўлди.

VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда дунёвий фанлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, ақида илми соҳасида фаолият кўрсатган кўплаб йирик олимлар яшаб ўтишган. Бу заминда туғилиб камол топган мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган хиссаси неча асрларки эътироф этилиб, ўрганилмоқда.

Марказий осиелик фақиҳларнинг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуқи, айниқса, ҳанафий мазҳаби ривожига йўлида салмоқли хизматлар қилиб, ўзларидан барҳаёт асарлар қолдирганлар.

Мовароуннаҳр тарихи, маданияти ва маънавиятини юксак даражага кўтаришда самарқандлик алломаларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлган. Бу соҳада нафақат Самарқанд шаҳри балки, унга қарашли бир қанча қишлоқларидан етишиб чиққан муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим ва дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган алломаларни ҳам тилга олиш мумкин.

Самарқанд қишлоқларида яшаб илмий фаолият олиб борган жуда кўп алломаларнинг номлари аниқланган. Самарқандга қарашли қишлоқлардан чиққан олимлар ҳаёти ва фаолиятларини тадқиқ этиш Самарқанд тарихи, ислом илмлари ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай алломалардан бири, ўз даврининг етакчи фақих ва мутакаллим олими, мутафаккир **Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий**дир. Аллома ўзидан кейин ҳозирги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган улкан илмий мерос қолдирди. Хусусан, унинг қаламига мансуб *“Лубоб ал-калом”*, *“Тариқат ал-хилоф байн ал-аслоф”*, *“Базл ан-назар фи ал-усул”*, *“Ҳаср ал-масоил ва қаср ад-далоил”* ва *“Мухталаф ар-ривоя”* асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Олимнинг тўлиқ исми – Абу-л-Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн Умар ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Усмандий ас-Самарқандий бўлиб, туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда “Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган”¹ – деб келтирилса, кўпчилик манбаларда “У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири *“Усманд”*да таваллуд топиб, 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган”² – дейилади.

Табакот асарларида Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Ҳамза ал-Усмандий Самарқанд ахлидан бўлиб *“Оламнинг устуни”* (*“ал-Ало ал-олам”*) сифати билан машҳурдир³, деб келтирилади.

Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг *“Асманд”*⁴ ёки *“Усманд”*⁵ деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. Баъзи олимлар бу жой *“Асманд”* деб номланган ва алломанинг нисбати Асмандий⁶ бўлган, деб келтиришса, бошқалари қишлоқнинг номини *“Усманд”*, яна баъзилари эса *“Саманд”* шаклида баён этганлар.

Аллома Самарқанднинг *“Усманд”* қишлоғида туғилгани ёки оиласи мазкур қишлоқдан бўлгани учун Усмандий нисбаси билан танилган.

Ҳозирда Жиззах вилояти ҳудудидаги Бахмал туман (1994 йилдан) марказининг Усмат номи билан юритилиши масалага бир қадар ойдинлик киритади.

¹ Атаев М. Жиззах алломалари. Тошкент: Adib, 2014. 85-б.

² Кураший. ал-Жавохир ал-музийя. Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993. Т. 2. 74-б.

³ Абу Саъд Абду-л-Карим ас-Самъоний. Насабнома. (Арабчадан Абдулғаффор Раззоқ таржимаси). Ж. 1. Бухоро: Бухоро, 1999. 156-б.

⁴ Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон.

⁵ Самъоний. ал-Ансоб / Кураший. ал-Жавохир ал-музийя / Ибн ал-Асир. Лубоб.

⁶ Каранг: Абдуллох Абд ал-Ҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари комуси. Тошкент: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази, 2007. 35-б.

“Усманд” атамаси вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида *“Усмат”*га айланган. Буни вилоят марказидан 70 км⁷ узоқликда жойлашган шу номли шаҳарча ҳамда туман марказида, Қўрғонтепа пойида *“Усмат Ота”* зиёратгоҳининг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бахмаллик ёзувчи Саййид Азим тарихчи олимлар Олимжон Жўраев ва Жалолоддин Жўраев фикрига таяниб, Усмат ота қабрини ўсматлик машҳур фақих, ўз даврида шариат қонунларининг йирик билимдони ҳисобланган Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий номи билан боғлайди⁸.

Аллома туғилган жойга қараб унга *ал-Асмандий* ёки *ал-Усмандий* нисбасининг берилишида ҳам ихтилофлар мавжуд. Юқорида келтирилганидек, баъзи манбаларда унга *ал-Асмандий* деб нисбат берилса, кўпчилик манбаларда *ал-Усмандий* (араб тилида биринчи харфи ҳамзали алиф заммали ўқилади)⁹ деб келтирилган.

Алломанинг отаси – Абд ал-Ҳамид ибн Умар ал-Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва мохир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган. Тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Абд ал-Ҳамид ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тохир ал-Усмандий бўлиб, манбаларда унинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина ёзиб қўйилган. Унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, ҳаттоки туғилган ёки вафот этган йиллари ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган¹⁰.

Кўпчилик манбаларда аллома отасининг исми Абд ал-Ҳамид, баъзисида Абд ал-Мажид ёки Абд ар-Рашид шаклида қайд этилган. Баъзи табакот муаллифларининг ал-Усмандий ўрнига ар-Розий нисбасини қўллаганликлари ҳамда Абу Ҳомид, Абу Бакр каби куняларни зикр этганликлари истинсох (нусха кўчириш)даги хато туфайли юзага келганлигини айтишимиз мумкин. Отасининг исми ва кунясидаги тартибсизлик сабабидан Каҳҳола ўзининг *“Муъжам ал-муаллифийн”* асарида бу исм билан иккита алоҳида кишини зикр этиб келтирган¹¹.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 9. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. 134-б.

⁸ Ога Бургутли (Қорабоев С.). Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Тошкент: Фан, 2008. 11-б.

⁹ Абу Саъд Абду-л-Карим Самъоний. ал-Ансоб. / Кураший. ал-Жавохир ал-музийя. Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993.

¹⁰ Атаев М. Жиззах алломалари. Тошкент, Adib, 2014. 74-б.

¹¹ Умар Ризо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифийн. Ж. 2. 387, 409-бетлар.

Аллома отасининг кучли муҳаддис ва ҳадис ровийси бўлганлиги ёш Алоуддиннинг ўзига хос илмий муҳитда камол топганлигига далил қилади ҳамда келажакда ўз даврининг етук фақиҳи ва мунозарачи олими бўлиб етишишига мустаҳкам замин яратган эди.

Алоуддин Усмандийнинг ҳаёти ва илмий мероси асосан хорижий олимлар, жумладан, немис олими – Карл Броккельман¹², турк олими – доктор Муҳаммад Саид Узерварли¹³, араб олимлари – Муҳаммад Закий Абдулбарр¹⁴, Шайх Аҳмад Фарид ал-Мазидий¹⁵, Доктор Навзат Содик Сулаймон¹⁶, Др. Абдурраҳмон ибн Муборак ал-Фараж¹⁷, Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд томонларидан ўрганилган¹⁸.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан алломанинг ҳаёти ва илмий мероси устида махсус тадқиқот олиб борилмаган. Алоуддин Усмандий ҳақида проф. Убайдулла Уватов, Саидмухтор Окилов¹⁹ ва Муслим Атаевлар²⁰ томонидан ёзилган илмий мақола, китоб ва диссертацияларда қисқа библиографик кўринишдаги маълумотлар берилган холос.

Абд ал-Карим ас-Самъоний, Ибн Аби-л-Вафо ал-Кураший, Абдулхай ал-Лакнавий, Хайруддин аз-Зириклий ва ас-Сафадий каби табакот ва тарожим муаллифлари асарларида ҳам асосан Алоуддин

¹² Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. No. 441, 10. S. 111 / 1221.

¹³ Узерварли Др. Муҳаммад Саид. Алоуддин Усмандий ва унинг Лубоб ал-калом асари. Истанбул: Исам яйинлари, 2005.

¹⁴ Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Усмандий. Тарикат ал-хилоф фи ал-фикх байн ал-аиммат ал-аслаф. Др. Муҳаммад Закий Абдулбарр таҳқиқи ва тадқиқи. Қоҳира: Дору-т-турос, 2-нашр, 2007.

¹⁵ Алоу-л-олам Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий ал-Ҳанафий. Базл ан-назари фи усул ал-фикх. Шайх Аҳмад Фарид Мазидий таҳқиқи. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2015.

¹⁶ Шайх Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ас-Самарқандий. ал-Мийзон фи усул ал-фикх. Др. Навзат Содик Сулаймон таҳқиқи. Уммон: Дор Дажла, 2009.

¹⁷ Абу Лайс ас-Самарқандий. Мухталаф ар-ривоя. Алоу-л-Олам ас-Самарқандий ривояти ва тартиби. Др. Абдурраҳмон ибн Муборак ал-Фараж таҳқиқи. Байрут: Мактаба ар-рушд, 2005.

¹⁸ Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Абу ал-Фатҳ Ал-Усмандий ас-Самарқандий. Тарикат ал-хилоф байн ал-аслоф. Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳқиқи. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1992.

¹⁹ Окилов С. Абул Муъин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. Монография. Тошкент: 2008 / Окилов С. Мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. Монография. Тошкент: 2012.

²⁰ Атаев М. Жиззах алломалари. Тошкент: Adib, 2014.

ал-Усмандийнинг таваллуд топган ва вафот йиллари, Самарқанд ахлидан эканлиги, ўз даврининг кучли мунозарачи ва факих олими бўлганлиги ҳақидаги қисқа маълумотларни учратиш мумкин.

Ёзма манбаларда Алоуддиннинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган. Фақат унинг 64 йил умр кўриб, 552/1157 йилда (баъзи манбаларда Бухорода) вафот этганлиги қайд этилади²¹, холос.

Аксар тарихчи олимларнинг асарларида алломанинг илм талабида кўплаб мамлакатларга сафар қилганлиги ҳақида ҳам қайд этилади. Абу Саъд Абд ал-Карим ас-Самъонийнинг таъкидлашича, Муҳаммад ибн Абд ал-Карим аш-Шахристоний аллома билан Марвда бир неча бор учрашган. Бундан ташқари, Усмандийнинг Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий, Абу-л-Муъийн ан-Нашвоний, Алоуддин ас-Самарқандий ва Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Собуний каби мотуридия мазҳабининг йирик намояндалари билан ҳамаср бўлиб яшаганлиги ҳақида келтирилади²².

Таникли араб олими Абу-л-Вафо ал-Кураший ўзининг *“ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя”* (*“Ҳанафий уламолар таржимаи ҳолларидаги ёрқин жавҳарлар”*) асарида келтиришича, аллома 552/1157 йилда Бағдодга Шамс ибн Ҳисом ибн Бурҳон²³ билан биргаликда муборак ҳаж ибодатини адо этиб қайтган²⁴.

Алломанинг таржимаи ҳоли кўпгина табақот асарларида зикр этилган, жумладан:

- Ас-Сафадийнинг *“ал-Вофий би-л-вафаёт”* (Ж. 1. – Б. 385);
- Абд ал-Карим ас-Самъонийнинг *“ал-Ансоб”* (Ж. 1. – Б. 156);
- Жалолуддин ас-Суютийнинг *“Табақот ал-муфассирийн”* (Ж. 1. / – Б. 92);
- Шамсуддин аз-Заҳабийнинг *“Тарих ал-ислом”* (Ж. 1. – Б. 3859);
- Ал-Адирнавийнинг *“Табақот ал-муфассирийн”* (Ж. 1. – Б. 186);
- Ибн Кутлубуғонинг *“Тоғж ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя”* (1 / – Б. 19);
- Хайруддин аз-Зириклийнинг *“ал-Аълум”* (Ж. 6. – Б. 187);

²¹ Узерварли Др. Муҳаммад Саид. Алоуддин Усмандий ва унинг Лубоб ал-калом асари. Истанбул: Isam yayinlari, 2005. 19-б.

²² Ўша асар, ўша бет.

²³ Тўлик исми – Шамсуддин Абу Жаъфар ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Моза. Устози “Бурҳон ал-аймма” лақаби билан машҳур Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийнинг ўгли (У ҳаж сафари ҳақида китоб ёзган. 2013 йилда Эронда нашр этилди. Ягона нусха асосида, қўлёзмаси Душанбеда сақланади).

²⁴ Кураший. ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж. 2. Байрут: Муассасат ар-рисола, 1993. 114-б.

– Умар Ризо Каҳҳоланинг “Муъжам ал-муаллифийн” (Ж. 10. – Б. 130);

– Абдулхай ал-Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-баҳийя” (– Б. 2).

Алоуддин ал-Усмандий ўз илмий фаолиятини асосан, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида олиб борган бўлиб, шунингдек, ўша даврдаги кўпчилик замондошлари каби илм талабида кўпгина мамлакатларга сафар қилган.

Манбаларда унинг Ҳижоз мамлакатларига, хусусан, ҳаж ибодатини адо этиш мақсадида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага сафар қилганлиги, қайтишда Бағдод, Марв ва шу каби ўша даврнинг кўзга кўринган илм ўчоқларига бориб уламолар билан турли масалалар бўйича илмий баҳс-мунозараларда иштирок этганлиги қайд этилган.

Манбаларда келтирилишича, аллома фикҳ илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавийдан олган. Имом Ашраф ал-Алавий эса фикҳ бўйича таълимни отаси Абу-л-Ваззоҳ Муҳаммад ал-Алавийдан, у эса отаси Абу Шужоъ ал-Алавийдан олган ҳамда ундан ҳадис ривоят қилган.

Ас-Самъоний “аз-Зайл” асарида зикр қилишича, у ҳақда Марв козиси Қози Муҳаммад ибн Утба ас-Сойиғий ривоят қилган²⁵. Имом Ашраф ал-Алавийнинг отаси Самарқанддаги Қусам ибн Аббос розияллоху анху мадрасаси²⁶да таҳсил олган. Ҳижозга сафар қилиб, Бағдодга хожи бўлиб келган ва Самарқандга қайтиб умрининг охиригача дарс бериш ва илмни ёйиш билан шуғулланган. 491/1098 йилнинг шаввол ойида 54 ёшида вафот қилган ва Самарқанддаги машҳур “Чокардиза” қабристониде дафн этилган²⁷.

Маълумотларга кўра, улуғ алломалар дафн этилган Чокардиза (баъзи манбаларда Жакардиза, Шакаржизза деб ҳам аталади) қабристони X–XI асрларда пайдо бўлиб, Самарқанднинг жануби-ғарбида жойлашган. Тарихчи Комилжон Каттаевнинг таъкидлашига қараганда, бир вақтлар ўша ерда ҳарбий истехком-қалъа бўлган. Чокардиза номи

²⁵ Самъоний. Ийзоҳ ал-макнун фи аз-зайли алаа Кашф аз-зунун. 177-б.

²⁶ Бир ривоятга кўра, ҳазрат Қусам Ширинкет (Самарқанд музофоти) деган мавзёда шахид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидан кечириб ўтказиб, Бану Ножиё қабристониде кўмдилар. Султон Санжар Мозий (1118–1157) замонасида ўша қабристонда “Қусамия” аталган бир мадраса солинган эди. У Мадраса Самарқанд кўрғони ўрнига тепа устида, Оби машҳад ариғининг яқинида, кунботар томонида эди. Ҳозирда ундан бир нишона колмагандир. Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. Тошкент: Камалак, 1991. 30-б.

²⁷ Ўша асар.

хам шундан келиб чиққан. *Чокар* – *лашкар*, *диза* – *қалъа* дегани. Шу мавзедан Чокардиза ариғи ҳам ўтган²⁸.

Шомийнинг (Ибн Обидийн) “*ар-Раодд ал-мухтор*” асарида келтирилишича, бу қабристонга 400 га яқин Муҳаммад номли фақиҳлар дафн этилганлиги учун “*Турбат ал-Муҳамма-дийийн*” (“*Муҳаммадийлар қабристони*”) номи билан машҳур бўлган²⁹.

Шунингдек, манбаларда алломанинг Али ибн Умар ал-Харротдан ҳадис тинглаганлиги ҳақида келтирилади.

Алоуддин Усмандий ҳадис борасидаги илмларини “*Садр аш-шаҳид*” лақаби билан машҳур бўлган Ҳусомиддин Умар ибн Абд ал-Азиз ибн Моза ал-Бухорий³⁰дан ўрганган. Аллома устозининг “*Шаҳид*” деб номланишига сабаб, 536/1141 йил Султон Санжар ва қорахитой Гурхон орасида рўй берган “*Қатавон*” жангида қатнашиб, унда Султон Санжар мағлубияти туфайли душман қорахитой Гурхон кўлидан вафот топади³¹. Шу сабабли, у шаҳидлик мартабасига эришади. Ушбу жангда уламолардан бир жамоаси ўлдирилган бўлиб, аксар олимлар томонидан уларга “шаҳид” даражаси берилган. *Ҳисом аш-шаҳид*, *Садр аш-шаҳид*, *Саффор аш-шаҳид*³² кабилар шулар жумласидандир.

Алоуддин ал-Усмандий қатор исломий илмларда, айниқса, фикх, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган *илму-л-хилоф* бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқуллода салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида “*ал-Ало ал-олам*”³³ (“*Оламнинг устуни*”),

²⁸ Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Таржимон, сўзбоши, изох ва луғат муаллифи К. Катгаев. 76-б.

²⁹ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. 10-б.

³⁰ Ҳисомуддин Садр аш-шаҳид Умар ибн Абд ал-Азиз (1091–1142) усул ва фуруъ бўйича ханафий мазҳаби имомларидан бўлган. У маъқул ва манкул бўйича даврининг буюк олимларидан бўлиб, илмул хилоф ва мазҳаб муаммолари соҳасида катта салоҳиятли олим бўлган. Аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг буюк устозларидан бири бўлган. Шайх А. Мансур. Ҳидоят. 2013 / 1. 29-б.

³¹ Деххудо. Луғатнома. “*ح*” ҳарфи томи. Техрон: 1338 х. 534-б.

³² Қураший. ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж. 2. Байрут: Муассасат ар-рисола, 1993. 375-б.

³³ Самъоний. Насабнома. (Арабчадан А. Раззоқ таржимаси). Ж. 1. Бухоро: Бухоро, 1999. / Абулҳасанот Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. ал-Фавоид ал-бахийя фи табақот ал-ханафийя. (кейинги ўринларда Лакнавий. ал-Фавоид ал-бахийя). Қозон: Матбаъат ал-хизона, 1903.

“ал-Ало” (“Устун”), “ал-Ало ас-Самарқандий”, “Алоуддин”³⁴ (“Диннинг устуни”) каби юксак лақаблар билан машхур бўлган.

Алоуддин Муҳаммад ал-Усмандий биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилган. Қуйида алломадан бизгача етиб келган бой илмий-маънавий мерос намуналари ҳақида қисқача тўхталамиз:

1. “*Ҳаср ал-масоил ва қаср ад-далоил*” (“*Муайян масалалар ва қисқа далиллар*”). Бу асар Нажмуддин Умар Насафийнинг “*ал-Манзума фи илм ал-хилоф*” номли китобига ёзилган шарҳ³⁵ бўлиб, унинг учта қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланади. Алломанинг ушбу асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Имом ас-Сугдий, Абу-л-Мафоҳир Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Судайсий томонидан ёзилган шарҳлар шулар жумласидандир³⁶.

2. “*Тариқат ал-хилоф фи ал-фикҳ байн ал-а’иммат ал-аслоф*” (“*Ўтган алломалар ўртасида фикҳ илмидаги ихтилоф йўллари*”) асарида фикҳ илмида фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган. Ушбу қимматли асар мисрлик тадқиқотчи олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан тадқиқ этилиб, 1990 йилда Қоҳирадаги “Дор ат-турос” матбаасида нашр этилган. 1992 йилда эса Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд каби олимлар томонидан таҳқиқ қилиниб, Ливан (Байрут)да “Дор ал-кутуб ал-илмийя” матбаасида нашр этилган.

3. “*Базл ан-назар фи ал-усул*” (“*Фикҳ асосларига чуқур назар*”). Бу асар ҳам мисрлик тадқиқотчи олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан илмий тадқиқ этилиб, 1992 йилда, аввалги асар сингари, Қоҳира шаҳридаги “Дор ат-турос” матбаасида чоп этилган.

4. “*Оламий*” номи билан машхур “*ат-Таълиқа фи ал-фикҳ*” (“*Фикҳ илмида изоҳ*”) номли асари фикҳ илмининг *фуруъ* (тармоқлари) масалаларига бағишланган бўлиб, қатор муаллифларнинг ёзишича, у бир неча жилддан иборат йирик асардир.

³⁴ Кафавий. Китоб у-аъломи-л-ахёр. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 91-ашёвий рақамли қўлёзма / Лакнавий. ал-Фавоид ал-бахийя. Қозон: Матбаат ал-хизона, 1903.

³⁵ Зириклий Хайруддин. ал-Аълум. Ж. 17. Қоҳира. Ношир кўрсатилмаган. 1954. Ҳожи Халийфа ҳам Ибн Шаҳинадан иқтибос олиб келтирган. Ж. 2. 1187-б.

³⁶ Насафий Абу Ҳафс Умар. Тилбат ат-талаба фи истилоҳот ал-фикҳийя. Ж. 1. 4-б.; <http://www.shamela.ws>

5. “*ал-Амолий фи ат-тафсир*”³⁷ (“*Тафсир илмида имло қилинган масалалар*”) ёзма манбаларнинг далолат қилишича, алломанинг бу асари Куръони Каримга бағишланган тафсир ҳисобланади.

6. “*Мухталаф ар-ривоя*”³⁸ (“*Ривоятларнинг турлилиги*”) бу асар фикҳ илмига оид асардир. Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 1815-рақамли қўлёзманинг 41789-рақам остида сақланаётган микро-фильм нусхасида: “*Мухталаф ар-ривоя*” *Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасанга тегишли*” деб ёзилган. Асарнинг дастлабки бетлари йўқ. Яна бир бошқа нусхаси эса Мисрнинг “Мустафо Фозил” кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 119-рақамли қўлёзманинг 8356-рақамли микрофильми сақланмоқда.

7. Ҳанафий мазҳабига оид “*ал-Муътариз ва ал-мухталиф*”³⁹ асари.

8. Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ҳанафий фурууъл фикҳи (фикҳ илми тармоқлари)га доир “*Уйун ал-масоил*” китобига шарҳ.

9. “*ал-Фавоид ал-Алоийя*” асари.

10. Шайх Нуруддин Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Собуний ал-Ҳанафийнинг “*ал-Ҳидоя мин усул ал-эътиқод ва илм ал-калом*” асарига шарҳ⁴⁰.

11. “*Лубоб ал-калом*” (“*Калом илмининг жавҳари*”) асари.

12. Насафийнинг “*Манзума*”сига шарҳ. Ушбу асар *илму-л-хилоф*-га бағишланган;

13. “*ал-Мийзон фи усул ал-фикҳ*” (“*Усулу-л-фикҳда мезон*”) асари. Асар уммонлик тадқиқотчи олим Доктор Навзат Содик Сулаймон томонидан ўрганилиб, 2009 йилда “Дор Дажла” нашриёти томонидан нашр этилган.

Манбаларда алломанинг турли соҳалар бўйича йигирмага яқин асарлар ёзгани қайд этилади. Ҳозирда уларнинг қўлёзма ва микро-

³⁷ Кураший. ал-Жавохир ал-музийя. Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993. (1:143)/ Кутлубуғо Зайниддин Қосим ибн Ибн. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ханафийя. Бағдод: Аъни, 1962.

³⁸ Ҳожи Халийфа. Кашф аз-зунун ан асомиъ ал-кутуб ва ал-фунун. (2: 1636). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1992. 1636-б.

³⁹ Атобикий. ан-Нужум аз-зоҳира / Ибн Имод. Шазарот аз-заҳаб.

⁴⁰ Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Абу-л-Фатҳ ал-Усмандий ас-Самарқандий. Тарикат ал-хилоф байн ал-аслоф. Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳқиқи. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1992. 31-б.

фильм нусхалари дунёнинг қатор кутубхоналари асосан, Туркия, Миср ва Саудия Арабистони қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Алломанинг *“Лубоб ал-калом”*, *“Тариқат ал-хилоф байна ал-аслаф”*, *“Мийзон ал-усул фи ал-фикҳ”* ва *“Базл ан-назари фи ал-фикҳ”* каби асарлари бизгача етиб келган ва асосан Туркия, Миср ва Уммон тадқиқотчи олимлари томонидан ўрганилиб, нашр этилган.

Аллома ўзининг *“Лубоб ал-калом”* асарида калом илмига оид муҳим масалаларнинг таҳлилида, кўриниб турганидек, мотуридия ақидавий мазҳаби амал қилган тамойилларга таянган.

Мухтасар қилиб айтилса, муаллиф ўз ғоялари ва фикрларини асарларида баён қилишда Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, мутақаддим ўтган улуғ олимлар, хусусан, буюк ватандошимиз Имом Абу Мансур ал-Мотуридий каби аждодларимиз асарларидан кенг ва унумли фойдаланган.

Ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш ва уни халқимизга етказиш, хусусан, ёшларга ислом динининг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, айниқса, ақидавий масалалар ҳақида баҳс юритувчи калом илмининг мотуридий йўналиши қарашларини баён қилиш, ботил даъволарни илгари сураётган айрим оқим ва фирқаларга ғоявий зарба беришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

О. МУҲАММАДИЕВ

АЛОУДДИН АЛ-УСМАНДИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ – МОТУРИДИЙЛИК МАКТАБИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Маколада Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий ҳаёти ва илмий мероси ҳамда унинг Мовароуннаҳр калом мактаби ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилган. Алломанинг асарлари, ҳозирги кунда дунё фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда кўпчиликка маълум бўлмаган Бахмал туманидаги *“Ўсмаат Ота”* зиёратгоҳида дафн этилган аллома Алоуддин Усмандий эканлиги ҳақида тарихий фактлар келтирилган.

Калит сўзлар: ҳадис, фикҳ (ислом ҳуқуқи), алломалар, Самарқанд ва Бухоро калом мактаблари, ҳанафий мазҳаби, мутакаллим, калом, ақида.

O. МУХАММАДИЕВ

**АЛАУДДИН АЛЬ-УСМАНДИ АС-САМАРКАНДИ – ВЕЛИКИЙ
ПРЕДСТАВИТЕЛЬ МАТУРИДИТСКОЙ ШКОЛЫ**

В данной статье освещается жизнь и научное наследие Алауддина Усманди Самарканди, а также его роль в развитии школы каляма (теологии) Мавераннахра. Приведены материалы о работах ученого, а также копии рукописей, которые в настоящее время хранятся в мировых фондах. Автор, основываясь на исторических свидетельствах, местом захоронения Алауддина Усманди указывает на «Усмат Ота» в Бахмальском районе.

Ключевые слова: хадис, фикх (исламское право), ученые, школы каляма (теологии) Самарканда и Бухары, ханафитская школа, калям (теология), акида.

O. MUHAMMADIYEV

**ALAUDDIN AL-USMANDI AS-SAMARKANDI – THE GREAT
REPRESENTATIVE OF MATURIDI SCHOOL**

This article deals with the life and scientific heritage of Alauddin Usmandi Samarkandi, as well as his role in the development of the Mavarannahr Kalam School. There is information about the works of the scientist, as well as copies of the manuscript that are currently stored in world funds. In addition, there is historical evidence that the scholar, who was buried at the "Usmat Ota" shrine in Bakhmal district today, is Alauddin Usmandi.

Key words: hadith, fikh (Islamic law), scholars, Samarkand and Bukhara Kalam School, Hanafi school, kalam, aqeeda.

Ёш тадқиқотчи минбари

А. НАЗАРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИНИНГ ТУРКИСТОН
АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ (И-71)
ФОНДИ ТАСНИФИ**

*... провинциальные общества для успеха дела
должны широко открывать свои двери
всем желающим сделать сообщение, имеющее
какое-либо, хотя бы самое отдаленное
отношение к специальности общества¹.*

Маълумки, Россия империясининг Туркистондаги хукмронлиги даврида ўлкада бир неча илмий жамиятлар фаолият юритган². Улар Ўрта Осиё ва унга ёндош худудларни турли фан соҳалари нуктаи назаридан тадқиқ этишган. Бундай жамиятлардан бири ўлка тарихини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадида тузилган ва амалда ўлка тарихини кенг қамровли тарзда ўрганган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги бўлган.

Тўгаракнинг ташкил топишида фаол қатнашган В.В. Бартольднинг маълумот беришича, ўлкада хизмат сафарида бўлган пайтида, 1893 йил 11 декабрь куни Табиатшунослик, антропология ва этнография рус императорлик жамиятининг Туркистон бўлими йиғилишида генерал-губернаторликда археология ҳаваскорлари тўгарагини таъсис этиш масаласи кўтарилди³. Бу борада В.В. Бартольд ва Н.П. Остроумовлар томонидан билдирилган фикрлар қизғин муҳокамага сабаб бўлади⁴. Йиғилиш давомида Тошкентда археология тўгарагини ташкил

¹ Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте / Сочинения. Т. IX. Москва: Наука, 1977. 486-бет.

² Қаранг: Луин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. Ташкент: АН УзССР, 1962. 344 б.

³ Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте / Сочинения. Т. IX. Москва: Наука, 1977. 487-бет.

⁴ Лыкошин Н.С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии. I. 1896. 37–38-б.

этишга қарор қилинади. Тез орада тўғаракни ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади ва уни тасдиқлаш учун тақдим этиш ишлари бошланади⁵. Бу борада Туркистонда фаолият юритган олимлар, маориф соҳаси вакиллари ва ўлка бошқаруви органлари ходимларининг Санкт-Петербургдаги олимлар билан ҳамкорликда олиб борган ташкилий ишлари тўғарак фаолиятини йўлга қўйишга имкон яратади.

Натижада, Туркистон археология хаваскорлари тўғараги 1895 йил 19 октябрдаги Олий даражадаги (Россия императори Николай II нинг – А.Н.) фармонида биноан ташкил этилади. Тўғарак низоми 1895 йил 31 октябрда Россия империяси Халқ маорифи вазири томонидан тасдиқланади⁶. Ушбу низом 21 банддан иборат бўлиб, унга кўра тўғарак фаолияти куйидагилардан иборат эди:

А) Туркистон ўлкаси худудида жойлашган қадимий обидаларни ўрганиш.

Б) обидалар тавсифини ва ўлка археологик харитасига қайд этилишини амалга ошириш.

В) археологик обидаларни кўриқлаш.

Г) археологик қазув ишларини амалга ошириш.

Д) маҳаллий археологик материалларни нашр учун қайта ишлаш⁷.

Тўғарак ўлка тарихини фақат археологик жиҳатдан эмас, балки этнологик, лингвистик, эпиграфик, манбашунослик ва бошқа жабҳаларда ҳам ўрганиб, медиевистик, генеалогик, нумизматик ва бошқа тадқиқотлар амалга оширилган.

Юқорида таъкидланган низомга кўра тўғаракнинг фахрий раиси ўлка генерал-губернатори бўлган. Тўғарак фахрий ва ҳақиқий аъзолар ҳамда тўғарак ходимларидан иборат бўлган⁸.

Тўғарак ташкил топган вақтда унинг фахрий раиси ўлка генерал-губернатори барон А.Б. Вревский бўлган. Тўғаракнинг таъсисчи аъзолари сифатида К.В. Аристов, В.В. Бартольд, С.М. Граменицкий, Н.Л. Зеланд, Ф.М. Керенский, Н.С. Ликошин, В.П. Наливкин, Д.В. Назаров, В.Ф. Ошанин, Н.П. Остроумов, В.О. Преображенский ва бошқалар қайд этилган⁹.

⁵ Луниин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. Ташкент: АН УзССР, 1962. 44-б.

⁶ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 2- варақ.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Ўша жойда. 2-орқа варақ.

⁹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 38 а-варақ.

Тўғарак таъсисчилари ва унинг аъзолари орасида Туркистон генерал-губернаторлигида фаолият юритган олимлар ва маориф соҳаси вакиллари, йирик амалдорлар ҳамда ҳарбийлар бўлган. Тўғаракка нафақат ўлкадаги тадқиқотчилар, балки Россия империясининг марказий губернияларида фаолият юритувчи тадқиқотчилар ҳам аъзо бўлишган.

Тўғарак ўз фаолияти давомида Санкт-Петербург ва Москвада фаолият юритувчи йирик тарихчи олимлар билан алоқада бўлган. Ҳатто ушбу тўғаракни ташкил этиш ғояси ҳам петербурглик машҳур олим В.В. Бартольднинг ташаббуси ва сазъ-ҳаракати билан амалга оширилган¹⁰.

Тўғарак аъзолари орасидан унинг фаолиятини амалга ошириш учун бир йил муддатга вице-раис, котиб ва ғазначидан иборат бошқарув органини сайлашган¹¹. Вице-раис тўғаракнинг бошқарув аъзолари ва умумий мажлисини чақириш ишларига масъул бўлган, ғазначи тўғаракнинг молиявий масалаларига масъул бўлган, котиб тўғаракнинг бошқаруви ҳамда умумий мажлис йиғилишлари баённомаларини юритган¹².

Тўғарак ишини ташкиллаштириш 1895 йилдан то унинг фаолияти тугатилгунига қадар (1917 й.) вице-раис Н.П. Остроумов томонидан амалга оширилган.

Тўғарак топшириғи ва унинг бошқарувида Туркистон генерал-губернаторлиги ва унга ёндош ҳудудларда кўплаб археологик ёдгорликлар тадқиқ этилади, бир неча янги топилмалар илмий муомалага киритилади. Ушбу тўғарак фаолияти унинг ҳаваскор аъзолари томонидан академик тарзда олиб борилмаса ҳам, аммо кейинчалик тўғарак фаолияти натижалари Ўрта Осиё археологияси ҳамда тарих фани тарихи ривожини учун замин яратган.

Шу боис ушбу тўғарак фаолияти турли тарихий тадқиқотлар обектига айланган, уларда тўғарак фаолияти батафсил ёритилган¹³.

¹⁰ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 38 б-орка варак.

¹¹ Ўша жойда. 3-варак.

¹² Ўша жойда.

¹³ Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте / Сочинения. Т. IX. Москва: Наука, 1977. 485–487-б.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912. 520 б.; Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. 1953. Вып. LXXXI. 5–40-б.; Крачковская В.А. Эпиграфика Средней Азии (Пионеры эпиграфики, Туркестанский кружок любителей археологии), Эпиграфика Востока, VII, М.–Л., 1953. 45–69-б.; Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии

Ҳозирда ушбу тўғарак фаолияти натижасида юзага келган архив фонди Ўзбекистон Миллий архивида И-71 жамғармаси сифатида сақланмоқда¹⁴. Ушбу фонд битта рўйхатга бирлаштирилган 30 та йиғма жилддан иборат бўлиб, йиғма жилдлар 1 дан 27 гача рақамланган. 3 та йиғма жилд литерли рақамга эга (7а, 20а, 22а)¹⁵. Хронологик жихатдан жамғармадаги ҳужжатлар 1895–1917 йилларни ўз ичига олади. Фонд “И” (исторический) белгиланган бўлиб, шунингдек, барча йиғма жилдлар “ОЦ” индексига эга.

Фонд таркибига кирувчи йиғма жилдлар тўғаракнинг ташкил топиши ва фаолиятига оид ҳужжатлар: унинг низоми, аъзоларининг рўйхати, тўғарак аъзолари, йиғилиш баённомалари, маҳаллий тадқиқотчилар, метрополе ва хориждаги тадқиқотчилар билан ёзишмалар, тўғарак фаолиятига доир ҳисоботлар мавжуд¹⁶.

Фонд таркибига кирувчи ҳужжатлар орасида, шунингдек, юкори илмий аҳамиятга эга бўлган тўғарак томонидан ташкил этилган архео-

в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.) Ташкент, 1958. 320 б.; Г.А. Пугаченкова, В.А. Германов. Туркестанский кружок любителей археологии и домусульманские древности Средней Азии. К 100-летию Туркестанского кружка любителей археологии // Вестник древней истории. 1996. № 4 (219). 189–195-б.; В.А. Германов. Туркестанский кружок любителей археологии: примат науки или геополитики? // Вестник Каракалпакского Отделения Академии наук Республики Узбекистан. 1996. № 1. 90–97-б. Ўша муаллиф. Туркестанский кружок любителей археологии. Протоколы туркестанских мудрецов // История и жизнь. Альманах. Издание международного историко-генеалогического товарищества «Родознатец». Издательство “Lulu inc.” 2010. Октябрь. № 5. 28–45-б.; Ўша муаллиф. Эпоха Туркестанского кружка любителей археологии: примат науки или геополитики? // Россия – Средняя Азия. Политика и Ислам в конце XVIII – начале XX века. М.: ЛЕНАНД, 2011. 171–196-б.; Ўша муаллиф. Деятельность историков колониальный период. Первые исторические исследования в Туркестане (начало XX века – 1917 года) // Очерки историографии Узбекистана в XX столетии. Ташкент: Yangi nashr, 2011. 47–59-б.; Шамукарамова Ф.Ш. Случайные археологические находки в Туркестанском крае и их значение в становлении археологической науки // Вестник НУУз. 2017. № 1. 97–102-б.; Ўша муаллиф. Научно-организационная деятельность Туркестанского Кружка любителей археологии в конце XIX – начале XX века // Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX–XX аср бошлари) / Илмий тўплам. Тошкент, 2018. 60–66-б.; Исмоилова Ж.Х. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. Тошкент: Фан ва технология, 2004. 139 б.

¹⁴ Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. Ташкент. 1948. 143-бет.

¹⁵ ЎЗМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 3-варак.

¹⁶ Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. Ташкент, 1948. 143-бет.

логик қазिशмалар натижалари, обидаларни сақлаш ва реставрация қилиш ишлари, эпиграфик ва нумизматик тадқиқотлар, тарихий афсоналар, генеологик тадқиқотлар, Бухоро амирлиги ҳудудидаги археологик қузатув ишлари ҳақида маълумотлар мавжуд¹⁷.

Фонддаги ҳужжатларни мазмуни ва характериға кўра қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

1. Тўғарак фаолиятиға доир ташкилий, молиявий, илмий хусусиятдаги ҳужжатлар;

2. тўғаракнинг илмий фаолиятини ўзида ёритувчи турли археологик ва бошқа илмий изланишларға доир ҳужжатлар;

3. тўғаракнинг бошқа илмий ташкилотлар билан илмий ҳамкорлигини ёритувчи ҳужжатлар, жамиятнинг халқаро илмий алоқаларини ёритувчи ҳужжатлар;

4. алоҳида шахслар билан ёзишмалар.

Фондда тўғарак фаолиятини ҳар тарафлама ёритувчи ҳужжатлардан бири тўғарак фаолиятининг йиллик ҳисоботлари ҳисобланган. Хусусан, тўғаракнинг дастлабки бир йиллик фаолияти (1895 йил 11 декабрдан – 1896 йил 11 декабргача) ҳисоботида¹⁸ тўғарак аъзолари томонидан белгиланган ишлар амалға оширилганлиги қайд этилган.

1896 йил 22 январдаги тўғарак йиғилишида Е.Т. Смирнов “Древности в окрестностях г. Ташкента” номли илмий ахборотини тақдим қилган¹⁹. Ушбу йиғилиш материаллари “Средняя Азия” тўпламида нашр этилади²⁰.

1896 йил 26 февралдаги йиғилишда Россия империясининг Кошғардаги бош консули Н.Ф. Петровскийнинг Тошкент обидаларини тадқиқ этиш бўйича кўрсатмалари муҳокама этилади. Йиғилиш давомида тўғаракнинг ҳақиқий аъзоси бўлган В.А. Калаур томонидан юборилган Ктай қора киргиз (киргиз – А.Н.) уруғиға тегишли бўлган қадимги мўғул ялови муҳокама этилган. Кейинчалик тадқиқ этиш учун барон Розенга юборилади²¹. Айнан шу йиғилишда ҳарбий муҳандис Н.Т. Пословскийнинг Амударёнинг ўнг соҳилидаги қадимги Тер-

¹⁷ Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. Ташкент, 1948. 143-бет.

¹⁸ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 52-60-орқа варақ.

¹⁹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 55-варақ.

²⁰ Смирнов Е.Т. *Древности в окрестностях г. Ташкента* // «Средняя Азия». Научно-литературный сборник статей по Средней Азии. Ташкент, 1896. 111-136-бетлар.

²¹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 55-орқа варақ.

миз шаҳри харобаларини кузатуви ҳақидаги маълумоти тингланади. М.С. Андреев эса Фарғона вилоятидаги ёдгорликларни кузатуви ҳақида маълумотларни тақдим этган²².

1896 йил 1 апрелдаги йиғилишда тўғарак аъзо-котиби Н.С. Ликошин томонидан ёзилган “Очерки археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского кружка любителей археологии” номли рисола тақдим этилади. Шунингдек, тўғарак аъзоси М.А. Терентьев йиғилганларга тошлардаги эпиграфик ёзувларни нам коғоз ёрдамида кўчириб олиш усулини ўргатди²³. М.А. Терентьев, шунингдек, тўғаракка маҳаллий тиллар хрестоматияси коллекциясини ҳада этди.

Тўғарак аъзоси М.С. Андреев тўғарак топшириғига кўра Н.Г. Маллицкий билан ҳамкорликда амалга оширилган Кўқон уезди Воруҳ дараси²⁴ “Кони гут” ғорини текшириш мақсадида уюштирилган сафари тўғрисида маълумот беради²⁵.

1896 йил 3 июндаги йиғилишда жамиятнинг ҳақиқий аъзоси В.В. Бартольднинг Петербургдан жўнатилган “Несколько слов об арийской культуры в Средней Азии” номли илмий реферати муҳокама этилади²⁶.

В.В. Бартольд, шунингдек, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини рус тилига ўгиришни мақсадга мувофиқ деб билади. Бу ишни тўғарак аъзо-котиби Н.С. Ликошин ўз зиммасига олади²⁷. Дарҳақиқат ушбу асарнинг рус тилига биринчи таржимаси Н.С. Ликошин томонидан амалга оширилган ва 1897 йилда Тошкентда нашр этилган²⁸. Шунингдек, Бартольд топшириғига кўра тўғарак аъзолари С.Н. Жилинский, П.С. Скворскийлар томонидан Бухоро яқинидаги Пойкент шаҳри қолдиқлари, Ўратепа яқинидаги Шахристон ёдгорликлари тадқиқ этилган²⁹. Айнан шу йиғилишда С.М. Граменицкий томонидан тузилган “Туркистон археология хаваскорлар тўғараги мухбир аъзолари учун йўриқнома” ўқиб эшиттирилади.

1896 йил 26 августда тўғаракнинг вице раиси Н.П. Остроумов томонидан “В каком смысле Александр Македонский называется у ту-

²² ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш. 56-варак.

²³ Ўша жойда. 56-орқа варак.

²⁴ Ҳозирда Тожикистон Республикаси Согд вилояти Исфара туманида жойлашган.

²⁵ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 56-варак.

²⁶ Ўша жойда. 57-варак.

²⁷ Ўша жойда. 57–58-вараклар.

²⁸ Мухаммад Наршахи. История Бухары. Перевел с персидского Н. Лыкошин. Ташкент. 1897.

²⁹ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 57-орқа варак.

земцев Зул-Карнайном” номли маърузаси ўқиб эшиттирилади. Айнан шу йиғилиш тўғарак аъзолари томонидан ёз ойларида Шоштепа ҳамда Тошкент уезди Оқжар волостининг қадимги манзилгоҳларида олиб борилган экскурсиялар ҳақида А.А. Диваев маълумот берган³⁰.

1896 йил 28 октябрдаги йиғилишда В.А. Калаур ва И.В. Анисков томонидан Авлиёта уездидан олиб борилган изланишлар ҳақида ахборот берилади. Унда уезд худудидаги Меркен манзилгоҳидаги несторянликка оид излар тадқиқ этилади. Шунингдек, ушбу йиғилишда тўғаракнинг бир йиллик фаолияти ҳам муҳокама этилади. Бир йил давомида гуруҳ аъзолари сони 109 га етган³¹.

Тўғарак фаолияти давомида кенг илмий доирани қамраб олишга ҳаракат қилган ва ўз йиғилишлари баённомаларини нашр этиш ҳамда кенгайтиришга интиланган. Хусусан, 1903 йилда Ашхободда тўғаракнинг алоҳида бўлинмаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини 1914 йилдан бошлаган. Тўғарак ихтиёрида катта миқдордаги археологик ва нумизматик коллекция жамланган бўлиб, кейинчалик улар Тошкент музейига ҳадя этилган. Тўғарак аъзолари томонидан кўплаб археологик қазилмалар амалга оширилган бўлиб, улар сирасига Пойкент (А.И. Кастанье иштирокида), Шахристон (Ўратепа яқинида), Ўтрор ва Самарқанд харобаларини тадқиқ этилишини киритиш мумкин. Тўғарак, шунингдек, соф тарихий тадқиқотларни ҳам нашр этиш ва ўлкадаги ўрта аср ёдгорликларини сақлаб қолиш ишларини амалга оширишга ҳаракат қилган³².

Ушбу фондда археологик тадқиқотларни олиб боришдан ташқари ўлка худудидаги меъморий ёдгорликларни сақлаш масаласи тарихини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Самарқанддаги машҳур Бибиҳоним масжидининг зилзила натижасида зарар кўриши ва бу борада кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Туркистон археология хаваскорлар тўғарагининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ва масалага ўлка маъмуриятининг муносабатини кўрсатувчи маълумотлар фонд таркибидаги ҳужжатларда акс этган.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1897 йил 5 сентябрдаги зилзила натижасида Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган бир қанча тарихий обидалар зарар кўрган. Улардан бири юқорида таъкидланган

³⁰ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 58-орқа варақ.

³¹ Ўша жойда.

³² Ларюэль М. Умозрительная Центральная Азия: Поиски прародины арийцев в России и на Западе // Вестник Евразии. 2003. № 4. 155–165-б.

Самарқанд шаҳридаги Бибихоним масжиди³³. Тез орада зарар кўрган меъморий обидаларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш масаласи бўйича Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги Самарқанд маъмуриятига мурожаат қилади.

Бунга жавобан 1897 йил 9 сентябрь куни Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори таржимони томонидан тўғарак вице-раиси Остроумов номига жавоб хати юборилади. Унда таъкидланишича: “Бибихоним мадрасаси (масжиди – А.Н.)нинг бузилиб тушган пештоқи ҳозиргача тош уюми кўринишида ётипти ва ҳеч қандай тартибга келтирилмаган. Ушбу тошлар маҳаллий ҳукумат томонидан кўриқланмоқда ва шу кунлар ичида уларни тартиблаш ишларига киришилади”³⁴.

Бибихоним масжидининг тақдири билан тез орада Россия империясининг юқори бошқарув органлари ҳамда махсус ташкилотлар қизиқа бошлашади. Хусусан, масжидни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш ишлари бўйича Императорлик Москва археология жамияти³⁵, Императорлик археология комиссияси³⁶ бир неча бор ўз кўрсатмаларини беради.

Натижада Самарқанд ҳарбий губернатори граф Н.Я. Ростовцев буйруғига кўра зилзила таъсирида вайрон бўлган биноларни таъмирлаш ишлари бошланади. Аммо таъмирлаш ишлари ўша давр қонунчилигида назарда тутилган расмий жараёнлар ва масъул органларнинг рухсати ва иштирокисиз амалга оширилгани оқибатида Бибихоним масжидининг охириги сақланиб қолган минораси таъмирчилар томонидан бузиб юборилади. Бу ҳақда Россия империяси Археология комиссияси Туркистон генерал-губернаторига қуйидаги эътирозини билдиради:

“... Императорлик Археологик комиссияси шунга амин бўлдики, Туркистон генерал-губернаторлигининг маҳаллий маъмурияти қадимги ёдгорликларга доир қонунчиликдан хабари йўқ. Ҳолбуки, Императорлик Археологик комиссиясининг Низомига кўра қадимги ёдгорликларни бузиш унинг (комиссиянинг – А.Н.) рухсатисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ваҳоланки, 1897 йил баҳорида Самарқанд ҳарбий губернатори, марҳум Н.Я. Ростовцев буйруғига кўра Бибихоним масжидининг охириги сақланиб қолган минорасининг юқори қисми бузиб

³³ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 35-варак.

³⁴ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 97-варак.

³⁵ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 99-варак; 10-иш, 37-варак.

³⁶ ЎзМА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 138-варак; 10-иш, 34-варак.

ташланади. Бунда Археология комиссияси билан алоқага киришилмайди ва бузиб ташланган қисмлар қизмадари олинмайди. Бу ҳодиса айнан Олий фармонга биноан, Императорлик Археологик комиссияси Самарканд шаҳридаги масжидларни тавсефини амалга ошираётган даврда юз берган. Қолаверса, 1898 йил 11 мартдаги Олий фармонга асосан, ҳар қандай йирик тарихий обидаларни қайта тиклаш ишлари Императорлик Археологик комиссиясидан аввалдан олинган розилиги асосида амалга оширилиши лозимдир. Аммо Туркистон ўлкасидан комиссияга кўриб чиқиш учун ҳалигача бирорта қайта тиклаш лойиҳаси келиб тушмаган. Шу сабабли Императорлик Археологик комиссияси Сиз Жаноби олийларидан қўл остингизда бўлган ўлка бўйича, маҳаллий маъмурларга қадимий ёдгорликлар билан боғлиқ ҳар қандай масалаларда Императорлик Археологик комиссиясига мурожаат қилиш мажбурий эканлиги тўғрисида циркуляр буйруқ берсангиз...³⁷.

Юқоридаги ҳужжат ўша даврда ўлкадаги рус маъмурияти, метрополиядаги илмий ва масъул ташкилотлар ҳамда зиёлиларнинг Туркистон тарихига бўлган муносабатини ёрқин намоян қилувчи далилдир.

Бу сингари ҳужжатлар асосида ўлкада археология фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, дастлабки тарихий тадқиқотлар, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлик ҳудудида мавжуд тарихий обидаларнинг тарихи, уларни сақлаш ҳамда қайта тиклаш ишларига оид маълумотларни илмий муомалага кириштириш мумкин. Шунинг учун ҳозирда Ўзбекистон Миллий архивида сақланувчи И-71 жамғармасини архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва ундаги маълумотларни замонавий тарихий методлар ёрдамида чуқурроқ ўрганиш лозим. Бу эса ўз навбатида XIX аср охири ва XX аср бошларида ўлкада тарих фани ривожини тадқиқ этиш имконини беради. Қолаверса, жамғарма таркибига кирувчи этнологик, лингвистик, генеалогик, палеографик, эпиграфик, географик ва топографик маълумотлар алоҳида фан соҳалари ҳамда фан тарихи бўйича манба сифатида тадқиқотчилар томонидан фойдаланилиши мумкин.

³⁷ ЎзМА. И-71-фонд. 1-рўйхат, 10-иш, 34-34-орка варак.

А. НАЗАРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИНИНГ ТУРКИСТОН
АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ (И-71)
ФОНДИ ТАСНИФИ**

Мазкур мақола Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагининг (1895–1917 йй.) фаолияти тарихини ўзида мужассам этган ва ҳозирда Ўзбекистон Миллий Архивида сақланувчи – И-71 жамғармасини архив манбашунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ этишга бағишланган. Шунингдек, тўғаракнинг ташкил топиши, унинг кейинги фаолиятига доир маълумотлар ҳамда баъзи ҳужжатлардан кўчирмалар ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Туркистон генерал-губернаторлиги, В.В. Бартольд, Н.П. Остроумов, барон А.Б. Вревский, архив манбашунослиги, жамғарма, И-71, Библионим масжиди.

А. НАЗАРОВ

**ХАРАКТЕРИСТИКА ФОНДА (И-71) ТУРКЕСТАНСКОГО
КРУЖКА ЛЮБИТЕЛЕЙ АРХЕОЛОГИИ НАЦИОНАЛЬНОГО
АРХИВА УЗБЕКИСТАНА**

Данная статья посвящена анализу с позиций архивного источниковедения фонда Туркестанского кружка любителей археологии – И-71, которая хранится в Национальном архиве Узбекистана. Автор также приводит сведения об образовании кружка и рассматривает его дальнейшую деятельность на основе некоторых документов.

Ключевые слова: Туркестанский кружок любителей археологии, Туркестанское генерал-губернаторство, В.В. Бартольд, Н.П. Остроумов, А.Б. Вревский, архивное источниковедение, фонд И-71, мечеть Биби-ханум.

A. NAZAROV

**CHARACTERISTICS OF THE FUND (I-71) OF THE TURKESTAN
CIRCLE OF ARCHEOLOGY AMATEURS OF THE NATIONAL
ARCHIVE OF UZBEKISTAN**

This article is devoted to the analysis from the point of view of archival source studies of the Fund of Turkestan circle of fans of archaeology – I-71, which is stored in the National archive of Uzbekistan. In addition, the date is given about the formation of the circle and its future activities, with the involvement of some documents.

Keywords: Turkestan Archaeological Club, Governor-General of Turkestan, V.V. Barthold, N.P. Ostroumov, Baron A.B. Vrevsky, archival source studies, Foundation, I-71, Bibikhonim mosque.

М. ПРИМОВ

XX АСРНИНГ 60–70 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВ КАРТАЛАРИ ВА ТАРМОҚ АТЛАСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИГА ДОИР

Атлас ўзи билан ҳудуд ҳақидаги, уни ҳозирги кун (замон) даражасида ўрганилган билимларни ва маълумотларни тизимлаштирилган тўплами-картографик энциклопедияни ифодалайди. Атлас хариталарини бир-бирига солиштириш, таққослаш ва бирини устига бирини қўйиб фойдаланиш учун кулай. Агар керак бўлса, миқдорий маълумотларни олиш, математик корреляцияларни амалга ошириш ва ясама тасвирлар (хариталар) тузиш мумкин. Атласлар ҳудудларни комплекс ўрганиш ва баҳолаш, кенг қамровли чуқурлаштирилган илмий тадқиқотларни ўтказиш, табиий шароит ва ресурсларни ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш режаларини тузиш ва инсоннинг табиатга аралашув оқибатларини прогнозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва экологик ҳолатни яхшилаш каби ишлар учун махсус мўлжалланган бўлади¹.

Машхур иқтисодчи географ Н.Н. Баранский таъкидлаганидек, “Опера – алоҳида мусикали пьесага қандай тааллуқли бўлса, атлас ҳам алоҳида харитага деярли шундай муносабатда бўлади”. Бу жуда ўринли ўхшатиш, ҳақиқатдан, исталган атлас умумий ғоя ва дастурга биноан бирлашган кўп картографик мавзуларни қамраб олади. Атласни яратиш қийин ва машаққатли иш бўлиб, у картографик санъатнинг чўққиси ҳисобланади.

Нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёда картография саноатининг пойдевори саналмиш Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент картография фабрикаси (ҳозирги “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси) 1934 йили ташкил этилди. Унга давлат муассасаларини ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома хариталар билан, шунингдек, умумтаълим муассасаларини ўқув харита ва атласлари билан таъминлашдек юксак вазифа юклатилди. Кўп ўтмай суғориладиган ҳудудларнинг 1:10 000

¹ Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. Тошкент, 2017. 4-бет.

масштабли қишлоқ хўжалик хариталари ва Ўзбекистоннинг 1:500 000 масштабдаги маъмурий харитаси ва Ўрта Осиё халқларининг миллий тилларида ўқув хариталари тузилди ва нашр этилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда республикамизда харитага олиш ишлари анча жадал олиб борилди. Бу даврда деҳқончиликни ҳудудий ташкил этишда доннинг аҳамияти ошди, пахта уруғчилиги ва селекцияси борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг қамрови кенгайди. Картографларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигини, бошқарув ва режалаштириш органларини зарур картографик материаллар билан таъминлаш, илғор хўжаликлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ютуқларини тарғибот қилиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тезлатиш бўлиб қолди.

Шунга биноан, 1960 йили Совет Иттифоқининг яхлит соҳавий “Қишлоқ хўжалик атласи” яратилди. Атласда географик муҳит билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши орасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш, алоҳида тармоқларнинг жойлашиш ва ривожланиш қонуниятларини чуқур англаш ва қишлоқ хўжалик районларини ажратиш мақсадида 377 та харита, харита-схема ва жадваллар берилган. Атлас хариталари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган².

1960 йиллардан бошлаб соҳалар бўйича мавзули карталар тузишга киришилди. 1961 йилда республика қишлоқ хўжалиги вазирлигига қаршли “Ўздаверлойиха” (Ўзбекистон давлат ер лойиҳалаш институти)нинг картография фабрикасида 1:1 млн. масштабли Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги картаси чоп этилиб, мавзули карталар нашр қилишни бошлаб берди.

1963–1965 йилларда яна ўша институт ходимлари томонидан республикамизнинг 21 та деворий карталари (геология, геоморфология, ландшафт, тупроқ, геоботаника, гидрография, аҳоли, қишлоқ хўжалик, пахтачилик, чорвачилик, сел ва қор кўчкилари, яйлов, транспорт карталари ва бошқалар) чоп этилди ва Ўзбекистон бу соҳада бошқа мамлакатлардан илгарилаб кетди.

1963 йили республикамизнинг биринчи “Табиий географик атласи” чоп этилди. Атласнинг формати 44x30 см, асосий карталарининг масштаби 1:3 500 000 ва 1:5 000 000, иқлим карталари 1:7 500 000 ва 1: 10 000 000 масштабларда тузилган. Атласнинг барча карталари тўғри тенг бурчакли конусли проекцияда тузилган. Атласда мамлакатимизнинг табиий шароити ва табиий ресурсларига тўлиқ картографик

² Ўша жойда. 14-бет

тавсиф берилган бўлиб, унинг ёрдамида республикамизнинг ва алоҳида табиий географик ҳудудларнинг табиий шароити ва ресурсларини ўрганиш, ҳисобга олиш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, шунингдек, табиий ҳодисаларнинг динамикаси тўғрисида маълумотлар олиш мумкин. Карталарни тузишда тегишли вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва муассасаларининг, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг материалларидан кенг фойдаланилган³.

1963 йили республикамизнинг биринчи илмий маълумотномали атласи – “Ўзбекистон атласи” чоп этилди (Атлас бош муҳаррири проф. Л.Н. Бабушкин). Атласда республикамизнинг табиий шароити ва ресурслари тўлиқ ўз аксини топган, натижада бутун Ўзбекистон ва айрим ҳудудларининг табиий шароити ва ресурсларини ўрганиш ҳамда унда тасвирланган табиий ҳодисаларнинг динамикаси, ривожланиш жараёни тўғрисида маълумотлар олиш имконияти туғилди⁴. Атласда 50 га яқин 1:3 500 000; 1:4 000 000; 1:5 000 000 ва 1:7 500 000 масштабларда тузилган умумгеографик ва мавзули хариталар берилган бўлиб, уларда асосан мамлакатимизнинг бетакрор табиий шароити ва табиий ресурсларига картографик тавсиф берилган. Атлас хариталари ёрдамида бутун Ўзбекистоннинг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасини ва алоҳида ажратилган тўққизта табиий – географик районларнинг табиий шароитларини ўрганиш, ҳисобга олиш ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, уларни динамикаси тўғрисида ҳам зарур маълумотларни олиш мумкин. Хариталарни яратишда тегишли вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва муассасаларининг, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг материалларидан фойдаланилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур атласда, асосан, республикамизнинг табиий шароити ва ресурслари акс эттирилган, ижтимоий-иқтисодий карталар берилмаганлиги учун уни республиканинг табиий географик атласи деса ҳам бўлади. Мазкур атлас мамлакатимиздан ташқари нуфузли хорижий мутахассисларни диққатини ўзига жалб этди. Чунончи, Франция ва Италияда чоп этилган тақризларда ўзбек географларининг ушбу мисли кўрилмаган тадқиқотлари география фанига қўшилган муҳим ҳисса деб баҳоланди. Машҳур география фанига жамияти бюллетени”да чоп этилган етук мутахассис Риккардо Рикарди қаламига мансуб қизиқарли ва нуфузли тақризда

³ Мирзалиев Т., Сафаров Э., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж. Карташунослик. Тошкент: Чўлпон, 2012. 228-бет.

⁴ Мирзалиев Т., Мусаев И. Картография. Тошкент: Илм зий, 2007. 33-бет.

агроиклим, тектоник, геоморфологик, артезиан хавзалари ва бошқа хариталарни бажаришдаги юқори техник даража, танланган рангларни мутаносиблиги, ифодалилиги, тиниклиги, ёркинлиги, тасвир воситаларининг бойлиги ва бошқалар хариталар мазмунини тушунарлилигини оширишга катта ёрдам бериши алоҳида қайд этилади.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон атласи ютуқларини эътироф этиб, тақриз муаллифи, афсусланиб “Арманистон ва Озарбайжон атласларидан фарқ қилиб, ўзбек атласи фақат табиий географияни қамраб олган, бироқ гуркираб ривожланаётган бундай мамлакат учун алоҳида кизиқиш уйғотадиган демографик ва иқтисодий томонлар тасвирланмаган” деб ёзади. Унинг Парижлик ҳамкасби Сильвен Бенсидун ҳам Ўзбекистон атласига Францияда чоп этиладиган географларнинг махсус ахборотномаси “Географических алманах”да чоп этилган ўзининг кизиқарли тақризида айнан худди шундай хулосага келади. Шунга қарамасдан ҳар иккала тақризчи, профессор Л.Н. Бабушкин раҳбарлигида бошланган ушбу олижаноб ва истиқболли иш давом эттирилади ва тўлдирилади деб умид қилади⁵.

1968 йили Ўзбекистон Ер тузиш ва лойиҳалаш институти томонидан Ўзбекистоннинг ягона дастур асосида бир-бири билан ўзаро боғланган, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган, ихтисослашган, аниқ мақсадли “Деворий қишлоқ хўжалик карталари” тайёрланди ва нашр этилди. Мазкур карталар масштаби 1:1 000 000 бўлган 21 та картадан иборат бўлиб, уларда республикамиз қишлоқ хўжалигига ва уни асосий тармоқлари – деҳқончилик ва чорвачиликка, уларнинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини, табиий ва социал-иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича картографик тавсифи берилган⁶.

1970 йиллардан бошлаб картография соҳасида регионларни комплекс картографиялашга катта эътибор берилиб, йирик регионал атласлар яратилди. Масалан, Украина, Молдавия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Олтой ўлкаси, Забайкалье, Иркутск, Тюмень, Ленинград областлари ва бошқаларнинг атласлари шулар жумласидандир. География фанини ўрганишда картографик асарларнинг хизматлари жуда катта. 3–9 синфлар учун махсус ўқув географик атласлар ва айрим худудларнинг ўқув-ўлкашунослик атласлари

⁵ Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. Тошкент, 2011. 6-бет.

⁶ Ибраимова А. Карташунослик. Тошкент, 2016. 69-бет.

(50 дан ортиқ) чоп этилиб, ўқув картографиясининг ривожланишига йўл очиб берди. Шу билан бир қаторда ўрта мактаблар учун география ва тарих бўйича деворий карталар ва олий ўқув юртлари учун ҳам деворий карталар нашр қилинди. Масалан, Москва Давлат университети (МДУ) картографлари ташаббуси билан олий ўқув юртлари учун 30 дан ортиқ турли мазмундаги деворий карталар яратилди⁷.

Шу ўринда Ўзбекистонда картография соҳасига ихтисослашган юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган таникли олимлардан М.И. Никишов⁸, И.Ю. Левицкий⁹, К.А. Салишев¹⁰, И.П. Заруцкая¹¹, Н.С. Подобедов, О.А. Евтеев¹² ва Т.В. Верещакаларнинг¹³ хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқорида қайд этилган саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 80-йилларнинг ва 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда ўзбек картографларининг миллий мактаби шаклланди.

Республика картографиясининг ривожланишида мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг аҳамияти каттадир. Бу соҳада Ўзбекистонда яшаб ижод қилган картограф олимларни (ландшафт ва гидрологик картографияда) Ч.В. Гальков¹⁴ ва (иқлим карталари бўйича) Е.Г. Бродскийларнинг хизматларини эслаб ўтиш ўринлидир. Республика картографиясининг ривожланишида, айниқса, атлас картографиясини ривожлантиришда, республика ижтимоий-иқтисодий картографиясининг шаклланиб, тараққий этишида олимларимизнинг хизматлари катта. Мамлакатимизда пахтачилик картографиясини яратишда А. Эгамбердиев, агросаноат мажмуини картага туширишда А. Бозорбоев, табиатни муҳофаза қилиш соҳасини картографиялашда

⁷ Мирзалиев Т. Картография. Тошкент: Фан, 2002. 40-бет.

⁸ Қаранг: <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/125/620.htm>

⁹ Қаранг: http://4du.ru/books/geodezy_book/geodeziya_s_osnovami_zemleustroystva_levickiy_i_yu.html

¹⁰ Қаранг: Салищев К. Картография. Москва, 1982; Салищев К. Картоведение. Москва, 1990.

¹¹ Қаранг: Заруцкая И.П. Проектирование и составление карт: Общегеогр. карты. Москва: МГУ, 1982.

¹² Қаранг: Евтеев О.А. Проектирование и составление социально-экономических карт: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по направлениям "География". Москва: МГУ, 1999.

¹³ Қаранг: Верещака Т.В., Подобедов Н.С. Полевая картография. Москва: МГУ, 1986.

¹⁴ Қаранг: Гальков Ч.В. Съёмочные и картографические работы Туркестанского военно-топографического отдела // Изв. Узбекск. фил. Геогр. об-ва, СССР. Т. 3. Ташкент, 1957.

Ж. Қорабоев¹⁵, аҳолининг ҳудудий жойлашишини ўрганишда космик суратлардан фойдаланиш бўйича Л. Фуломованинг илмий ишлари диққатга сазовордир. Картографиянинг энг муҳим соҳалари бўлган баҳолаш ва башорат қилиш картографиясининг шаклланишида Т. Қорабоевнинг хизматлари кам эмас. Республика аҳоли картографиясини яратишда Ж. Назиров, тиббиёт-географик карталарини яратишда Ш. Муҳиддиновнинг, тупрок картографиясини ривожланишида аэрокосмик суратлардан фойдаланиш бўйича Х. Муродовнинг, қишлоқ хўжалигида йирик ва ўрта масшабли карталардан фойдаланиш бўйича К. Гадоевнинг, мелиоратив картография соҳасини шаклланишида ёш олимлардан Э. Сафаровларнинг хизматларини айтиб ўтиш ўринли¹⁶.

Картография ўтмишда яшаган халқларнинг давлатчилик тарихи ва уларнинг жойлашиш ўрни, халқлар этнографияси, шаҳарсозлиги тарихини бугунги кун нуктаи назаридан гавадалантиришда муҳим манба саналади. Шунинг учун бу фан ҳақли равишда ёрдамчи тарих фанлари асослари йўналишига киритилган.

М. ПРИМОВ

XX АСРНИНГ 60–70 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВ КАРТАЛАРИ ВА ТАРМОҚ АТЛАСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИГА ДОИР

Мақола XX асрнинг 60–70 йилларида Ўзбекистонда картография соҳасида амалга оширилган ишлар, фаолият юритган ташкилотлар ва ўқув карталари ҳамда тармоқ атласларининг яратилишини тадқиқ этишга бағишланган. Мақолада картография билан шуғулланган картограф олимлар, илмий жамиятлар ва муассасаларнинг пайдо бўлиши, улар фаолиятидаги муаммо, камчиликларга доир маълумотлар тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: Атлас, картография фабрикаси, Қишлоқ хўжалик агроиклим, тектоник, геоморфологик, артезиан ҳавзалари, деворий карталар, ландшафт, гидрологик, иклим карталари, агросаноат мажмуи

¹⁵ Қаранг: Мирзалиев Т., Сафаров Э., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж. Карташунослик. Тошкент: Чўлпон, 2012.

¹⁶ Мирзалиев Т. Картография. Тошкент: Фан, 2004. 44-бет.

М. ПРИМОВ

**О СОЗДАНИИ УЧЕБНЫХ КАРТ И СЕТЕВЫХ АТЛАСОВ
В 60-Е – 70-Е ГОДЫ XX ВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье рассматриваются картографические исследования 1960-х и 70-х гг. по созданию рабочих карт, сетевых карт и сетевого атласа. В статье приводятся сведения о появлении научных обществ и учреждений, об ученых-картографах, проблемах и недостатках их деятельности.

Ключевые слова: Атлас, Ташкентский картографический завод, агроклиматические, тектонические, геоморфологические, артезианские бассейны, настенные карты, ландшафтное, гидрологическое картографирование карты, агро-индустриальный комплекс.

M. PRIMOV

**IN THE 60S AND 70S OF THE XX CENTURY IN UZBEKISTAN
THE CREATION OF EDUCATIONAL MAPS AND NETWORK
ATLASES**

The article deals with studies of cartographical works in Uzbekistan in the 1960s and 70s, the creation of working maps and network maps and network atlases. The article provides information on the emergence of scientific societies and institutions involved in cartography, cartographic scientists, the problems and shortcomings of their activities.

Key words: Atlas, Cartography Factory, Agricultural Atlas, Uzdavyerloyiha, agroclimate, tectonic, geomorphological, artesian basins, wall maps, landscape and hydrological mapping, climate maps, agro-industrial complex.

*Тарихчи кутубхонасига***В ЕДИНОМ НАУЧНОМ ПРОСТРАНСТВЕ***Мысли о книге*

«Центральная Азия в эпоху средневековья и нового времени: общество, культура, источники. (Ташкент – Вена: Академнашр, 2019. 496 с.)»

Новая книга по истории средневековой и современной Центральной Азии вышла в свет, чтобы приветствовать возвращение Узбекистана на мировую академическую арену и ознаменовать конец периода замкнутости и изолированности исследований в области общественных наук в стране. Этот опус состоит из 496 страниц и разделен на две части: историография и источниковедение, история и история культуры. В создании книги участвовали 32 автора, в том числе узбекские и международные научные деятели.

Данную монографию отличает обилие новых источников, новый взгляд на геолокационную историю в пространстве между Амударьей и Сырдарьей, которая имела обыкновение подробно рассматривать «положительных или отрицательных героев СССР» при однозначном идеологическом подходе, который сегодня требует основательного пересмотра.

Введение к книге подготовлено К. Шодиевым в дань уважения к Французской исторической школе Анналов Люсьену Февру и Марку Блоку. К. Шодиев размышляет о времени в истории как о «моменте перемен» или «моменте длительности», подчеркивая решающую роль и зависимость от соседних народов при понимании локальных исторических процессов, контекстуализируя их в «универсуме» Тойнби и вводя понятие «замкнутости Советского Союза», которая, согласно различным оценкам, «плохо или хорошо кончилась». Автор статьи также вводит так называемый «глобальный подход» западных ученых к Центральной Азии, который сложился из-за отсутствия привилегированного доступа к архивам. Этот подход он характеризует как «романтизм западных историков» по сравнению с фактической точностью местных ученых-историков. Следует, однако, сказать, что сотрудничество исто-

риков, существующее уже более двух десятилетий, позволило стандартизировать подходы и компенсировать недостатки каждой из «сторон». Статья Кэтрин Пужоль о введении одного из ее семинаров является примером такого переноса опыта.

Далее во введении дается общая картина эволюции исторической науки в Узбекистане и новой роли историков, возникающей после обретения независимости (Д. Алимова, Ф. Максудов), особенно в области археологии, исследований, сосредоточенных на Шелковом пути, и периоде влияния ислама в Мавераннахре (IX–X века).

Особое внимание уделяется эпохе Темуридов, роли Темура в политических событиях. По мнению автора статьи Э. Ртвеладзе, Темур обладал сильным характером, дающим ощущение переплетения между «малой и великой историей». В этом отношении следует сказать, что диалог между историей конкретного индивида и историей социума в данный момент является одним из основных направлений этой работы.

Девятнадцатый век не забыт, равно как и советский период до независимости.

Историки размышляют и о современном положении Узбекистана в мире, устанавливая естественную связь между эволюцией исторической науки в Узбекистане, стратегии добрососедства и возвращения в глобализованный мир.

Ш. Асадова и Н. Мустафаева обращаются к нескольким теоретическим вопросам о новой ответственности историка, его нынешнем интеллектуальном стремлении. Заканчивается эта часть книги акцентом Марианны Камп на вклад Дилором Алимовой в изучение истории женщин в Центральной Азии. Действительно, американский историк восхищается академической исследовательской траекторией Дилором Алимовой в гендерных исследованиях до того, как она приступила к размышлениям в период директорства Института истории Академии наук, между 2000 и 2011 годами, затем в качестве заведующей отделом историографии и источниковедения вплоть до настоящего времени.

Первая часть книги, «Историография и источники», представляет собой выбор любого постсоветского историка, который культивирует свои личные прерогативы «в непосредственной близости к источникам», по сравнению с западными историками, которые имеют ограниченный доступ к ним. Она состоит из 11 содержательных глав, разделенных между теми, кто привносит новые источники, и теми, кто занимается пересмотром уже известных источников.

Так, Д. Дутураева представляет китайские источники периода Караханидов – периода, достаточно малоизученного и еще менее изученного с точки зрения китайских источников. Н. Тошев дает нам привилегированный доступ к некоторому количеству неизвестных специалистам источников, с которыми ему удалось поработать благодаря А. Балтаеву. Т. Котюкова предлагает редкие источники из Министерства иностранных дел Российской империи о религиозной жизни в Туркестане в начале XX века.

Три автора дают нам доступ к конкретным источникам других стран, предлагая децентрализованное и более объективное видение этой или иной проблемы или личности, известных или неизвестных публике. Так, Ш. Мустафаев представляет видение Туркестана и джадидизма в азербайджанской прессе конца XIX – начала XX веков. Ф. Шамукарамова просматривает иранские, турецкие и индийские источники, посвященные личности Мирзо Улугбека, и, наконец, Флориан Шварц представляет путешествие драгомана Мира Гейдара Мирбадалова в Лондон в рамках военной кампании Колесова в Бухару в 1918 г., представляя нашему вниманию редкие источники из Министерства иностранных дел.

Два автора предлагают заново обратить внимание на известные источники: Адиб Халид – на произведения Абдурауфа Фитрата и С. Абашин – на русского востоковеда Владимира Наливкина. Другие авторы предлагают новую перспективу исследования работ Б.Х. Кармышевой (Л. Додхудоева) и критику исторической науки в советский период (Ф. Шамукарамова).

Часть «История и история культуры» более разрознена. Она начинается с главы Ф. Масудова, посвященной положению женщин и их правам «на заре цивилизации», основываясь на данных новой для региона дисциплины – «археологической антропологии». На другом конце исторического периода У. Абдурасулов и П. Сартори обсуждают некоторые аспекты правовой культуры Хорезма в начале века. В нескольких строго исторических главах рассказывается об эпохе хорезмшахов (Ю. Пауль), о Тамерлане и его походе на Кавказ (Э. Ртвеладзе), о русском факторе в отношениях между Хивой и казахами (Н. Аллаева). История культуры проиллюстрирована статьей, которая не была бы отвергнута Школой Анналов о запрете на мясо и вино среди зороастрицев (А. Абдуллаев), воспоминания о Памире и памирцах в работе Андрея Снесарева (О. Махмудов), об имперском наследии в 1917–1920 гг. в орфографии и топонимии Туркестана (О. Пуговкина).

В этой же части есть посвященные статьи истории искусства, в частности, искусству миниатюр с редкой манихейской рукописью (З. Рахимова), искусству мастерства тюркских народов в их взаимодействии с оседлым населением (А. Хакимов), рассмотрению стиля «абри» во всех существующих художественных средствах от текстильного дела до архитектуры (Э. Гюль), классическом бухарском музыканте второй половины XIX века – начала XX века (А. Джумаев). Эта часть оканчивается эпиграфическим исследованием, сосредоточенным на хивинских документах, Б. Бабаджанова. Она отражает неисчерпаемое богатство художественного наследия Центральной Азии, созданное на основе преемственности и новых культурных вливаний.

Все это формирует богатый и обновленный сборник истории, которую, как нам кажется, мы знаем, но которая нам преподносит здесь множество сюрпризов и новых идей. Это то, что крайне необходимо для истории Центральной Азии: новые идеи, новые источники, новая кровь, полифония экспериментов и теоретические рекомендации, ожидающие применения, мультидисциплинарный и мультимасштабный подход, который с таким трудом пробирается сквозь тернии постсоветских научных практик даже спустя почти три десятилетия после распада СССР.

Надеемся, что эта книга привлечет новое поколение историков, связанных друг с другом благодаря картографическим, фотографическим, документальным, эпиграфическим находкам, хранящимся (возможно, не навсегда) в глубинах цифровых поисковых систем, но терпеливо накапливающих потенциал для обмена, в котором мы будем нуждаться в нашем глобализированном и спешащем мире.

Проф. Винсент Фурньё.

*Илмий ҳаёт***“ҚЎҚОН ҲАҚИДА” РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ
АНЖУМАНИ ҲАҚИДА**

Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳар бир минтақа, шу жумладан, Фарғона водийси ўзининг бетакрор ўрнига эга. Қадимги маданият ўчоқларидан бири сифатида тарих зарварақларига “Фарғона цивилизацияси” номи билан киритилган Фарғона нафақат водий ёки Ўзбекистон, балки бутун жаҳон тамаддуни тараққиётига залворли улуш қўшган. Зотан қадимги Довон, илк ўрта асрлардаги Фарғона давлати ҳамда Қўқон хонлиги жаҳон тамаддуни силсиласининг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Маълумки, сўнгги йилларда республикамиз ва халқаро илмий марказлар олимлари томонидан Фарғона водийси тарихини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда Я. Ғуломов номидаги Республика илмий семинарининг 76-йиғилиши водий тарихига доир изланишларнинг янги илмий натижаларини ёритувчи “Қўқон ҳақида”га бағишланди.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг фан ва таълим ривожига оид “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда 2018 йил 17 март куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ички ва ташқи туризмни янги тарихий тадқиқотлар асосида ривожлантириш тўғрисидаги бир қатор фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Семинарнинг ушбу йиғилиши мавзуси 2019 йил ЎЗР ФА Тарих институтининг Йўл харитасига ҳам киритилган.

2019 йил 4–5 октябрь кунлари Қўқон шаҳрида Семинарнинг Фарғона водийсига бағишланган йиғилишини ташкиллаштиришда ЎЗР ФА Тарих институти, Шарқшунослик институти, Археологик тадқиқотлар институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қўқон давлат педагогика институти ҳамда Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлик қилди.

Анжуман 2 кунга мўлжалланган бўлиб, 2019 йилнинг 4 октябрида Академик Яхё Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинарининг 76-йиғилиши “Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Қўқон хонлиги” мавзусига бағишланди.

Семинарда Кўкон тарихидаги давлатчилик, шаҳарсозлик, меъморий ёдгорликлар, адабий муҳитга оид маърузалар тингланди. Хусусан, ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти олимлари т.ф.д. А. Анарбаев ва М. Саидовлар “Кўкон – Фарғона водийсидаги қадимги урбанизация марказларидан бири” эканлигини асосли далиллар билан кўрсатиб бердилар. ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими т.ф.н. Ш. Махмудов “Кўкон хонлиги Ўзбекистон тарихида янги давлатчилик шакли”ни ташқи алоқалар, айниқса, Турк султонлари билан ёзишмалари мисолида ифодалади. Санъатшунослик фанлари доктори М. Юсупова “Кўкон хонлиги пойтахти меъморчилигининг маҳаллий хусусиятлари”, ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими С. Эшонова эса “Кўкон хонлигидаги меъморий ёдгорликлар таснифи, тарихи, эпиграфикаси ва муаммолари” ҳақида сўз юритдилар. Кўкон адабий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, унинг асосчиси шох ва шоир Амирий фаолияти Кўкон давлат педагогика институти филология факультети декани ф.ф.н. З. Қобилова томонидан ёритилди. Семинар сўнггида баҳсли саволларга жавоб берилди.

2019 йил 5 октябрь куни “Фарғона водийси жаҳон цивилизацияси тарихида: янги илмий натижалар” Республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади.

Ялпи мажлисда “Фарғона водийси илмий маданий марказларининг IX–XII асрларда Марказий Осиё ренессансидаги ўрни” ҳақида Халқаро ислом академияси олими с.ф.д. З.И. Мунавваров, “Фарғона фикҳ мактаби алломалари ва уларнинг илмий мероси” ҳақида ЎзР ФА Шарқшунослик институти бўлим мудирини т.ф.н. О. Қориевларнинг маърузалари тингланди.

Фарғона водийсининг қадимдан то яқин ўтмишига қадар тарихига оид тадқиқотлар асосида аниқланган энг сўнгги илмий янгиликлар “Тарих”, “Тарихшунослик ва манбашунослик”, “Археология ва этнология”, “Адабиёт, санъат ва маданият” каби шўъбаларда 100 яқин маърузалар орқали етказилди. Маърузалар учун танлаб олинган мавзулар хронологик жиҳатдан милoddан аввалдан то бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олган.

Анжуманда Фарғона водийси, Кўкон хонлиги тарихи, тарихшунослиги, ҳукмдорларининг ички ва ташқи алоқалари, меъморий ёдгорликлари қурилмаси, тарихи, эпиграфикасига оид хусусиятлари ва муаммолари, фарғоналик буюк алломалар, шарқшунослар, уламолар, шоирлар, адибларнинг ҳаёти, ижоди, илмий мероси ва фалсафий қарашлари, Фарғона халқлари тили ва адабиётининг ўзига хос қирралари,

манба ва матнлар тахлили, шунингдек, кўлёмаларни таъмирлаш ҳамда замонавий масалаларга эътибор қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги институтлар илмий ходимлари, Олий таълим тизимидаги ўқитувчи ва профессорлар Тарих институти, Шарқшунослик институти, Археологик тадқиқотлар институти, Ўзбекистоннинг бир қатор музейлари илмий ходимлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Маърузачилар Фарғона водийсининг Ўзбекистон давлатчилиги ва жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси, тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар мазмуни уни аниқ ифодалашга имкон берувчи тақдимотлар орқали намойиш қилинди ва қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

Фан ва таълим соҳасидаги интеграция жараёнини кучайтириш, археология, этнология, тарих ва адабиёт фани соҳаларида бажарилаётган тадқиқотлар янги илмий натижаларини кенг жамоатчилик ва айниқса, жойлардаги ёш олимларга етказиш семинарнинг бош ғояси бўлди.

Анжуманда илм соҳасига кириб келаётган ёш изланувчилар тадқиқотининг сифатини ошириб, методологияси ва манбавий асосини кучайтиришга, кўлёмма манбаларни ўқиш, унинг илмий янгилигини аниқлаш ва жамоатчиликка тақдим этиш тажрибасини шакллантиришга доир бир қатор тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди. Бу каби анжуманларнинг ўтказилиши илмий-тадқиқот ва Олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириб, малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Фил.ф.н. С. Эшонова

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОСНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Марказий Осиё минтақаси халқлари жаҳон интеллектуал меросини бойитишга жуда катта ҳисса қўшганлиги билан инсоният тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда аждодларимиз яратган интеллектуал меросни чуқур ўрганиш, ундан амалий фойдаланиш, шунингдек, келажак авлодларга бекаму кўст етказиб бериш муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб, бу жараён умумдавлат аҳамиятига молик вазифага айланган.

Бу борада ЎзР ФА Тарих институтида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда институтда интеллектуал мерос тарихини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, илмий анжуманлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Худди шундай тадбирлардан бири *“XIX–XX аср бошларида Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихи”* мавзусидаги II Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб, 2019 йил 11 ноябрда Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Ушбу илмий анжуманда асосий эътибор Ўзбекистонда ижтимоий фан тармоқлари йўналишидаги изланишлар ҳамда ўлка халқларининг ижтимоий ҳаётига оид тадқиқотлар тахлиliga қаратилди.

Анжуман доирасида XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яратилган ижтимоий фан тармоқларига оид асарлар, минтақада олиб борилган илмий изланишларнинг илм-фан тараққиётидаги ўрни, Ўзбекистонда яшаган ва фаолият олиб борган олимларнинг илмий мероси масалаларига доир илмий маърузалар тингланди. Жумладан, анъанавий тарихшунослик мактаблари, тарих, археология, шарқшунослик, этнология фанлари соҳасида фаолият олиб борган олимларнинг изланишлари ҳақидаги янги маълумотлар тақдим этилди.

Анжуманнинг ялпи мажлисини Ўз ФА вице-президенти т.ф.д., профессор Б.А. Абдуҳалимов очиб бериб, интеллектуал мерос тарихига бағишланган илмий тадбирлар ўтказиш анъанавий тус олганлигини қайд этди. Конференция институтнинг *“Ўзбекистоннинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари даври тарихи”* бўлимида амалга оширилаётган *ОТФ 1135 рақамли “XIX–XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари”* фундаментал лойиҳаси доирасида ўтказилаётганлигини

маълум қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда яшаган ёки бу ерда фаолият олиб борган илм-фан намоёндаларининг илмий-интеллектуал меросини ўрганишнинг аҳамияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Ялпи мажлисда сўзга чиққан Тарих институти директори, т.ф.д., профессор Азамат Зиё минтақадаги илмий-интеллектуал мерос кўламининг жуда кенг эканлигини таъкидлар экан, анжуманда кўриб чиқиши режалаштирилган масалаларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳам ўта долзарблиги, уларни тадқиқ этиш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан катта аҳамиятга молик эканлигини қайд этиб ўтди.

Т.ф.д., профессор Д.Х. Зияева (фундаментал лойиҳа раҳбари) анжуман иштирокчиларини лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги ижтимоий фан соҳаларида олиб борилган тадқиқотларнинг ўрганилишига оид маълумотлар билан таништирди. Хусусан, халқимизга қолдирилган илмий-интеллектуал мерос намуналари ҳамда тадқиқотчилар таркибининг кенг кўламли эканлигини таъкидлар экан, Д. Зияева маҳаллий тадқиқотчилар билан биргаликда рус олимлари, хорижий изланувчилар ушбу меросни бойитишга салмоқли ҳисса қўшганликларини айтиб ўтди.

Анжуманнинг ялпи мажлисидаги илк маъруза т.ф.д., профессор Д.А. Алимова томонидан тақдим этилди. Маърузачи “Абдурауф Фитрат ва унинг оила асари” номли маърузасида тараққийпарвар олимнинг бугунги кундаги энг долзарб масала – оила институти борасидаги қарашларини чуқур таҳлил қилиб, Абдурауф Фитратнинг оила, унинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни борасидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ибратли эканлигини асослаб берди.

Т.ф.д. М. Исакованинг Ўзбекистонда архив ориентализмининг шаклланишига бағишланган илмий чиқишида ўзбек хонликлари архиви борасида муҳим маълумотлар қайд этилди.

Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) А. Бозорбоев Британия кутубхонаси фондларидаги Ўрта Осиёга оид тарихий асарларни таҳлил қилар экан, Ўзбекистон халқлари интеллектуал меросининг жаҳон миқёсида тан олинishi ҳамда қизиқиб ўрганилиши ҳақидаги маълумотларни ёритиб берди.

Кейинги босқичда анжуман иши шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этди. Жумладан, “Анъанавий тарихнавислик мактаби”, “Даврий матбуотда ижтимоий тарих масалалари”, “Рус тадқиқотчиларининг тарихий асарлари”, “Шарқшунослик ва археологик тадқиқотлар”, “Хорижий тадқиқотлар”, “Этнографияга оид тадқиқотлар” деб номланган

шўъбалар иш олиб борди. Умуман, конференцияга 60 га яқин маърузалар тақдим этилган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан келган олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этдилар.

“Анъанавий тарихнавислик мактаби” шўъбаси модератори т.ф.д., профессор Г.А. Агзамова тақдим қилинган илмий маърузалар катта қизиқиш билан тингланганини, анжуман иши қизғин мунозаралар тарзида ўтганини қайд этди. Хусусан, Г.А. Агзамова айрим ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятини юқори баҳолади. Унинг фикрига кўра, йиғилиш иштирокчилари т.ф.н. С. Эшонваннинг Абдуллажон Насимийнинг “Мажмаа-ул ҳаводис” асари борасидаги мулоҳазалари, т.ф.н. Ш. Махмудовнинг Маҳзунийнинг “Фарғона хонлари тарихи” асари ҳақидаги маълумот ва хулосаларини алоҳида эътибор билан тингладилар. Шунингдек, Халқаро ислом академияси таянч докторанти Н. Мирзаевнинг “Бухоро амирлиги тарихнавислик мактаби намуналари” деб номланган маърузаси янги илмий маълумотлар акс этганлиги билан йиғилиш қатнашчиларининг эътирофига сазовор бўлди. Т.ф.н. Г. Таниеванинг Ўрта Осиё халқлари ҳаж сафарларига бағишланган маърузасида ҳам қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.

Ёш тадқиқотчилардан В. Холовнинг инглиз тарихшунослигида Ўрта Осиё этнографияси масалаларининг ўрганилиши, Н. Гулбоевнинг рус сайёҳлари асарларида Хива хонлиги қўшини масалаларига бағишланган докладлари янги ва қизиқарли маълумотлар тақдим этилганлиги туфайли барчага манзур бўлди. Шунингдек, даврий матбуотда ижтимоий тарих масалалари, хорижий тадқиқотларда тарихий масалаларнинг акс этишига бағишланган маърузалар илмий янгиликларга бой эканлиги билан иштирокчиларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Анжуман якунида ҳар бир шўъбада тингланган энг яхши маърузалар ҳақида тўхталиб, анжуман иштирокчиларига сертификат берилди. Шу тарика, конференция ишида XIX–XX аср бошларида фаолият олиб борган маҳаллий олимлар ва хорижий тадқиқотчиларнинг тарих, археология, шарқшунослик, этнография каби ижтимоий фанлар соҳасидаги изланишлари ҳамда Марказий Осиё халқлари ижтимоий ҳаётига бағишланган маълумотлари таҳлил этилди ва илмий муомалага киритилди. Шу билан бирга, республика миқёсида интеллектуал мерос тарихи билан шуғулланадиган олим ва изланувчилар ўртасида ўзаро маълумот ҳамда фикр алмашинуви фан ва таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайишига хизмат қилишини эътироф этиш лозим.

Т.ф.н. А. Тогаева.

ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН

2019 йил 19 декабрь куни Тошкент шаҳрида “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумидан “Ўзбекистон этнологиясининг назарий услубий муаммолари” мавзусида VIII-республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман ЎЗР ФА Тарих институти билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Фанлар академияси тизимидаги бир нечта илмий тадқиқот институтларининг олимлари ва Республикамиздаги етакчи олий ўқув юртлирида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган ушбу тадбир “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида ўтказилиб келинаётган саккизинчи анжуман ҳисобланади. Анжуманнинг асосий мақсади Республикамизда этнология ва маданий антропология йўналишида олиб борилган илмий-назарий тадқиқотларни сарҳисоб қилиш, уларнинг нечоғлик жаҳон илмий ҳамжамияти билан ҳамоҳанг тарзда бажарилаётганлиги, соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, анжуманда Ўзбекистонда этнологиясининг назарий-услубий жиҳатларига эътибор қаратилди.

Охириги йилларда Ўзбекистонда этнология соҳаси билан боғлиқ ўзбек халқининг миллий кадриятлари ва бой миллий меросини ўрганиш, уларни кенг миқёсда тарғиб ва ташвиқ қилиш, унутилган анъана, маросимлар ҳамда миллий кадриятларни қайта тиклаш, шунингдек, келгуси авлодларга етказиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида “Бойсун туманининг маданий макони”, “Катта ашула”, “Шашмақом”, “Аския”, “Палов маданияти ва урф-одатлари”, “Наврўз” ва “Хоразм лазгиси” каби ўзбек халқининг номоддий кадриятлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон номоддий ёдгорликлари рўйхатига киритилди ва бу борада ҳозирда ҳам илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Умуман олганда сўнгги йилларда миллий урф-одат ва анъаналарни ҳамда этномиллий кадриятларни чуқур ўрганиш ва қайта тиклаш, этнотуризм соҳасини ривожлантиришга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда этнология соҳасининг назарий услубий муаммоларига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуман нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманнинг ялпи йиғилишида “Археогенетика ва Марказий Осиё қадимги аҳолисининг шаклланиши (т.ф.н. Ф.А. Максудов, ЎзР ФА Миллий археология маркази) “Марказий Осиё антропогенез жараёни: тарихий, ижтимоий-маданий ва мультигенетик алоқалар” (тиб.ф.д. Т.Р. Хегай, ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти), “IV–V асрларда Марказий Осиёдаги этносиёсий жараёнлар” (т.ф.д. Г.Б. Бобоёров, ТошДЎТАУ), “Этнология ва лингвистика: икки йўналиш ҳамкорлиги истиқболлари” (Э. Асанов ТошДЎТАУ), “Туркистон жадидларининг тафаккурида диний ва миллий бағрикенглик” (проф. Д.А. Алимова, ЎзР ФА Тарих институти) ва “XXI аср Ўзбекистон этнологияси: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” (проф. А.А. Аширов, ЎзР ФА Тарих институти) мавзуларида маърузалар қилинди.

Маърузаларда Республикамизда таниқли олимларнинг Ўзбекистон этнологиясининг янги назарий-услубий йўналишлари, турли тарихий даврлардаги этномаданий, этнолингвистик ва антропологик жараёнлар таҳлили ҳамда фанлараро ёндашув услублари ҳақида қизиқарли мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини тадқиқ қилишда археогенетика йўналишида қўлга киритилган илмий натижалар ҳамда минтақа аҳолисининг генетик таҳлиliga бағишланган маърузалар иштирокчиларда қатта қизиқиш уйғотди ва қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуманда этнологлар билан бирга тарих, археология, генетика, фалсафа, шарқшунослик, нумизматика йўналишларида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларнинг Ўзбекистон этнологиясининг назарий услубий асосларига оид маърузалар билан иштирок этишди. Бу ҳолат эса мамлакатимизда фанлараро тадқиқотларнинг интеграцияси йўналишида қилинган дастлабки жиддий уриниш бўлиб, унда фанлараро ёндашув асосида ўзбек халқи маданияти ва этнологияси билан боғлиқ янги илмий хулосалар кенг илмий жамоатчиликка тақдим этишга хизмат қилади.

Анжуман кейинги йиғилишлари шўъбаларда давом этди ва биринчи шўъба йиғилиши “**Этник тарих ва этниклик билан боғлиқ концепциялар таҳлили**”га бағишланди. Унда қилинган маърузалар орасида “*Ўзбек этнонимининг анъанавий ва замонавий талқинига доир мулоҳазалар*”, “*Миллатнинг ойкуменик назарияси, этнолингвистика ва ўрталаштирилган тиллар концепцияларининг глобаллашув давридаги ўрни*”, “*Этнографик гуруҳларни ўрганишга доир янги қарашлар*”, “*Қадимги туркларнинг ўзликни англашнинг айрим жиҳат-*

лари” ва “IX–XII асрлар миграцион жараёнларда этник омил” мавзуларидаги чиқишлар катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчи шўбада этнологияда маданият ва кундалик турмуш тарзининг назарий-услубий асосларига бағишланган маърузалар тингланди. Айнан ушбу шўба йиғилишлари ҳам қизгин тарзда ўтди ва кўплаб янги тадқиқотлар натижалари тақдим этилди. Жумладан, “Рус тарихшунослигида ўғуз ва туркманларнинг Анадолуга кўчиш масаласи”, “Ўзбек кийимларидаги ўзгаришлар: анъаналар ва моданинг уйғунлиги”, “Замонавий жамиятда халқ табобатининг сақланиш омиллари”, “Хунармандчиликда “тўйинтирувчи ландшафт”нинг ўрни (назарий асослари)” каби мавзуларда қилинган чиқишлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Анжуманнинг “Миллий анъана ва маросимлар – халқ маданиятининг феномени” деб номланган учинчи шўбасида эса “Ўзбекларда ерни эъозлаш билан боғлиқ қадимги эътиқодлар”, “Фарғона водийси аҳолисининг дарахт рамзи билан боғлиқ қарашлари”, “Ўзбек халқи дунёқарашида ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларнинг ижобий ва салбий омиллари” ва “Сурхон воҳасининг анъанавий деҳқончилик маросимлари хусусида” каби маърузалар иштирокчилар орасида катта қизиқиш билан муҳокама қилинди.

Умуман олганда, шўбалар йиғилишларида малакали мутахассислар билан бирга ёш тадқиқотчиларнинг ўзбек халқининг этник тарихи, этник ва миллий ўзлигини англаш, республикамізда яшовчи турли диаспоралар маданияти ва анъаналарига бағишланган тадқиқотларининг дастлабки натижалари тақдим этилди.

“Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида ўтказилган навбатдаги анжуман фан ва таълим интеграциясини таъминлаш асосида олий таълим муассасалари профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилди.

Якуний йиғилишда этнология фанининг истиқболи, унинг ўзбек халқининг тарихий мероси, миллий мафкурани шакллантиришдаги ўрни билан бирқаторда келгусида ушбу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотларнинг йўналишлари ҳам белгилаб олинди.

Анжуман якунида барча қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан махсус сертификатлар тақдим этилди.

Профессор А. Аширов



ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2019. № 4

Индекс 1027